

Таҳорат китоби

«Тайсирул аллом шарху умдатил аҳком» китобидан иқтибос



**Шайх Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Оли
Бассом**

**Мутаржим: Иброҳим Асарий
Муҳаррир: Абу Абдуллоҳ Шоший**

كتاب الطهارة

(باللغة الأوزبكية)



الشيخ عبد الله بن عبد الرحمن بن صالح آل بسام

ترجمة: إبراهيم الأثري

مراجعة: أبو عبد الله الشاشي

المكتب التعاوني للدعوة وتوعية الجاليات بالربوة

هاتف: +966114454900 فاكس: +9661144970126 ص ب: 29465 الرياض: 11457

ISLAMIC PROPAGATION OFFICE IN RABWAH

P.O.BOX 29465 RIYADH 11457 TEL: +966 11 4454900 FAX: +966 11 4970126



OFFICERABWAH

Мундарижа

Мундарижа.....	1
Мутаржим муқаддимаси.....	5
Муаллиф муқаддимаси	8
Ният ва унинг ҳукми	10
Биринчи ҳадис	10
Иккинчи ҳадис	13
Учинчи ҳадис	15
Тўртинчи ҳадис.....	16
Турғун сувни ишлатишга тааллуқли ҳукм.....	22
Бешинчи ҳадис.....	22
Ит ичган ва ялаган идишнинг ҳукми	26
Олтинчи ҳадис	26
Таҳорат олиш кайфияти ва фазилати	30
Еттинчи ҳадис	30
Саккизинчи ҳадис.....	37
Тўққизинчи ҳадис.....	40
Ўнинчи ҳадис	42
Ҳожатхонага кириш ва истинжо қилиш боби	48
Ўн биринчи ҳадис.....	48
Ўн иккинчи ҳадис.....	50
Ўн учинчи ҳадис.....	53
Ўн тўртинчи ҳадис	56

Ўн бешинчи ҳадис	58
Ўн олтинчи ҳадис	60
Мисвок боби	65
Ўн еттинчи ҳадис.....	65
Ўн саккизинчи ҳадис.....	67
Ўн тўққизинчи ҳадис	68
Йигирманчи ҳадис.....	71
Маҳсига масҳ тортиш боби	73
Йигирма биринчи ҳадис.....	73
Йигирма иккинчи ҳадис.....	76
Мазий ва бошқа нажосатлар ҳукми ҳақидаги боб.....	78
Йигирма учинчи ҳадис.....	78
Йигирма тўртинчи ҳадис	81
Йигирма бешинчи ҳадис.....	83
Йигирма олтинчи ҳадис	86
Йигирма еттинчи ҳадис	88
Жанобатдан ғул килиш боб	92
Йигирма саккизинчи ҳадис.....	92
Йигирма тўққизинчи ҳадис	94
Ўттизинчи ҳадис.....	97
Ўттиз биринчи ҳадис.....	99
Ўттиз иккинчи ҳадис.....	100
Ўттиз учинчи ҳадис.....	102
Ўттиз тўртинчи ҳадис	104
Ўттиз бешинчи ҳадис.....	105
Таяммум боби	108

Ўттиз олтинчи ҳадис	109
Ўттиз еттинчи ҳадис	111
Ўттиз саккизинчи ҳадис.....	114
Ҳайз боби	119
Ўттиз тўққизинчи ҳадис	119
Қиркинчи ҳадис	121
Қирк биринчи ҳадис	123
Қирк иккинчи ҳадис	125
Қирк учинчи ҳадис	126

Ушбу рисола шайх Абдуллоҳ Оли Бассом раҳимахуллоҳнинг "Тайсирул Аллом шарҳу умдатил аҳком" китобидан таржима қилинган. Ушбу китоб Имом Бухорий ва Муслим раҳимахуллоҳларнинг "Саҳиҳ" ҳадис тўплamlаридан фикҳий аҳкомларга оид бўлган ҳадислар асосида тузилган бўлиб, унда мутаржим ва муаллиф муқаддимаси, таҳорат китоби ва унга тааллуқли бўлимлар ҳақида сўз юритилади.

Мутаржим муқаддимаси

Бисмиллаҳир-рахмонир-роҳийм

Аллоҳ таолога ҳамду санолар, Пайғамбаримизга, у кишининг аҳли-оиласи, саҳобалар ва уларга эргашган солиҳ инсонларга салавот ва саломлар бўлсин!

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло бизларга Ўзини танитадиган, динимизни ўргатадиган ва У зот нозил қилган ҳукмларни баён қиладиган Пайғамбар юборди.

Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Шунингдек, сизларга ўзларингиздан бўлган, Бизнинг оятларимизни сизларга тиловат қиладиган, сизларни поклайдиган, сизларга Китоб ва Ҳикматни (Қуръон ва Ҳадисни) таълим берадиган ҳамда билмаган нарсаларингизни ўргатадиган пайғамбар юбордик»** [Бақара: 151].

Аллоҳ таоло бизларни юборилган бу Пайғамбарга итоат қилишга буюриб шундай дейди: **«Айтинг: «Аллоҳ ва пайғамбарга итоат қилингиз!»** Агар юз ўгирсалар, албатта Аллоҳ бундай кофирларни севмас» [Оли-Имрон: 32]. Агар чиндан ҳам Аллоҳни севсак ва Аллоҳ таоло ҳам бизни севишини ва гуноҳларимизни кечиришини истасак Пайғамбарга эргашишимиз лозимлиги, шунингдек, Пайғамбарга итоат қилиш Аллоҳга итоат қилиш эканини баён қилиб Аллоҳ таоло шундай дейди: **«Айтинг (Эй Муҳаммад): «Агар Аллоҳни севсангиз, менга эргашинглар. Шунда Аллоҳ сизларни севади ва гуноҳларингизни мағфират қилади. Аллоҳ (гуноҳларни) мағфират қилгувчи ва меҳрибондир»** [Оли-Имрон: 31].

Бошқа оятда шундай дейди: **«Кимки пайғамбарга итоат этса, демак, Аллоҳга итоат этибди...»** [Нисо: 80].

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилиш ва у зотдан ўрнак олишга буюрувчи ёки тарғиб қилувчи бундан бошқа талай оятлар бор.

Қолаверса, жаннатга киришимиз учун Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга итоат қилишимиз лозимдир.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Умматимнинг барчаси жаннатга киради. Бундан бош тортганлар мустаснодир». Саҳобалар: «Ё Расулulloҳ, (жаннатга киришдан) ким бош тортади?», деб сўрашди. Шунда Расулulloҳ: «Ким менга итоат қилса жаннатга киради. Кимда-ким менга итоат қилмаса, (жаннатга киришдан) бош тортган бўлади», деб жавоб бердилар [Бухорий: 6851].

Шак-шубҳасиз, ҳар қандай солиҳ амалнинг дуруст ва қабул бўлиши учун унинг ихлос ила ва Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига мувофиқ бўлиши шарт қилинади.

Аллоҳ таоло айтади: **«Ҳолбуки, улар ихлос билан ягона Аллоҳга ибодат қилишгагина буюрилдилар»** [Баййина: 5]. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтадилар: «Албатта амаллар(нинг солиҳ ёки яроқсизлиги, макбул ёки номакбуллиги) фақат ниятларга боғлиқдир» [Бухорий: 1907]. Бошқа бир ҳадиси шарифда шундай дейдилар: «Ким биз қилмаган амални қилса, қилган амали қабул қилинмайди» [Муслим: 1718].

Бинобарин, ислом уммати уламолари Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг айтган сўз, амал ва иқрорларидан иборат суннاتини йиғиб, минглаб китоблар битишган. Ҳижрий олтинчи асрда яшаб ўтган имом Абдулғаний ибн Абдулвоҳид Мақдисий Жаммоилий ана шулар жумласидандир. У «икки саҳиҳ ҳадислар тўплами»-да келган фикҳ аҳкомларига тааллуқли ҳадисларни бир китобда жамлаб, уни «*Умдатул аҳком*» деб номлаган. Бу

китоб фикҳ китобларидаги машҳур боблар асосида тартибланган бўлиб, унда имом Бухорий ва Муслим мазкур бобларда ривоят қилган саҳиҳ ҳадислар келтирилган.

Асримиз уламоларидан бўлмиш аллома шайх Абдуллоҳ ибн Абдурахмон Оли Бассом бу китобга қисқа ва сермазмун шарҳ ёзиб, уни «*Тайсирул Аллом шарҳу умдатил аҳком*», дея номлаган.

Биз ушбу китоб таржимасини эътиборингизга ҳавола қиламиз, иншаоллоҳ.

Аллоҳ таолодан бу арзимас амалимизни даргоҳида қабул қилиши, охиратда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шафоатига сазовор бўладиган, ислом дини ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига хизмат қилувчи бандаларидан қилишини сўраймиз. Шунингдек, Аллоҳ таолодан ушбу таржима Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам суннатларини ёйиш борасида муносиб ҳисса қўшишини умид қилиб қоламиз. Омиин!

Муаллиф муқаддимаси

Муаллиф ҳофиз шайх Такийюддин Абу Муҳаммад Абдулғаний ибн Абдулвоҳид ибн Али ибн Сарур Мақдисий роҳимаҳуллоҳ шундай дейди:

Барчадан олий ва устун бўлган ёлғиз ҳақиқий подшоҳ — Аллоҳга ҳамдлар бўлсин. Гувоҳлик бераманки, шериги бўлмаган Аллоҳдан ўзга ҳақ илоҳ йўқ. У еру осмон ва улар ўртасидаги барча нарсаларнинг Раббиси бўлган Азиз ва Ғаффор зотдир.

Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг бандаси ва танлаб олган пайғамбаридир. Пайғамбаримиз Муҳаммадга, у зотнинг аҳли-оиласи ва барча саҳобаларига Аллоҳнинг салом ва салавотлари бўлсин.

Аммо баъд:

Баъзи биродарларимиз «икки имом» — Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Исмоил ибн Иброҳим Бухорий ва Муслим ибн Ҳажжож ибн Муслим Қушайрий Найсабурий ривоят қилган «муттафақун алайҳ»¹ ҳадислардан фикҳий аҳком-

¹ Имом Бухорий ва Муслим «иттифоқ қилган» ёки «муттафақун алайҳ ҳадис», деб икки имом бир саҳобийдан ривоят қилган ҳадисга айтилади. Ушбу ҳадиснинг матни бир хил бўлиши шарт эмас. Балки, ҳадис маъноси бирдек бўлса kifoya. Масалан: Имом Бухорий ва Муслим Ибн Умар розияллоху анхумодан бирон ҳадисни ривоят қилиб, имом Муслим Бухорий зикр қилмаган баъзи сўзларни қўшиб ривоят қилса, «муттафақун алайҳ» дейилаверади. Аммо имом Бухорий ва Муслим ривоят қилган ҳадиснинг матни бир хил, бироқ унинг ровийси саҳобий бошқа-бошқа бўлса,

ларга оид бўлганларини саралаб беришимни илтимос қилишди. Мен бу амал фойдали бўлади деган умидда уларнинг илтимосларига рози бўдим².

Аллоҳ таолодан бу китобни бизларга ва уни ёзган, эшитган, ўқиган, ёдлаган ҳамда унга назар солган кишиларга фойдали қилишини сўраймиз.

Шунингдек, Аллоҳдан бу амалимизни холис Ўзи учун бўлиши ва жаннати найимга киришга сабаб бўладиган амаллар қаторида қилишини умид қиламиз. Зеро, бизга Аллоҳнинг Ўзи кифоя ва У қандай ҳам яхши вакилдир.

«муттафакун алайх» деб айтилмайди. Масалан: Имом Бухорий Ибн Умардан, Муслим эса Абу Хурайрадан матни бир хил ҳадисни ривоят қилса, «муттафакун алайх» саналмайди.

² Шайх Оли Бассом айтади: «Муаллиф роҳимахуллоҳ гоҳида услубига хилоф ўлароқ, «саҳиҳайн»нинг бирида ёки ундан бошқа китобларда келган ҳадисларни ҳам зикр қилган. Заркаший роҳимахуллоҳнинг бу китобга битган қўлёзма изоҳини кўрдим. Унда Заркаший муаллиф ваъдасига хилоф равишта «муттафакун алайх» бўлмаган ҳадисларни келтирганини айтган ва бунга эътироз билдириб, ушбу ҳадисларни баён қилган. Заркаший роҳимахуллоҳ Бухорий ва Муслим ҳадис матнида ихтилоф қилиб, бироқ маъносида иттифоқ қилган ҳадисларга эътироз билдирмаган. Мен Заркашийнинг изоҳларидан хулоса тузиб, уни мазкур шарҳ ҳошияларига илова қилдим».

Ният ва унинг ҳукми

Биринчи ҳадис

عَنْ أَمِيرِ الْمُؤْمِنِينَ أَبِي حَفْصٍ "عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ" رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ:
سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: إِنَّمَا الْأَعْمَالُ بِالنِّيَّاتِ، وَإِنَّمَا
لِكُلِّ امْرِئٍ مَا نَوَى، فَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ وَرَسُولِهِ فَهَجْرَتُهُ إِلَى اللَّهِ
وَرَسُولِهِ، وَمَنْ كَانَتْ هِجْرَتُهُ لِدُنْيَا يُصِيبُهَا، أَوْ امْرَأَةٍ يَنْكِحُهَا فَهَجْرَتُهُ إِلَى مَا
هَاجَرَ إِلَيْهِ."

Мўминлар амири Абу Ҳафс Умар ибн Хаттоб розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганларини эшитдим: «Албатта амаллар ниятларга боғлиқдир. Ҳар бир кимса учун ният қилгани насиб қилур. Кимда-ким Аллоҳ ва Унинг Расули учун хижрат қилса, у ҳолда Аллоҳ ва Расули сари хижрат қилган бўлур. Кимда-ким мол-дунёга эришиш ёхуд бир аёлга уйланиш мақсадида хижрат қилса, у ҳолда ўзи мақсад қилган нарсасига хижрат қилган бўлур» [Бухорий: 1 ва Муслим: 1907].

Шарҳ:

Мазкур ҳадис Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва салламнинг буюк сўзларидан ва ислом динидаги муҳим қоидалардан бири бўлиб, амалларни ўлчаш учун энг тўғри мезондир. Амалларнинг қабул бўлиши ёки бўлмаслиги ва кўп ёки кам савоб берилиши ниятга боғлиқдир.

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам амаллар ниятларга боғлиқ экани ҳақида хабар бердилар. Агар ният тўғри ва амал холис Аллоҳ учун бўлса, амал қабул қилинади. Аммо бундай бўлмаса, қабул қилинмайди. Зеро, Аллоҳ таоло нохолис ва ширк аралашган амалдан бутунлай беҳожат бўлган Зотдир.

Сўнг Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу буюк қоидани ойдинлаштириб бериш учун бунга ҳижрат амалини мисол қилиб келтирдилар. Ким куфр диёридан Аллоҳнинг савобига эришиш, Набий соллаллоху алайҳи ва салламга яқин бўлиш ва шариатни ўрганиш ниятида ҳижрат қилса, унинг ҳижрати Аллоҳ йўлида бўлиб, У зот уни ажру савоб ила мукофотлайди. Ким бирон дунёвий манфаатга эришиш мақсадида ҳижрат қилса, ҳеч қандай савобга эришмайди. Балки гуноҳ-маъсият учун ҳижрат қилган бўлса, бу амали туфайли жазоланади.

Дарҳақиқат, ният орқали ибодат билан одат ўртаси ажратилади. Масалан, жанобатдан покланиш ниятида ғусл қилинса, ибодат, шунчаки тозаланиш ёки салқинланиш мақсадида ғусл қилинса, одат бўлади.

Шариатда ниятга икки томондан қаралади:

Биринчиси: Амалларни ёлғиз Аллоҳ таоло учун ихлос билан бажариш. Ниятдан кўзланган энг олий ғоя ҳам шудир. Бу тўғрида кўпроқ тавҳид ва одоб-ахлоқ илми уламолари сўз юритадилар.

Иккинчиси: Ибодатларни бир-биридан ажратиш. Бу тўғрида кўпроқ фуқоҳолар сўз юритади.

Мазкур ҳадис эътибор қаратишимиз ва унинг маъноларини яхши англаб етишимиз лозим бўлган сермазмун ҳадислардан биридир. Албатта, ушбу ҳадисни қисқа сатрларда шарҳлаш билан унинг ҳаққини тўлиқ адо қилиб бўлмайди.

Имом Бухорий роҳимахуллоҳ мазкур ҳадис ҳар қандай илмий масала ёки бобга тааллуқли бўлгани боис саҳиҳ тўпламини у билан бошлаган.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1- Амалларнинг тўғри ёки нотўғри, савоби комил ёки ноқис бўлиши ҳамда тоат ёки маъсият деб эътибор қилиниши ниятларга боғлиқдир. Ким амали ила риёкорликни қасд қилса, гуноҳкор бўлади. Масалан, ким фақат Аллоҳнинг динини устун қилиш ниятида жиҳод қилса, комил савобга эришади. Борди-ю, Аллоҳнинг динини устун қилиш билан бир қаторда ўлжани ҳам ният қилса, савоби ноқис бўлади. Агар фақат ўлжа ниятида жиҳод қилса, гуноҳкор бўлмасда, бироқ мужоҳидга бериладиган ажр-савобга эришмайди.

Мазкур ҳадис ниятларнинг хилма-хиллигига қараб амаллар, хоҳ у тоат-ибодат, хоҳ маъсият бўлсин, турлича бўлишини баён қилиш учун айтилган.

2- Ният амалнинг асосий шарти саналади. Аммо уни эсга олишда ибодатга путур етказадиган даражада чуқур кетмаслик керак. Зеро, бирон амални бажариш кўнгилдан ўтиши билан ният ҳосил бўлади. Уни эсга олиш ва рўёбга чиқаришда ортиқча такаллуфга ҳожат йўқ.

3- Ният қалбда бўлади, уни тил билан айтиш бидъат.

4- Модомики, риёкорлик ва фақат дунёвий манфаатларга эришиш ниятида амал қилиш ибодатга путур етказар экан, улардан сақланиш фарздир.

5- Қалбда кечадиган амалларга эътибор қаратиш ва уни доимо назорат қилиб туриш лозим.

6- Аллоҳ розилиги учун куфр диёридан ислом диёрига хижрат қилиш энг афзал ибодатлардан бири.

Фойда:

Ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳ Аллоҳдан бошқаси учун қилинган амаллар бир неча қисм бўлишини зикр қилган:

1) «Инсон ўз амали билан фақат риёкорлик ва дунёвий манфаатларга эришишни қасд қилади. Бундай ҳолат мўмин кишидан деярли содир бўлмайди. Негаки, риёкорлик амални пучга чиқариб, амал соҳибини Аллоҳнинг ғазаби ҳамда азоб-уқубатига гирифтор қилади.

2) Инсон Аллоҳ учун амал қилади-ю, бироқ унга риё аралашади. Агар амалнинг бошиданок риё аралашган бўлса, саҳиҳ далиллар бу амалнинг ботил эканига далолат қилади.

3) Инсон Аллоҳ учун амал қилади-ю, сўнг унга риё қўшилади. Бироқ амал соҳиби риёга қарши курашиб, уни йўқотади. Уламолар бу ҳолатда риёнинг амалга путур етказмаслигига иттифоқ қилишган.

4) Амал асносида қўшилган риё кетказилмаса, амални пучга чиқарадими ёки унинг зиёни бўлмай, инсон асл ниятига кўра мукофотланадими? Салаф уламоларимиз бу хусусида ихтилоф қилишган». (Ибн Ражаб роҳимаҳуллоҳнинг сўзи жузъий ўзгартиришлар билан нақл қилинди).

Иккинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ:

" لَا يَقْبَلُ اللَّهُ صَلَاةَ أَحَدِكُمْ إِذَا أَحْدَثَ حَتَّى يَتَوَضَّأَ "

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloх соллalloху алайхи ва саллам шундай дедилар: «Биронтангиз таҳоратини бузса, то таҳорат олмагунча

Аллоҳ таоло унинг намозини қабул қилмайди» [Бухорий: 135, 6954].

Шарҳ:

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг: «Бирон-тангиз таҳоратини бузса», деган сўзларининг мазмуни шуки, инсон бавл қилиш, ҳожатга чиқиш ёки бундан бошқа таҳоратни бузадиган амаллардан бирини қилса, то таҳорат олмагунча намози қабул қилинмайди.

Доно шариатимиз бизларни намозга гўзал сурат ва чиройли кўринишда киришга йўллаган. Чунки намоз Аллоҳ таоло билан банда ўртасидаги мустаҳкам ришта ва У зотга муножот қилиш йўлидир. Шу боис намозни адо қилишдан олдин покланиш ва таҳорат олишга буюрган ҳамда таҳорасиз намоз қабул қилинмаслигини маълум қилган.

Ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1- Мусулмон киши жанобат ва ҳайз каби ғуслни вожиб қиладиган катта бетаҳоратсизлик, шунингдек, бавл қилиш ва ҳожатга чиқиш каби кичик бетаҳоратликдан покланмагунча намози қабул қилинмайди.

2- Бавл қилиш, ҳожатга чиқиш, ел чиқариш ёки жунуб бўлиш каби ишлар таҳоратни бузиб, намозни ботил қилади.

3- Бу ерда намоз қабул қилинмаслигидан мақсад намознинг дуруст бўлмаслиги ва намозхон зиммасидан намоз соқит қилинмаслигидир.

4- Мазкур ҳадис намоз дуруст бўлиши учун таҳорат шарт эканига далолат қилади.

Учинчи ҳадис

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَمْرٍو بْنِ الْعَاصِ، وَأَبِي هُرَيْرَةَ، وَعَائِشَةَ رَضِيَ-اللَّهُ
تَعَالَى عَنْهُمْ قَالُوا: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: " وَبِئْسَ لِلْأَعْقَابِ مِنَ
النَّارِ".

Абдуллоҳ ибн Амр ибн Ос, Абу Хурайра ва Ойша розияллоху анҳумдан ривоят қилинади. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Товонларга дўзахда ҳалокат бўлсин» [Бухорий: 60, 96, 163 ва Муслим: 241. Ойша розияллоху анҳонинг ҳадисини ёлғиз имом Муслим ривоят қилган].

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Товонларга», деган сўзларидан мурод таҳорат олишда товонларига сув етказмаган инсонлардир. Бинобарин, ҳадис мазмуни куйидагича: «Таҳорат олишда товонларини рисоладагидек ювмайдиган инсонларга дўзахда ҳалокат бўлсин».

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу сўзлари ила бизларни таҳоратда камчиликка йўл қўйиш ва унга лоқайд бўлишдан огоҳлантириб, таҳоратни комил суратда олишга ундамоқдалар.

Одатда оёқларни ювишда унинг орқа қисмига (товонга) сув етиб бориши биров қийинроқ бўлади. Бу эса таҳорат ва намозга путур етказди. Шу боис мазкур ҳадисда товонни шариатда кўрсатилганидек комил суратда ювишга лоқайд бўлган киши ва унинг товонига азоб бўлиши ҳақида хабар берилмоқда.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1- Таҳорат аъзоларини диққат-эътибор билан яхшилаб ювиш фарзлиги ва уларни ювишда камчиликка йўл қўймаслик. Мазкур ҳадисда фақат оёқларини рисолагидек ювмаган кишига танбеҳ берилган бўлсада, бироқ қолган аъзолар унга таққосланади. Қолаверса, қолган аъзоларни яхшилаб ювиш кераклиги борасида ҳам далиллар келган.

2- Ҳадисда таҳоратга лоқайдлик билан қараган кишига жиддий таҳдид қилинмоқда.

3- Таҳоратда оёқларни ювиш фарз эканини қўллаб-қувватлайдиган ҳадислар мутавотир даражасига етган. Шунингдек, бутун аҳли суннат ва жамоат уламолари шиаларга хилоф ўлароқ, таҳоратда оёқларни ювиш фарз эканига ижмо қилишган. Шиалар бу борада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг амаллари ва саҳобаларга оёқ ювишни ўргатганлари ҳақида келган ҳадисларга қарши иш тутишган. Қолаверса, шиалар таҳорат бобидаги соғлом қиёсга зид иш тутдилар. Негаки, оёқларни ювиш унга масҳ тортишдан кўра яхшироқ тозалайди. Бинобарин, оёқларни ювиш унга масҳ тортишдан кўра таҳорат олишдан кўзланган мақсадга муносиброқдир.

Тўртинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ: أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: " إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ فَلْيَجْعَلْ فِي أَنْفِهِ مَاءً ثُمَّ لِيَسْتَنْثِرْ وَمَنْ اسْتَجْمَرَ فَلْيُوتِرْ. وَإِذَا اسْتَيْقَظَ أَحَدُكُمْ مِنْ نَوْمِهِ فَلْيَغْسِلْ يَدَيْهِ قَبْلَ أَنْ يُدْخِلَهُمَا فِي الْإِنَاءِ ثَلَاثًا، فَإِنْ أَحَدَكُمُ لَا يَدْرِي أَيَّنَ بَاتَ يَدُهُ."

وفي لفظ لمسلم: "فَلْيَسْتَنْشِقْ بِمِنْخَرِيهِ مِنَ الْمَاءِ."

وفي لفظ: "مَنْ تَوَصَّأَ فَلْيَسْتَنْشِقْ".

Абу Ҳурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Биронтангиз таҳорат олса, бурнига сув тортиб сўнг уни қоқиб ташласин. Агар тош билан истинжо қилса, тоқ сонли қилсин. Шунингдек, ким уйқудан уйғонса қўлини идишга солишдан олдин уни уч бор³ ювсин. Зеро, ҳеч бирингиз қўли қаерда тунаганини билмайди».

Муслим ривоятида: «Бурнига сув тортсин», бошқа бир ривоятда: «Ким таҳорат олса, бурнига сув тортсин», дейилган [Бухорий: 162 ва Муслим: 278].

Шарх:

Ҳадисдаги: «тош билан истинжо қилса», деган сўздан мурод бавл ёки ҳожат чиқаргандан сўнг олд ва орқа авратни тош билан тозалашдир. [Бунга кесак, қоғоз, пахта, латта ва ҳоказо нажосат асоратини тозалайдиган нарсаларни ҳам киритиш мумкин].

Шунингдек, «тоқ сонли қилсин», деган сўзнинг маъноси олд ва орқа авратни тош ёки кесак билан уч, беш ёки етти каби тоқ сонлар билан тозалаш демакдир. (Бошқа ҳадисларда баён қилинганидек) олд ва орқа авратни энг камида уч бор тозалаш лозим.

«Зеро, ҳеч бирингиз қўли қаерда тунаганини билмайди». Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу сўзлари ила уйқудан сўнг қўл ювиш сабабини баён қилмоқдалар.

Замахшарий, Ибн Ҳазм, Омидий ва Ибн Бурҳон роҳимахумуллох фикрларига кўра, ҳадисдаги «қаерда тунагани»,

³ «Уч бор ювсин», деган лафзни ёлғиз имом Муслим зикр қилган бўлиб, имом Бухорий уни зикр қилмаган.

деган сўз «қаерда бўлгани» деган маънода бўлиб, бу ҳукм фақат тунги уйкуга хос бўлмай, балки кундузги уйқуларни ҳам ўз ичига олади. Ҳадисдаги «кўл»дан кафт назарда тутилган. Зеро, кўл сўзи бирон қайдсиз мутлақ айтилганда ундан кафт назарда тугилади.

Мазкур ҳадис уч қисмдан ташкил топган бўлиб, ҳар бир қисмнинг ўзига хос ҳукми бор.

1- Маълумки, таҳоратда юзни ювиш фарз. Бурун эса унинг бир бўлагидир. Шу боис, ҳадисда таҳорат олган киши бурнига сув тортиб, сўнг уни қоқиб ташлаши кераклиги айтилган. Бу араб тилида «истиншок» ёки «истинсор», дейилади. Таҳоратда бурунни ювиш лозимлиги хусусида жуда кўп саҳиҳ ҳадислар келган. Қолаверса, бурунни ювиш шариат талаб қилган покликка ҳисса қўшадиган амаллардан биридир.

2- Ким ҳожатга боргандан сўнг нажосат асоратини кетказишни истаса, тоқ сонли тош билан истинжо қилиши керак. Олд ёки орқа авратдан чиққан нажосат асоратини кетказишда энг камида уч бор тош билан тозалаш лозим бўлса, энг кўпи билан ўша ердаги нажосат асорати кетиб, у жойнинг пок бўлғунига ишонч ҳосил қилгунга қадар давом этади. Борди-ю нажосат асорати жуфт сон билан кетса, тоқ қилиш мақсадида унга яна битта тош қўшиб тозаланади.

3- Уйқудан уйғонган одам то қўлини уч бор ювмагунича, идишга қўлини ботирмаслиги ёки ҳўл нарсаларни ушламаслиги лозим. Чунки кўпинча тунги уйку узун бўлади ва одам қашиниш ёки шу каби ишлар учун, ўзи билмай баъзи нажосатларни ушлаши мумкин. Шу боис қўлни тозалаш мақсадида уйқудан сўнг уларни ювиш жорий қилинди.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар қай уйқудан сўнг қўлларни ювиш лозимлиги борасида ихтилоф қилишган.

Шофеий ва жумхур уламолар ҳар қандай — хоҳ тунги, хоҳ кундузги уйқудан сўнг қўлларни ювиш лозим, деган фикрни билдиришган. Улар ўз фикрларига далил сифатида мазкур ҳадисдаги «уйқу» сўзи мутлақ зикр қилингани, ундан фақат тунги уйқу назарда тугилмаганини айтишган.

Имом Аҳмад ва Довуд Зоҳирий фақат тунги уйқудан сўнг қўллар ювилади дейишган. Улар ўз фикрларини қўллаш мақсадида ҳадисдаги «...кўли қаерда тунаганини билмайди», деган жумлани далил қилиб, тунаш кечага хос эканини айтишган. Қолаверса, улар имом Термизий ва Ибн Можа ривоятидаги: «Бирингиз тунги уйқудан уйғонса...», деган қўшимчани ҳам далил қилишган.

Бу борадаги рожиҳ фикр имом Аҳмад ва Довуд Зоҳирийнинг фикридир. Негаки, уйқудан сўнг қўл ювишдан кўзланган ҳикмат равшан эмас. Бу ҳукм қўлга тегиш эҳтимоли бўлган нажосатни тозалаш учун айтилган бўлишидан кўра, кўпроқ иллоти аниқ бўлмаган ибодат қабилидан бўлиши ҳақиқатга яқинроқ. Кундузги уйқу қанча узоқ бўлсада уни тунги уйқуга таққослаб бўлмайди. Чунки одатда кундузги уйқу узоққа чўзилмайди. Ваҳоланки, ҳукмлар одатда кўп такрорланадиган ишларга тааллуқли бўлади. Шунингдек, ҳадисларнинг зоҳири мазкур ҳукмнинг тунги уйқуга хос эканига далолат қилади.

Уламолар уйқудан сўнг қўлни ювиш мустаҳаб ёки фарзлиги хусусида ихтилоф қилишган.

Жумхур уламолар ва ҳанбалий мазҳаби уламоларидан Хиракий, Муваффақ ибн Кудома ҳамда Мажд ибн Таймияларнинг, шунингдек, имом Аҳмаддан келган бир фикрга кўра, уйқудан сўнг қўлни ювиш мустаҳаб саналади.

Ҳанбалий мазҳабидаги машҳур фикрга кўра, бу иш вожибдир. Дарҳақиқат, ҳадиснинг зоҳири уларнинг фикрини қўллаб-қувватлайди.

Ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1- Бурунга сув олиб, сўнг уни қоқиш фарз саналади. Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Мазкур ҳадис таҳоратда бурунга сув олиш билан ундан сувни қоқиш ўртасида фарқ борлигига очик далил бўлади».

2- Аллоҳ таоло бизларни таҳоратда юзларимизни ювишга буюрган. Ушбу ҳадис орқали бурун юзнинг бир бўлаги экани, бинобарин, уни ҳам ювиш фарзлигини биламиз.

3- Тош билан истинжо қилишда тоқ қилиш лозим. Мажд ибн Таймия ўзининг «*Мунтақо*» китобида шундай дейди: «Нажосат асоратини тозалашда учтадан ортиғида тоқ сон билан якунлаш суннат».

4- Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ айтади: «Бир гуруҳ уламо-лар мазкур ҳадисдан олд ва орқа авратни тош ёки кесак билан тозалагандан сўнг, у ерда қоладиган (оз миқдордаги) нажосат асоратининг зиёни йўқ, деган ҳукми олишган».

5- Тунги уйқудан сўнг қўлни ювиш лозим. Юқорида бу ҳукм тунги уйқуга хос ёки йўқлиги борасидаги, шунингдек, бу ҳукм мустаҳаб ёки фарзлиги хусусидаги уламо-лар ихтилофи баён қилинди.

6- Уйқудан сўнг қайта таҳорат олиш фарз.

7- Уйқудан сўнг қўлни ювмасдан туриб, уларни идишга ботиришдан қайтарилди. Бу қайтарикнинг ҳукми ё ҳаром, ё макруҳ бўлади. Кимда-ким уйқудан сўнг қўлни ювиш фарз деса, демак, уни ювмасдан идишга ботиришни ҳаром дейди. Уйқудан сўнг қўлни ювиш мустаҳаб деган уламо-лар эса, уни ювмасдан идишга ботиришни макруҳ дейишади.

8- Ҳадиснинг зоҳирига кўра, уйқудан сўнг қўлларни ювишдан мақсад уларни нажосатдан тозалашдир. Лекин инсон кўпинча уйқуда авратини ушлаш эҳтимоли юқори бўлгани боис ҳукм мазкур эҳтимол устига қурилди. Бинобарин, қўлни қопга солиб ёки уни бирон нарса билан ўраб ётилган тақдирда ҳам уйқудан сўнг қўлларни ювиш лозим бўлади.

9- Афтидан ҳадисдаги: «...Шунингдек, ким уйқудан уйғонса...», деган жумла ўзидан олдинги жумла билан бир вақтда айтилгандек кўринади. Зотан, имом Бухорий мазкур икки жумланинг санади бир бўлгани боис уларни битта ҳадисда келтиради. Бироқ имом Моликнинг «*Муваатто*» китоби ва имом Муслим ривоятида эса бу икки жумла алоҳида икки ҳадисда келтирилган.

Турғун сувни ишлатишга тааллуқли ҳукм

Бешинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: " لَا يَبُولَنَّ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ الَّذِي لَا يَجْرِي، ثُمَّ يَغْتَسِلُ مِنْهُ ".
ولمسلم " لَا يَغْتَسِلُ أَحَدُكُمْ فِي الْمَاءِ الدَّائِمِ وَهُوَ جُنُبٌ ".

Абу Хурайра розияллоху анху ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биронтангиз оқмайдиган турғун сувга сиймасин ва унда ғусл қилмасин», дедилар [Бухорий: 239 ва Муслим: 282].

Муслим ривоятида: «Биронтангиз жунуб ҳолида оқмай турган сувда ғусл қилмасин», дейилган [Муслим: 283] .

Шарҳ:

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам сув сакланадиган идишлар, ҳовуз ва кўл каби инсонлар фойдаланадиган турғун сувларга сийишдан қайтардилар. Чунки сийдик сувни нажас қилиб, турли ёмон касалликлар ёйилишига сабаб бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биронтангиз жунуб ҳолида оқмайдиган турғун сувда ғусл қилмасин», дея киши оқмайдиган сувга шўнғиб ёки танасининг баъзи қисмини ботириб чўмилишидан қайтардилар. Чунки бу ҳам сувнинг ифлосланиши ва одамлар уни истеъмол қилишдан жирканишларига сабаб бўлади. Киши турғун сувда ғусл қилмоқчи бўлса, сувнинг бир четида туриб, ўзига керак миқдорни бир идишга олиб, ундан ғусл

қилиши лозим. Борди-ю одам жунуб бўлса, турғун сувга шўнғимаслиги ёки унга баданини ботирмаслиги янада таъкидлироқ бўлади. Аммо оқар сувда чўмилиш ёки унга сийиш сувни нажосатга айлантирмайди. Бинобарин, ундан фойдаланишнинг зиёни йўқ. Шундай бўлсада, оқар сувга сийишдан четланган афзал. Чунки сувга сийиш сувни ифлосланиши ва бошқаларнинг бундан зиён кўришига сабабчи бўлиши мумкин.

Уламолар ихтилофи:

Ҳадисда келган қайтариқ, яъни турғун сувга сийишдан қайтариш бу ишнинг ҳаром ёки макруҳлигини тақазо қилиши борасида уламолар ихтилоф қилишган.

Моликий мазҳаби уламолари турғун сувга сийиш макруҳ дейишган бўлса, ханбалий ва зоҳирий мазҳаби уламолари ҳаром дейишган. Баъзи уламолар эса агар турғун сув оз миқдорда бўлса ҳаром, кўп бўлса макруҳ бўлади, деган фикрни билдиришган.

Ҳадисдаги қайтариқ зоҳиридан сувнинг кўп ёки оз бўлишидан қатъий назар сувга сийиш ҳаромлиги келиб чиқади. Бироқ бундан уламоларнинг иттифоқи ила кўп сув мустасно қилинади.

Сийилган сув поклигича қолиши ёки нажас бўлиши борасида уламолар ихтилоф қилишган.

Сув нажосат туфайли ўзгарса, кўп ёки оз бўлишига қарамай нажас саналишига уламолар ижмо қилишган. Шунингдек, кўп миқдордаги сувга нажосат аралашса-ю, бироқ сувнинг сифатлари — хиди, ранги ва таъми ўзгармаса, унинг пок саналишига уламолар иттифоқ қилишган.

Аммо оз миқдордаги сувга нажосат аралашиб, унинг сифатларидан бирини ўзгартирмаса Абу Ҳурайра, Ибн Аббос, Ҳасан Басрий, Ибн Мусайяб, Суфён Саврий, Довуд,

имом Молик ва Бухорийларнинг наздида бундай сув нажас саналмайди. Бухорий роҳимаҳуллоҳ «сахих ҳадислар тўплами» китобида сув бу ҳолатда нажас бўлади, деган уламоларга раддия тарзида бир қанча ҳадисларни зикр қилган.

Ибн Умар ва Мужоҳидларнинг фикри, шунингдек, ханафий, шофеий ва ханбалий мазҳабига кўра, оз миқдордаги сувга нажосат тушса, гарчи сувнинг сифатларидан бирини ўзгартирмасда нажас ҳисобланади. Улар ўз фикрларини қўллаш учун бир қанча далиллар келтиришган. Мазкур ҳадис шулар жумласидандир. Бироқ уларнинг келтирган барча далилларига раддия бериш мумкин.

Биринчи фикр эгалари ҳам ўз фикрлари тўғри эканини исботлаш мақсадида бир қанча далилларни зикр қилишган. Жумладан, Абу Довуд ва Термизий ривоят қилган қуйидаги ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Сув пок ва покловчидир. Уни ҳеч нарса нажас қила олмайди», деганлар. [Абу Довуд: 66, Термизий: 66, Насоий: 326 ва Аҳмад: 10864. Термизий ҳасан деган].

Биринчи фикр эгаларининг айтишларича, Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисдаги қайтариқ сабаби турғун сувга сийиш ёки унда чўмилишдан сувнинг нажосатга айланиши эмас, балки сувдан фойдаланувчи инсонларни ундан жиркантириб қўймасликдир.

Бу борадаги тўғри фикр биринчи фикр, яъни нажосат аралашган турғун сув сифатларидан бири ўзгармаса пок саналади, деган уламоларнинг фикридир. Сувнинг нажас бўлиш ёки бўлмаслиги унга аралашган нажосат сув сифатларидан бирини ўзгартириши ёки йўқлигига боғлиқ бўлиб, бунда сувнинг оз ёки кўплигининг аҳамияти йўқ. Мазкур фикрни шайхулислом Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ ҳам ёқлаган. Шунга биноан, жанобатдан покланиш мақсадида ишлатилган сув ханбалий ва шофеий мазҳа-

бидаги фикрга хилоф ўларок, оз бўлса ҳам пок саналишини билиб оламиз. Зеро, уларнинг наздида оз сувда чўмилиш унинг поклик васфини кетказади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1- Турғун сувга сийиш ҳаромдир. Унга озми-кўпми хожат чиқаришни эса қўяверинг, албатта ҳаром бўлади. Бироқ бундан уламолар нажосат таъсир қилмайди деган кўп сув мустасно қилинади. Энди унга сийилган оз сувга келсак, ундан таҳорат ва ғуслдан бошқа эҳтиёжлар учун фойдаланиш жоиздир.

2- Турғун сувда чўмилишдан қайтарилган. Имом Муслим ривоятига биноан жунуб киши турғун сувга сиймасада унда чўмилишдан қайтарилган. Жунуб одам турғун сувдан ўзига керагини олиб, сувдан ташқарида чўмилади.

3- Оқар сувда чўмилиш ёки унга бавл қилиш жоиздир. Шундай бўлсада бу ишдан четланган афзал.

4- Инсонларга азият ва зарар берадиган ҳар қандай ишдан тийилиш лозим.

Ит ичган ва ялаган идишнинг ҳукми

Олтинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "إِذَا شَرِبَ الْكَلْبُ فِي إِنَاءٍ أَحَدَكُمْ فَلْيَغْسِلْهُ سَبْعًا" وَلَسْلِم "أَوْ لَاهُنَ بِالتَّرَابِ".

وله في حديث عبد الله بن مَعْقَلٍ أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: "إِذَا وَلَعَّ الْكَلْبُ فِي الْإِنَاءِ فَأَغْسِلْهُ سَبْعًا وَعَفِّرْهُ التَّامِثَةَ بِالتَّرَابِ".

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Биронтангизнинг идишидан ит сув ичса, уни етти марта ювсин» [Бухорий: 172 ва Муслим: 576].

Имом Муслимга оид бир ривоятда: «Биринчисини тупроқ билан ишқаласин», дейилган [Муслим: 577].

Имом Муслим Абдуллох ибн Муғаффал розияллоху анхудан келтирган бошқа бир ривоятда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: «Биронтангизнинг идишини ит яласа уни етти марта ювиб, саккизинчисини тупроқ билан ишқаласин», деганлар [Муслим: 579].

Шарх:

Дарҳақиқат, ит нажас ҳайвон саналиб, унинг сўлагиди кўп бактерия ва касалликлар бор. Шу боис доно шариятимиз ит ялаган идишни дастлаб тупроқ билан ишқалаб, сўнг етти марта сув билан ювишга буюрди. Зеро, идишни тупроқ билан ишқалаб, сўнг кетидан сув билан ювиш ит сўлагидидаги нажосат ва унинг зарарини тўлиқ кетказди.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар мазкур ҳадисдан олинадиган ҳукмларнинг баъзисида ихтилоф қилишган. Ит ялаган ёки ичган идишни етти марта ювиш ва тупроқ билан ишқалаш шарт ёки йўқлиги ана шундай ихтилофлардан биридир.

Мазкур саҳиҳ ҳадисда ит ялаган идишни дастлаб тупроқ билан ишқалаб, сўнг сув билан етти марта ювиш шартлиги очиқ ойдин айтилган бўлиб, бу борадаги тўғри фикр ҳам шудир. Бундан бошқа фикр эгалари бу каби ёрқин саҳиҳ далилларга суянмаганлари боис уларнинг фикрларини зикр қилиб ўтирмадик.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1- Ит ўта нажас ҳайвон бўлгани учун унинг сўлаги оғир нажосат деб эътибор қилинади. Бинобарин, ит сўлаги теккан нарсада нажосат асорати кўринмасда уни нажас қилади. Қуйида бу ҳақда тўлиқроқ маълумот келади, иншаоллоҳ.

2- Ит овқат еган идиш ва ундан қолган таом ҳам нажас саналади.

3- Ит ялаган нарсани етти марта ювиш фарз⁴.

4- Ит ялаган нарсани бир марта тупроқ билан ювиш фарз. Уни дастлаб тупроқ билан ишқалаб, сўнг ортидан сув билан ювиш афзалдир. Абдуллоҳ ибн Муғоффал розияллоху анху ривоят қилган ҳадисдаги: «...саккизинчисида

⁴ Ит кийим, инсон жасади ва шу каби идишдан бошқа нарсаларни яласа уларни ҳам дастлаб тупроқ билан ишқалаб, сўнг етти марта сув билан ювиш керакми ёки нажосат асорати кетгунча ювилса kifoyami? Бу борада уламолар ихтилоф қилган бўлиб, келажакда бу ҳақда батафсил маълумот берамиз, иншаоллоҳ.

тупроқ билан ишқаласин», деган сўздан мурад аввал етти бор сув билан ювиб, сўнг саккизинчида тупроқ билан ишқалашдир. Бироқ дастлаб тупроқ билан ишқалаб, сўнг сув билан ювадимиз ёки аксинча, дастлаб сув билан ювиб, сўнг тупроқ билан ишқалайдимиз ёки сувга тупроқ аралаштириб ювадимиз, бунинг фарқи йўқ. Аммо нажосат ўрнини тупроқ билан ишқалаб қўйишнинг ўзи кифоя қилмайди.

5- Тупроқ ўрнини босадиган бошқа тозаловчи моддалар билан ит ялаган идишни ювса бўлади. Чунки ҳадисда ит сўлагини тупроқ билан кетказиш эмас, балки мутлак тозалик назарда тутилган. Бу имом Аҳмаднинг мазҳаби ва имом Шофеийдан ривоят қилинган бир фикрдир. Аммо шофеий мазҳабидаги машҳур фикрга кўра, ит ялаган идишни фақат сув ва тупроқ билан ювиш лозим. Бу фикрни Ибн Дақикул Ийд роҳимаҳуллоҳ ёқлаб шундай деган: «Ҳадисда тупроқ зикр қилинган бўлиб, у тозаловчи моддаларнинг биридир». Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Рожиҳ — тўғри фикрга кўра ушнон⁵, совун ёки бундан бошқа тозаловчи моддалар тупроқнинг ўрнига ўтмайди».

Айтишларича, замонавий илмий тадқиқотлар шуни кўрсатадики, ит сўлагидаги бактерияларни тупроқчалик бошқа бирон тозаловчи модда кетказа олмас экан. Агар бу илмий маълумот тўғри бўлса, олий шариатимиз мўъжизаларидан яна бири зоҳир бўлади. Пайғамбаримизнинг: «Тупроқ билан ишқаланглар», деган сўзлари бу борада тупроқ қўлланиш лозимлигини қўллаб-қувватлайди.

6- Мазкур ҳадис орқали пок шариатимизнинг янада буюклиги, унинг ҳикматли ва барча нарсадан хабардор Зот томонидан нозил қилингани ва уни етказувчи Пайғамба-

⁵ «Ушнон» қумли ерларда ўсадиган дарахт. Ундан совун ўрнида қўл ва кийимларни ювишда фойдаланилган.

римиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўз ҳавойи-нафсидан келиб чиқиб сўзламаслигини билиб оламиз. Баъзи уламолар шариат итнинг сўлагини оғир нажосат деб эътибор қилгани ва уни кетказиш борасида алоҳида йўл кўрсатгани, ҳолбуки, ундан бошқа нажосатларни кетказиш хусусида бундай йўл-йўриқ кўрсатмаганлигини кўриб: «бундан қандай ҳикмат кўзланган экан?», дея ҳайрон қолишган. Ҳатто бир гуруҳ уламолар: «Итнинг сўлаги теккан идишни мазкур кўринишда тозалаш иллоти аниқ бўлмаган ибодат қабилдан бўлиб, унинг ҳикматини ақл билан идрок қилиб бўлмайди», деб айтишган. Замонавий тиббиёт мутахассислари сўнгги даврларда ихтиро қилинган асбоб-ускуналар орқали итнинг сўлагига хатарли касаллик ва микроблар борлиги, уни сувнинг ўзи кетказа олмаслигини исботладилар.

Барча нарсани билувчи ва барча нарсадан хабардор Зот — Аллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан покдир. Шариатимиз кўрсатмаларига сўзсиз бош эгиб, унга чин қалбдан ишонган зотларга бахт-нажот, уни инкор қилганларга эса ҳалокат бўлсин!

7- Ҳадиснинг зоҳиридан бу ҳукм барча итларга тегишли экани келиб чиқади. Бироқ шариатимиз томонидан ов, қўриқчи ва пода итларини боқишга рухсат берилган. Уламоларнинг айтишларича, мазкур мақсадларда асранган итлар теккан нарсаларни ювиш ортидан инсонларга машаққат етади. Бинобарин, шариатимиз мазкур мақсадларда ит боқишга рухсат бериши улар теккан нарсани сўлагини етти марта ювиш шарт эмаслигига далолат қилади.

Таҳорат олиш кайфияти ва фазилати

Еттинчи ҳадис

عن حُمران مولى عُثمان بن عفان، أنه رأى عُثمانَ دعا بِوضوء فأفرغ على يديه مِنْ إنايه فَعَسَلَهُمَا ثَلَاثَ مَرَاتٍ، ثُمَّ أَدْخَلَ يَمِينَهُ فِي الْوُضُوءِ، ثُمَّ تَمَضَّمَ وَاسْتَنْشَقَ وَاسْتَنْتَذَرَ، ثُمَّ عَسَلَ وَجْهَهُ ثَلَاثًا، وَيَدَيْهِ إِلَى الْمِرْفَقَيْنِ ثَلَاثًا، ثُمَّ مَسَحَ بِرَأْسِهِ ثُمَّ عَسَلَ كِلْتَا رِجْلَيْهِ ثَلَاثًا، ثُمَّ قَالَ: رَأَيْتُ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ تَوَضَّأَ نَحْوَ وَضُوءِي هَذَا ثُمَّ صَلَّى رَكَعَتَيْنِ لَا يُجَدِّثُ فِيهِمَا نَفْسَهُ عَفَرَ اللَّهُ لَهُ مَا تَقَدَّمَ مِنْ ذَنْبِهِ."

Усмон ибн Аффон розияллоху анхунинг мавлоси (озод қилган кули) Хумрондан ривоят қилинади. У қуйидагиларни кўрганини айтади:

«Усмон розияллоху анху таҳоратга сув келтиришни сўради. Кейин идишдан икки қўлига сув қуйиб, уларни уч марта ювди. Сўнгра ўнг қўлини идишга солиб, оғзини чайди ва бурнига сув олиб, қоқиб ташлади. Сўнг юзи ва икки қўлини тирсақлари билан бирга уч марта ювиб, сўнгра бошига масҳ тортди. Кейин оёқларини тўпиклари билан уч мартадан ювди. Сўнгра бундай деди: «Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг худди шундай таҳорат қилганларини кўрганман. У зот: «Ким мен таҳорат қилгандай таҳорат қилиб, кейин икки ракаат намоз ўқиса ва унда ўзи билан ўзи гаплашмаса (яъни, ўй-хаёли турли дунёвий ишлар билан машғул бўлмаса), Аллоҳ унинг ўтган гуноҳларини мағфират қилади», деганлар».

Шарх:

Ушбу ҳадиси шарифда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам таҳоратларининг комил кўриниши зикр қилинган. Одамлар Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам қай тарзда таҳорат қилганларини тўлиқ тасаввур қилишлари ва яхши тушунишлари учун Усмон розияллоҳу анҳу у зотнинг таҳоратларини амалий суратда кўрсатиб берди. Бу Усмон розияллоҳу анҳунинг ўргатиш ва тушунтиришда нақадар гўзал йўл тутганини кўрсатади.

Усмон розияллоҳу анҳу идишда сув олиб келишга буюрди. Идишга қўлини ботириб, сувни ифлос қилмаслик учун дастлаб қўлига идишдан уч бор сув қуйиб, тозалаб ювди. Сўнгра ўнг қўлини идишга солди ва ундан сув олиб, оғиз ҳамда бурнини чайқади. Сўнг юзи ва икки қўлини тирсаклари билан уч марта ювиб, сўнгра бошининг барча қисмига бир марта масҳ тортди. Кейин оёқларини тўпиқлари билан уч мартадан ювди. Таҳоратни мазкур комил суратда олиб бўлгач, Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам худди шундай таҳорат олганлари ва юқорида келтирилган сўзларни айтганлари ҳақида хабар берди. Унда айтилишича, ким худди шу кўринишда таҳорат олса, сўнг сергак қалб билан икки ракаат намоз ўқиса, Аллоҳ таоло фазли марҳамати ила унинг қилган ушбу комил таҳорати ва ўқиган холис намози эвазига ўтган гуноҳларини кечиради.

Уламолар ихтилофи:

Таҳоратда бурунни чайиш ҳукми

1) Имом Абу Ҳанифа, Молик, Шофеий, Суфён ва бошқа уламолар таҳоратда бурунни чайиш мустаҳаб (ёхуд суннат), дейишган.

2) Имом Аҳмаддан ривоят қилинган машҳур фикрга кўра, таҳоратда бурунни чайиш фарз саналади ва усиз

тахорат дуруст бўлмайди. Бу Ибн Абу Лайло, Исҳоқ ва бошқа олимларнинг ҳам фикридир.

Биринчи фикр эгалари куйидаги ҳадисни далил қилишган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: «Ўнта иш пайғамбарлар суннатидан», дея бурун чайишни ҳам шулар жумласидан зикр қилинганлар.

Иккинчи фикр эгалари: «**Эй мўминлар, намозга турганингизда юзларингизни... ювингиз**» [Моида: 6], оятини далил қиладилар. Уларнинг айтишларича, оятдан бурун юзнинг бир қисми экани тушунилади. Шунга биноан бурунни чайиш фарз. Шунингдек, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бурунларини чайганлари ва уни чайишга буюрганлари ҳақида талай саҳиҳ ҳадислар келган. Улар таҳоратда бурунни чайиш фарз эмас, деган уламолар келтирган юқоридаги ҳадисга куйидагича жавоб беришган: «Ҳадисдаги «Пайғамбарлар суннати», деган сўздан «Пайғамбарлар йўли», деган маъно назарда тutilган. Негаки, фарздан бошқа амалларни суннат деб аташ кейинги даврларда яшаб ўтган фуқаҳолар истилоҳидир. Қолаверса, мазкур ҳадиснинг аксар бошқа ривоятларида: «Ўнта иш фитратдан», деган лафз билан келган»⁶.

Шубҳасиз, иккинчи фикр, яъни таҳоратда оғиз билан бурунни чайиш фарз деган уламоларнинг фикри тўғрироқдир. Чунки уларнинг далиллари кучли бўлиб, мазкур далилларга зид келадиган бирон далилни билмайман, валлоҳу аълам.

⁶ Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ ўзининг «Талхисул Ҳабир» (1/77) китобида шундай деган: «Мазкур ҳадис «Ўнта иш суннатдан», деган лафз билан ривоят қилинмаган. Балки «Ўнта иш фитратдан», лафзи билан ворид бўлган».

Бошнинг баъзи қисмига масх тортиш ҳукми

Уламолар бошга масх тортиш фарз эканига, шунингдек, унинг барча қисмига масх тортиш мустаҳаб эканига иттифоқ қилишган. Бироқ бошнинг баъзи қисмига масх тортиш кифоя қиладими-йўқми ёки бошнинг барча ерига масх тортиш фарзлиги борасида ихтилоф қилишган.

1) Имом Абу Ҳанифа, имом Шофеий, Суфён Саврий ва Авзой роҳимаҳумуллоҳлар таҳоратда бошнинг баъзи қисмига масх тортиш кифоя, деган фикрни билдиришган. Бироқ бошдаги баъзи қисмнинг энг оз миқдори борасида турли фикрларни айтишган.

2) Имом Молик ва имом Аҳмаднинг фикрига кўра бошнинг барча ерига масх тортиш фарз.

Биринчи фикр эгалари таҳорат оятидаги: **«...ва бошларингизга масх тортингиз...»**, деган сўзидаги «бо» ҳарфи «баъзисига» деган маънода келган. Шунга кўра оят **«...бошларингизнинг баъзи ерига масх тортингиз...»**, деган мазмунда бўлади. Бу фикрни Муғийра розияллоҳу анху ривоят қилган куйидаги ҳадис ҳам қўллайди: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам таҳорат олдилар ва пешона устидаги соч ҳамда саллаларига масх тортдилар» [Муслим: 261, Абу Довуд: 53, Термизий: 2757, Насоий: 5040 ва бошқалар].

Бошнинг барча қисмига масх тортиш фарз, деган уламолар Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам таҳоратларини васфлаб келган кўп ҳадисларни далил қилиб келтиришган. Юқорида Усмон розияллоҳу анхудан ривоят қилинган ҳадис шулар жумласидандир. Шунингдек,

«жамоат»⁷ ривоят қилган ҳадисда Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоху анху Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг таҳоратларини васфлаган. У бошига масҳ тортар экан икки қўлини бошининг олд қисмига қўйиб, сўнг гардани томонга қараб масҳ тортади. Сўнгра қўллари билан олд томонга қараб масҳ тортади»⁸.

Бу фикр эгалари бошнинг баъзи қисмига масҳ тортиш кифоя, деган уламоларнинг далилларига бундай жавоб беришган: «Араб тилидаги «бо» ҳарфи «баъзи» деган маънода қўлланилмайди. Балки у ёпиштириш, бирлаштириш маъносида қўлланилади. Яъни ушбу оят «...**бошларингизга қўлингизни ёпиштириб масҳ торинглар...**» деган мазмунда айтилган. Зеро, «бо» ҳарфининг ҳақиқий маъноси ёпиштириш, бирлаштиришдир. Араб тили уламоларидан Нифтовайҳ ва Ибн Дурайддан «бо» ҳарфи «баъзи» маъносида қўлланиши хусусида сўралганда, араблар «бо» ҳарфини бундай маънода қўллашганини билмасликларини айтишган. Ибн Бурҳон шундай деган: «Ким «бо» ҳарфи «баъзи» маъносида қўлланилади деса, батаҳқиқ, араб тили уламолари айтмаган сўзни айтган бўлади».

Ибн Қаййим роҳимахуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам таҳоратда бошларининг баъзи қисмига масҳ тортганлари ҳақида бирон саҳиҳ ҳадис келмаган».

⁷ Жамоа ривоят қилган деб, Имом Бухорий, Муслим, Абу Довуд, Термизий, Насоий, Ибн Можа ва Аҳмад ривоятларига айтилади.

⁸ Бухорий: 158, Муслим: 235, Абу Довуд: 118, Термизий: 32, Насоий: 98, Ибн Можа: 434 ва Аҳмад: 16003 ривояти.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1- Таҳоратда идишга қўлни ботиришдан олдин уларни уч бор ювиш.

2- Таҳорат аъзоларини ўнг томондан бошлаб ювиш.

3- Ҳадисда зикр қилинган тартибга биноан аввал оғизни чайиб, кейин бурунга сув олиб, қоқиб ташлаш лозим. Таҳоратда оғиз ва бурунни чайиш борасида уламолар ўртасида бирон хилоф йўқ. Бироқ уларни чайиш фарзлиги хусусида уламолар ихтилоф қилишган. Бу масалада оғиз ва бурунни чайиш фарз, деган уламоларнинг фикри тўғри экани зикр қилинди.

4- Юзни уч марта ювиш. Юз чегараси: узунасига бошнинг соч ўсадиган қисмидан то иякгача, энига эса икки кулоқ оралиғидир. Оғиз ва бурунни ҳам уч мартадан чайиш лозим. Чунки оғиз билан бурун юзнинг бир қисми саналади. Араблар икки инсон бир-бирига юзланган пайтда кўз тушадиган жойга «важҳ», яъни юз дейишади.

5- Икки қўлни тирсаклар билан қўшиб уч марта ювиш.

6- Бошнинг барча қисмига юқорида баён қилинган суратда бир марта масҳ тортиш.

7- Оёқларни тўпиқлар билан бирга уч марта ювиш.

8- Ҳадисда кўрсатилган тартибга кўра таҳорат олиш фарз. Негаки, таҳорат оятида ювишга буюрилган аъзолар ўртасида масҳ тортиладиган аъзо зикр қилиниши мазкур тартиб фарзлигига далолат қилади. Оятда шундай дейилади: **«Эй мўминлар, агар намоз ўқимоқчи бўлсангиз юзларингизни ҳамда қўлларингизни чиғаноқларигача ювингиз, бошларингизга масҳ тортингиз (яъни, нам қўлларингиз билан силангиз) ва оёқларингизни тўпиқларигача ювингиз!»** [Моида: 6]. Кўриб турганин-

гиздек, оятда бошга масх тортиш кўллар билан оёқларни ювиш ўртасида зикр қилинган.

9- Мазкур кўринишда таҳорат қилиш Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламнинг комил таҳоратларидир.

10- Таҳоратдан кейин намоз ўқиш.

11- Аллоҳ таолога сергак қалб билан юзланиб намоз ўқиш намознинг тўла-тўкис ва комил бўлишига сабабчи бўлади. Ҳадисда намозни ихлос билан ўқишга тарғиб қилинган ва намозда дунёвий ишларни кўп ўйлаш туфайли намоз қабул бўлмай қолишидан огоҳлантирилган. Намоз ўқиётганда хаёлига дунёвий ишлар келиб, сўнг уни дарҳол даф қилган киши ҳам ҳадисда зикр қилинган буюк мукофотга эришади, деб умид қиламиз.

12- Комил суратда таҳорат олиш фазилати ва унинг гуноҳлар кечирилишига сабаб бўлиши.

13- Ҳадисда зикр қилинган ваъда, яъни ўтган гуноҳларнинг мағфират қилиниши ҳадисда кўрсатилган тарзда таҳорат олган ва намоз ўқиган кишига насиб қилади. Бирок комил таҳорат қилиб, сергак қалб билан намоз ўқимаган ёки аксинча, комил таҳорат олмай сергак қалб билан намоз ўқиган киши мазкур ваъдага дохил бўлмайди. Дарҳақиқат, уламолар ҳадисда зикр қилинган гуноҳлардан мурод кичик гуноҳлар дейишган. Аммо катта гуноҳлар бўлса, улар мағфират қилиниши учун тавба қилиш шарт бўлади. Аллоҳ таоло айтади: **«Агар сизлар ман этилган катта гуноҳлардан сақлансангизлар, қилган кичик гуноҳларингизни ўчирурмиз ва сизларни улуғ манзил — жаннатга киритурмиз»** [Нисо: 31].

Саққизинчи ҳадис

عن عمرو بن يحيى المازني عن أبيه قال : شهدت عمرو بن أبي الحسن سأل عبد الله بن زيد عن وضوء النبي صلى الله عليه وسلم ، فدعا يتور من ماء فتوضأ لهم وضوء النبي صلى الله عليه وسلم . فأكفأ على يديه من التور فغسل يديه ثلاثاً ، ثم أدخل يده في التور فمضمض واستنشق واستنثر ثلاثاً بثلاث غرفات ، ثم أدخل يده في التور فغسل وجهه ثلاثاً ثم أدخل يده فغسلهما مرتين إلى المرفقين ، ثم أدخل يديه فمسح بهما رأسه فأقبل بهما ، وأدبر مرة واحدة ، ثم غسل رجليه .

وفي رواية " بدأ بمقدم رأسه حتى ذهب بهما إلى قفاه ، ثم ردهما حتى
رجع إلى المكان الذي بدأ منه " .

وفي رواية " أتانا رسول الله صلى الله عليه وسلم فأخرجنا له ماءً في تور
من صُفر " . متفق عليه . " التور " شبه الطست .

Амр ибн Яхё Мозиний отасидан ривоят қилишича, отаси шундай дейди: «Мен Амр ибн Абу Ҳасан роҳимаҳуллоҳ саҳобий Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳудан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратлари ҳақида сўраганига гувоҳ бўлдим. Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳоратларини кўрсатиш мақсадида тоғорада сув келтиришни сўради. Сўнг тоғорадан икки қўлига сув қуйиб, уларни уч марта ювди. Сўнгра тоғорага қўлини солиб, уч ҳовуч сув билан уч марта оғиз ва бурнини чайқади. Сўнгра яна қўлини тоғорага солиб, уч марта юзини ювди. Кейин икки қўлини солиб, икки марта қўлларини тирсақлари билан қўшиб ювди. Шундан сўнг қўлини сувга ботириб,

қўлини бошининг орқасидан олдиға, сўнг олдидан орқасига бир марта юргизиб, бошиға масҳ тортди. Сўнгра оёғини ювди» [Бухорий: 185 ва Муслим: 235].

Бошқа бир ривоятда: «...У бошиға масҳ тортар экан икки қўлини бошининг олд қисмиға қўйиб, гардани томонға қараб масҳ тортди. Сўнгра қўллари билан олд томонға қараб масҳ тортди...».

Яна бошқа бир ривоятда: «Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам бизнинг ҳузуримизға келдилар. У зотға мис тоғорада сув олиб келдик» [Муттафақун алайҳ].

Шарҳ:

Бу ҳадис шарҳи хусусида ўтган Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳадисида батафсил сўз юритилди. Зеро, иккала ҳадисда ҳам Набий соллalloҳу алайҳи ва салламнинг комил таҳоратлари васфланган. Бироқ ушбу ҳадисда Усмон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган ҳадисда зикр қилинмаган бир қанча қўшимча ҳукм ва фойдалар бор. Қуйида уларни қисқача баён қиламиз:

1- Оғиз ва бурунни уч мартадан уч ҳовуч сув билан чайиш.

2- Ўтган Усмон розияллоҳу анҳунинг ҳадисида икки қўлни тирсак билан қўшиб уч марта ювилгани айтилган бўлса, ушбу ҳадисда улар икки мартадан ювилгани зикр қилинган.

3- Бухорийнинг аксар ривоятларида, шунингдек, Муслим ривоятида: «...Сўнгра яна қўлини тоғораға солиб, уч марта юзини ювди...», деган лафз билан ривоят қилинган. Бундан эса юзни бир қўл билан ювиш тушунилади. Имом Нававий роҳимахуллоҳ иккала ривоятни келтиргандан сўнг шундай деган: «Ушбу ривоят юзни бир қўл билан ювиш суннат эканиға далолат қилади.

Бироқ жумҳур уламоларнинг фикри бўлмиш машҳур фикрга кўра, юзни икки қўл билан ювиш мустаҳаб саналади. Зеро, юзни икки қўл билан ювиш осонроқ бўлиб, юзнинг барча ерига тўлиқ сув етишини таъминлайди».

4- Собиқ ҳадисда: «...сўнгра бошига масҳ тортди...», дейилган эди. Мазкур ривоятни «...ва бошларингизга масҳ тортингиз...», оятини «бошнинг баъзисига масҳ тортиш», дея изоҳ қилгандек изоҳлаш мумкин. Аммо Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоху анхунинг ҳадисидида бошининг барча қисмига масҳ тортгани очиқ айтилган ва масҳ тортиш услуги ҳам батафсил зикр қилинган. Маълумки, шариатдаги далиллар бир бирини изоҳлаб келади. Шунга кўра, бошнинг барча қисмига масҳ тортиш фарз бўлади.

5- Усмон ва Абдуллоҳ ибн Зайд розияллоху анхумодан ривоят қилинган ҳар икки ҳадисда уларнинг идишга бир қўлини солиб, оғиз ва бурунларини чайгани айтилган. Абдуллоҳ ибн Зайднинг ҳадисидида икки қўлини ювар экан ҳар икки қўлини тоғорага ботиргани ва икки қўллаб бошига масҳ тортгани: уларни бошининг орқасидан олдига, сўнг олдидан орқасига бир марта юргизиб, бошига масҳ тортгани зикр қилинган. Абу Довуд роҳимахуллоҳ айтади: «Барча саҳиҳ ҳадисларда бошга бир марта масҳ тортилиши айтилган». Ибн Мунзир роҳимахуллоҳ айтади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан собит бўлишича, бошга бир марта масҳ тортилади».

6- Таҳоратда баъзи аъзоларни бошқаларидан фаркли ўларок, кўп ёки оз санокда ювиш жоиз. Таҳорат аъзоларининг барчасини уч мартадан ювиш таҳоратнинг комил кўринишидир. Таҳоратда аъзоларни уч мартадан оз ювиш жоиз экани саҳиҳ ҳадисларда келган.

7- Уламолар бошнинг қай қисмидан бошлаб масҳ тортиш кераклиги борасида ихтилоф қилишган. Ибн Дақиқул Ийд ва Санъонийнинг фикрига кўра, бошнинг олд

қисмидан бошлаб, орт — гардан томонга қарата масх тортилади. Баъзи уламолар бошнинг ортки қисми — гардандан бошлаб олд томонга, сўнг қайта гардан томонга қаратиб масх тортилади, дейишган.

Тўққизинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: "كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يُعْجِبُهُ التَّيْمَنُ فِي تَنْعَلَيْهِ وَتَرْجُلَيْهِ وَطُهُورِهِ وَفِي شَأْنِهِ كُلِّهِ."

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам пояфзал кийиш, соч-соқолларни тараш, покланиш ва барча ишларда ўнг томондан бошлашни хуш кўрар эдилар» [Бухорий: 168, 5854 ва Муслим: 268].

Шарҳ:

Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мазкур ишларни ўнг томондан бошлашни афзал кўриши айтилмоқда. Санъоний роҳимахуллоҳ айтади: «Аллоҳ ва Унинг расули яхши кўрган иш вожиб ёки мустаҳаб бўлади».

Ҳадисдаги «покланиш» деган сўз таҳорат ва ғусел қилиш, шунингдек, нажосатларни кетказишни ўз ичига олади.

Ҳадисдаги «барча ишлар» деган сўздан пояфзал кийиш, соч-соқолларни тараш ва покланиш каби яхши ишлар назарда тутилган. Шайх Тақийюддин айтади: ««барча ишлар» дегани умумий сўз бўлиб, ундан хожатхонага кириш, масжиддан чиқиш ва шу каби чапдан бошланадиган ишлар мустасно қилинади».

Ушбу ҳадисдан мўминларнинг оналари, айниқса, ҳофиза⁹ ва олима Сиддика бинти Сиддик, яъни Ойша бинти Абу Бакр розияллоҳу анҳумонинг фазилатини кўришимиз мумкин. Дарҳақиқат, мўминларнинг оналари — Пайгамбаримизнинг завжаи мутаҳҳаралари ислом умматига у зотнинг амалларини, хоссатан, аҳли оиласидан бошқа инсонлар кўрмайдиган уй ичидаги амалларини ва бундан бошқа талай илмларни етказдилар. Мазкур ҳадисда Ойша розияллоҳу анҳо Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг яхши кўрган одатлари: пояфзал кийиш, сочни тараш ва тартибга солиш, бетаҳоратликдан покланиш ва шу каби ишларда ўнг томондан бошлашни хуш кўришликлари ҳақида хабар бермоқда. Мазкур ишларга кийим кийиш, ухлаш, еб-ичиш ва ҳоказо ишларни ҳам қўшиш мумкин. Бу каби ишларда ўнгдан бошлаш бир жиҳатдан некбинлик (оптимизм) кабилидан бўлса, бошқа бир жиҳатдан ўнг томонни чап томондан устун қўйишдир. Нопок ишларни эса чапдан бошлаш ёхуд чап қўл билан бажариш афзал. Шунинг учун Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ўнг қўл билан истинжо қилиш ва жинсий олатни ушлашдан қайтарганлар. Зеро, ўнг томон ёхуд ўнг қўл пок ишлар учун, чап қўл ёхуд чап томон эса бундан бошқа ишлар учун қўлланилади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Тоза ва яхши ишларни ўнг томондан бошлаш ҳам шариат, ҳам ақл ва ҳам соғлиқ томонидан афзал. Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтади: «Шариатдаги умумий коидага кўра хурмат-эҳтиром ва зийнат кабилидан бўлган

⁹ Арабча «ҳофиза» сўзи ўзбек тилида «ёд олувчи, сакловчи» маъноларини ифодалайди. Ойша розияллоҳу анҳо Пайгамбар соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кўплаб ҳадисларни ёд олиб ривоят қилгани боис ҳофиза деб айтилмоқда.

яхши ишларни ўнгдан бошлаш, бунинг акси бўлган ишларни эса чапдан бошлашлик мустаҳаб саналади».

2 – Ифлос ва нопок ишларни чапдан бошлаш ҳам шариат, ҳам ақл нуқтаи назаридан муносиброкдир.

3 – Муборак шариатимиз инсонларни ислоҳ қилиш, тарбиялаш ва турли зарарлардан ҳимоя қилиш учун келган.

4 – Таҳорат аъзоларини ювишда ўнг тарафдан бошлаш афзал. Имом Нававий роҳимахуллоҳ шундай дейди: «Уламолар таҳорат аъзоларини ўнг томондан бошлаб ювиш суннат эканига ижмо қилишган. Ким бунга хилоф иш тутиб, (чап томондан бошлаб) ювса, таҳорати дуруст саналади. Бироқ ўнгдан бошлаш фазилати — савобидан маҳрум бўлади». Имом Ибн Қудома роҳимахуллоҳ айтади: «Таҳорат аъзоларини ўнг томондан бошлаб ювиш фарз эмаслиги хусусида уламолар ўртасида хилоф йўқ».

Ўнинчи ҳадис

عَنْ نُعَيْمِ الْمُجَمِّرِ عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ عَنِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ أَنَّهُ قَالَ: "إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ، فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غَرَّتَهُ فَلْيَفْعَلْ.

وفي لفظ آخر: رَأَيْتُ أَبَا هُرَيْرَةَ يَتَوَضَّأُ، فَعَسَلَ وَجْهَهُ وَيَدَيْهِ حَتَّى كَادَ يَبْلُغَ الْمَنْكَبَيْنِ، ثُمَّ عَسَلَ رِجْلَيْهِ حَتَّى رَفَعَ إِلَى السَّاقَيْنِ، ثُمَّ قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: "إِنَّ أُمَّتِي يُدْعَوْنَ يَوْمَ الْقِيَامَةِ غُرًّا مُحَجَّلِينَ مِنْ آثَارِ الْوُضُوءِ، فَمَنْ اسْتَطَاعَ مِنْكُمْ أَنْ يُطِيلَ غَرَّتَهُ وَتَحْجِيلَهُ فَلْيَفْعَلْ."

وفي لفظ لمسلم: سَمِعْتُ خَلِيلِي صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَقُولُ: "تَبْلُغُ
الْحَلِيَّةُ مِنَ الْمُؤْمِنِ حَيْثُ يَبْلُغُ الْوُضُوءُ."

Нуайм Мужмир роҳимахуллоҳ Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: «Умматим қиёмат куни пешона ва қўл-оёқларидан нур таралиб турган ҳолларида (маҳшарга) чақириладилар. Ким пешона ва қўл-оёқларидаги нуруни узайтиришни истаса, узайтириб қолсин (яъни, пешона ва қўл-оёқларини буюрилган жойдан ошириб ювсин)» [Бухорий: 136 ва Муслим: 246, 250].

Бошқа бир ривоятда Нуайм Мужмир шундай дейди: «Мен Абу Ҳурайрани таҳорат олганини кўрдим. У юзи ва икки қўлини қарийб то елкасига қадар ювди. Сўнг оёғини то болдиригача ювди ва шундай деди: «Мен Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг бундай деганларини эшитдим: «Албатта, умматим қиёмат куни таҳорат олиш сабабидан пешона ва қўл-оёқларидан нур таралиб турган ҳолларида чақирилурлар. Бас, сиздан ким пешонаси ва оёқ-қўлларидаги нуруни узайтиришга кодир бўлса, узайтирсин (яъни, пешона ва қўл-оёқларини буюрилган жойдан ошириб ювсин)» [Муслим: 246].

Муслимга оид бошқа бир ривоятда Абу Ҳурайра розияллоху анҳу айтади: «Мен Халилим (Расулulloҳ) соллаллоху алайҳи ва салламнинг: «Мўминнинг (жаннатдаги) зеб-зийнати таҳорат (суви) етадиган ергачадир», деганларини эшитганман» [Муслим: 250].

Шарҳ:

Набий соллаллоху алайҳи ва саллам умматига башорат беришларича, Аллоҳ субҳонаху ва таоло қиёмат куни ислом умматига бошқа умматларга бермаган шарафли ва

фазилатли аломатни насиб қилади. Улар қиёмат кунда халойиқ ичидан чақирилсалар юз ва оёқ-қўлларидан нур таралган ҳолларида чиқиб келадилар. Албатта, бу буюк ибодат бўлмиш таҳоратдан қолган асоратдир. Улар дунёда Аллоҳ таолонинг розилиги ва савоби умидида мазкур аъзоларни қайта-қайта ювганлари боис охиратда уларга алоҳида улуғ мукофот берилди.

Ҳадис кетидан Абу Ҳурайра розияллоху анху шундай деди: «Бас, сиздан ким пешонаси ва оёқ-қўлидаги нурини узайтиришга қодир бўлса, узайтирсин». Чунки таҳорат аъзоларини ювиш ўрни қанча узун бўлса, қиёматда ундан таралувчи нур ҳам шунча узун бўлади. Зеро, қиёматда аъзолардан таралувчи нур таҳорат суви етган жойларгача бўлади.

Уламолар ихтилофи:

Дарҳақиқат, уламолар таҳоратда юз, қўл ва оёқни фарз қилинган жойдан ошириб ювиш борасида ихтилоф қилишган.

Жумхур уламолар мазкур ҳадисга биноан юз ва қўл-оёқларни фарз қилинган жойдан ошириб ювишни мустаҳаб дейишган. Бироқ улар қаергача ошириб ювиш мустаҳаб экани борасида ихтилоф қилишган.

Имом Моликнинг, шунингдек, имом Аҳмаддан ривоят қилинган бир фикрга кўра, таҳорат аъзоларини фарз қилинган жойдан ошириб ювиш мустаҳаб саналмайди. Бу фикрни Ибн Таймия, Ибн Қаййим ва шайхимиз Абдурахмон ибн Носир Саъдий ҳам ёқлаган. Мазкур фикр эгалари бу фикрни қуйидагилар билан қўллаб-қувватлашган:

1 – Таҳорат аъзоларини фарз қилинган жойдан ошириб ювиш ибодат, яъни мустаҳаб дейиш учун далил керак. Ушбу ҳадис бунга далолат қилмайди. Балки ҳадис қиёмат

куни таҳорат аъзоларидан нур таралишини билдиради, холос. Абу Хурайранинг амали эса, унинг мазкур ҳадисга нисбатан шахсий тушунчаси маҳсулидир. Унинг фикрига қарши рожиҳ далил турган жойда унга амал қилинмайди.

Ҳадисдаги «Бас, сиздан ким пешонаси ва оёқ-қўлидаги нурини узайтиришга қодир бўлса, узайтирсин», деган жумла аслида Абу Хурайранинг сўзидир. Бироқ ундан ривоят қилган ровийларнинг бири бу жумла Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга тегишли деган ўйда уни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламга нисбат бериб ривоят қилган.

2 – Агар таҳорат аъзоларини ювиш фарз қилинган жойидан ошириб ювиш мустаҳаб деб фарз қилсак, у ҳолда юзга қўшиб, сочни ҳам ювишга тўғри келади. Ҳолбуки, бу ҳадисга зиддир. Негаки, соч пешонага кирмайди. Ҳадисда эса «пешонасидан нур таралиб турган ҳолида», дейилган.

3 – Абу Хурайра розияллоҳу анҳудан бошқа бирон саҳобий ушбу ҳадисни бу тарзда тушуниб, таҳорат аъзоларини ювиш фарз бўлган ердан ошириб ювгани нақл қилинмаган. Қолаверса, Абу Хурайра розияллоҳу анҳу одамлар унинг бу тарзда таҳорат олганини кўриб, ажаблан-масликлари учун яширинча таҳорат олиши нақл қилинган.

4 – Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг таҳорат олиш тарзини васфлаган саҳобийларнинг барчаси у зот таҳоратда фақат юзлари ва қўлларини тирсақларигача, оёқларини эса тўпиқларигача ювганларини айтишган. Маълумки, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар таҳорат олганларида мустаҳаб кўринишни тарк қилишлари мумкин эмас. Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ айтади: «Мазкур ҳадисни Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ўнта саҳобий ривоят қилган. Аммо ундаги: «Бас, сиздан ким пешонаси ва оёқ-қўлидаги нурини узайтиришга қодир бўлса, узайтирсин», деган жумлани бирон саҳобий ривоят

қилгани, шунингдек, ҳадисни Абу Ҳурайрадан ривоят қилган ровийлар ичида Нуаймдан ўзгаси уни Пайғамбаримизга нисбат берганини ҳам учратмадим».

5 – Таҳорат оятида қўлларни тирсаккача, оёқларни тўпиққача ювилиши белгилаб қўйилган. Маълумки, мазкур оят охирги нозил қилинган оятлардан саналади. Қуйида Ибн Қаййим роҳимахуллоҳнинг «Ҳодил арвоҳ» китобида ушбу масала тўрисида айтган сўзини келтираимиз.

Ибн Қаййим роҳимахуллоҳ айтади: «Имом Бухорий ва Муслим «саҳиҳ ҳадислар тўплами» китобида Абу Ҳозим роҳимахуллоҳнинг шундай деганини ривоят қилишган. Абу Ҳозим айтади: «Абу Ҳурайра розияллоху анху таҳорат олаётганида мен унинг ортида турган эдим. У қўлини то қўлтиғигача ювди. Мен: «Эй Абу Ҳурайра, бу қандай таҳорат?», дедим. У деди: «Эй Бану Фаррух, шу ерда эдингларми? Агар сизларнинг шу ерда эканингизни билганимда бу тарзда таҳорат олмас эдим. Мен Халилим соллаллоху алайҳи ва салламнинг шундай деганини эшитганман: «Мўминнинг (жаннатдаги) зебу зийнати таҳорат (суви) етадиган ергачадир».

Таҳоратда қўлни мускулгача, оёқни болдиргача ювиш мустаҳаб деган уламолар ҳозиргина юқорида келтирилган ҳадисни далил қилишган. Бу баъзи ханафийлар, шунингдек, шофейи ва ханбалий мазҳаби уламоларининг фикридир.

Дарҳақиқат, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам таҳоратда фақат юзларини, қўлларини тирсаккача, оёқларини эса тўпиққача ювиб: «Ким шундан ортиғини қилса, ёмон иш ва зулм қилган бўлур», деганлар. Ушбу ҳадис уларнинг фикрлари тўғри эмаслигини кўрсатади. Бинобарин, бу борадаги тўғри фикр таҳорат аъзоларини фарз қилинган жойидан ошириб ювиш мустаҳаб эмас деган фикрдир. Бу Мадина аҳли уламоларининг фикри бўлиб, имом Аҳмаддан бу хусусда икки хил фикр ривоят

қилинган. Абу Ҳурайранинг ҳадиси таҳорат аъзоларини ювиш фарз қилинган жойларидан ошириб ювиш мустахаб-лигига далолат қилмайди. Қолаверса, ҳадисда «Мўминнинг (жаннатдаги) зебу зийнати таҳорат (суви) етадиган ергачадир» дейилган. Ҳолбуки, тақинчоқ кўлнинг мускули ёки елка қисмида эмас, балки билакда зебу зийнат бўлади.

Ҳадисдаги «Бас, сиздан ким пешонаси ва оёқ-қўлидаги нурини узайтиришга қодир бўлса, узайтирсин», деган жумлага келсак, ушбу қўшимча аслида Абу Ҳурайра розияллоху анхунинг сўзи бўлиб, баъзи ровийлар томонидан Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламга нисбат берилган. Буни бир қанча муҳаддис уламолар баён қилишган.

Имом Аҳмаднинг «Муснад» китобида мазкур ҳадис ровийларидан бири Нуайм шундай деган: «Бас, сиздан ким пешонаси ва оёқ-қўлидаги нурини узайтиришга қодир бўлса, узайтирсин», деган жумла Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзларими ёки Абу Ҳурайра айтган сўзми, билмайман». Шайхимиз (Ибн Таймия) шундай дер эди: «Мазкур сўзлар Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг сўзлари бўлиши мумкин эмас. Негаки, ғурра қўлда эмас, балки фақат юзда бўлади. Уни узайтириш эса мумкин эмас. Чунки узайтирилса унга бош ҳам кириб кетади. Ҳолбуки, ғурра бошда бўлмайди» (Иқтибос тугади).

Ҳожатхонага кириш ва истинжо қилиш боби

Бу бобда ҳожатхонага кириш ва ундан чиқиш ҳамда у ерда ўтириш одоблари, шунингдек, ҳожатдан сўнг истинжо қилиш усули ва нажосатдан сақланиш лозимлиги зикр қилинади. Ушбу боб таҳорат китобининг бобларидан бири саналади.

Ўн биринчи ҳадис

عن أنس بن مالك رضي الله عنه أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ كَانَ إِذَا دَخَلَ الْخَلَاءَ قَالَ: "اللَّهُمَّ إِنِّي أَعُوذُ بِكَ مِنَ الْخُبْثِ وَالْخَبَائِثِ".

Анас ибн Молик розияллоҳу анхудан ривоят қилинади. У шундай дейди: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага кирсалар: “Аллоҳумма инний аъзузу бика минал хубуси вал хабоис”, дер эдилар [Бухорий: 142, 6322 ва Муслим: 375].

Дуо мазмуни: “Эй Аллоҳ, Сендан шайтонларнинг эркагу урғочисидан паноҳ беришингни сўрайман”.

Ҳадисдаги “хубус” сўзи “хабис” сўзининг кўплик тури бўлиб, эркак шайтон деган маънони билдиради. “Хабоис” сўзи эса “хабиса” сўзининг кўплик тури бўлиб, урғочи шайтон деганидир.

Мазкур дуода Пайғамбаримиз Аллоҳ таолодан эркагу урғочи шайтонлардан паноҳ беришини сўрадилар.

Шарҳ:

Ҳадисдаги “ҳожатхонага кирсалар” деган сўздан “ҳожатхонага киришни истасалар” деган маъно назарда тутилган. Зеро, муфассир уламолар Аллоҳ таолонинг куйидаги оятдаги: “**Эй мўмин бандам), ҳар қачон Қуръон ўқисанг,**” [Наҳл: 98] деган сўзини “Қўръон ўқишни истасанг” дея тафсир қилишган.

Мазкур изохни Имом Бухорий “*Ал-адабул муфрад*” китобида келтирган ривоят ҳам қўллаб-қувватлайди. Унда Анас розияллоҳу анҳу: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳожатхонага киришни истасалар...”, деган. Бинобарин, ҳожатхонага киришдан аввал мазкур дуони айтиш мустаҳаб саналади. Аммо ҳожатни ўташ учун саҳро ёки яланглик каби очиқ жойга борилса, у ҳолда ҳожат ўташдан олдин айтиш мустаҳаб бўлади.

Юқорида муаллиф зикр қилганидек, ҳадисдаги “хубус” сўзи эркак шайтон деган маънони англатади. Бироқ бир қанча уламолар ҳадисдаги “хубус” сўзи “хубс” деб ўқилади дейишган. “Хубс” сўзи араб тилида ёмонлик деган маънони билдиради. Шунга биноан ҳадиснинг маъноси куйидагича бўлади: “Эй Аллоҳ, Сендан барча ёмонликлардан паноҳ беришингни сўрайман”. Албатта, ҳадисни ушбу иккинчи изохга кўра тушунсак, умумийроқ маънони ифода этади. Негаки, бу ердаги ёмонлик сўзи аввалги изохда айtilган эркак урғочи шайтонларни ҳам ўз ичига олади. Шунинг учун мазкур дуони иккинчи кўринишга кўра ўқиган афзал.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга хизмат қилишдек шарафга эришган зот Анас ибн Молик розияллоҳу анҳу бизларга Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ҳожат ўташдаги одоблари ҳақида хабар бермоқда. Дарҳақиқат, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Аллоҳга кўп дуо-илтижо қилувчи зот эдилар. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Аллоҳнинг зикри ва Ундан паноҳ сўрашни асло тарк

қилмас эдилар. У зот алайҳиссалом агар ҳожатхонага кирмоқчи бўлсалар Аллоҳ таолодан уни турли ёмонликлар, жумладан, нажосатдан сақлаши ҳамда шайтонлардан паноҳ беришини илтижо қилиб сўраб эдилар. Зеро, шайтонлар ҳар доим мусулмон кишининг дин ва ибодатини бузишга ҳаракат қилишади.

Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам маъсум бўлиши, яъни Аллоҳ таоло у зотни турли ёмонлик ва зарарлардан ҳимоя қилганига қарамадан ёвузликдан паноҳ сўраган эканлар, демак, бизлар душманимиз шайтондан янада кўпроқ огоҳ бўлишимиз ва унинг динимизга путур етказишидан эҳтиёт бўлишимиз лозим.

Ҳадисдан олиндиған фойдалар:

1 – Ҳожатхонага мазкур дуони ўқиб кириш мустаҳаб. Зеро, у намозни бузишга ҳаракат қилувчи шайтондан ҳимоя қилади.

2 – Шайтонлар банданинг намозини бузиш учун уни нажосатлар билан булғашга ҳаракат қилишади. Шу сабабдан банда уларнинг ёмонлигидан сақланиш учун Аллоҳдан паноҳ сўраши лозим.

3 – Нажосатлардан четланиш ва ундан сақланишга олиб борувчи сабабларга риоя қилиш вожиб. Зеро, саҳиҳ ҳадисларда сийдикдан сақланмаслик қабр азобига сабаб бўлиши айтилган.

Ўн иккинчи ҳадис

عَنْ أَبِي أَيُّوبَ الْأَنْصَارِيِّ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: قَالَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - : ((إِذَا أَتَيْتُمُ الْعَايِطَ , فَلَا تَسْتَقْبِلُوا الْقِبْلَةَ بِعَايِطٍ وَلَا بَوْلٍ , وَلَا تَسْتَنْدِبُرُوهَا , وَلَا كِنَ شَرَّفُوا أَوْ عَرَّبُوا)).

قَالَ أَبُو أَيُّوبَ: «فَقَدِمْنَا الشَّامَ , فَوَجَدْنَا مَرَّاحِيضَ قَدْ بُنِيَتْ نَحْوَ الْكَعْبَةِ ,
فَنَنَحَرِفُ عَنْهَا , وَنَسْتَغْفِرُ اللَّهَ عَزَّ وَجَلَّ» (رواه البخاري: 394 ومسلم:
.264).

Абу Айюб Ансорий розияллоху анхудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Агар ҳожатга чиқсангизлар қибла томонга юзланиб ёки орқа ўгириб на катта ва на кичик ҳожат ўтаманглар. Балки кун чиқар ёки кун ботар томонга қараб ҳожат ўтанглар”.

Абу Айюб айтади: “Биз Шом диёрига келганимизда у ердаги ҳожатхоналар Каъба томонга қаратиб қўрилган экан. (Борди-ю ҳожатда билмай қибла томонга қараб ўтириб қолсак, дарҳол Қибладан) бошқа томонга бурилиб, Аллоҳ азза ва жалладан истиғфор сўрар эдик” [Бухорий: 394 ва Муслим: 264].

Шарҳ:

Дарҳақиқат, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам мазкур ҳадисда бизларни ҳожат ўташ одобларидан бири: қиблага, яъни Каъба томонга юзланиб ёки орқа ўгириб ҳожат ўтамасликка йўлламоқдалар. Каъба намозда юзланадиган қибла ҳамда муқаддас ва ҳурмат-эҳтиромга лойиқ жой бўлгани боис қибладан бошқа кун чиқар ва кун ботар томонга қараб ҳожат ўташга буюрдилар.

Маълумки, қибла — Каъба Мадина шаҳрига нисбатан шимолда жойлашган. Шу сабаб ҳожат ўташ асносида қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб қолмаслик учун шарқ ёки ғарб томонга қараб ҳожат ўташ лозим. Аммо қибла бирон минтақанинг кун чиқар ёки кун ботар томонида бўлса, у ҳолда жануб ёки шимол томонга қараб ҳожат ўталади.

Саҳобалар (Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг буйруқ ва панд-насихатларига энг тез амал қилувчи инсонлар эдилар. Шу боис Абу Айюб розияллоҳу анху саҳобалар Макка фатҳидан сўнг Шом диёрларига келиб, у ердаги ҳожат-хоналар Каъба томонга қаратиб қурилганини кўрганлари ва у ерда ҳожат ўтасалар қибладан бошқа томонга қараб юзланишлари ҳақида хабар бермоқда. Бироқ гоҳида билмай қибла томонга қараб ўтириб қолар, эсига тушган заҳоти қибладан бошқа томонга бурилиб, билмай қилганлари учун Аллоҳдан истиғфор сўрар эдилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб ҳожат ўташдан қайтарилган.

2 – Ким билмай қибла томонга юзланиб ёки орқа ўгириб ҳожат ўтаётган бўлса, сўнг эсига тушиб қолса дарҳол бошқа томонга юзланиб олиши керак.

3 – Аслида шариятимиздаги барча буйруқ ва қайтариқлар бутун умматга қаратилган бўлади. Бироқ гоҳида баъзи ҳукмлар муайян инсонларга тегишли бўлади. Ҳадисдаги “Балки кунчиқар ёки кунботар томонга қараб ҳожат ўтанглар”, деган буйруқ ҳам шулар жумласидан. Негаки, Мадина ва унинг атрофидаги минтақа аҳолиси кунчиқар ёки кунботар томонга қарасалар қиблага юзланган ҳам, орқа ўгирган ҳам бўлмайди. Шунинг учун кунчиқар ёки кунботар томонга юзланиб ҳожат ўташга буюрилмоқда.

4 – Қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб ҳожат ўташдан қайтаришдан кўзланган ҳикмат Каъбани улуғлаш ва эҳтиром қилишдир. Ҳадисда келишича, Пайғамбаримиз: “Биронтангиз ҳожатга чиқса, Аллоҳ азза ва жалланинг

қибласини эхтиром қилсин, қибла томонга қараб ҳожат ўтамасин”, деганлар.

5 – Саҳобалар ҳожат ўтар эканлар билмай қибла томонга юзланиб қолсалар тиллари билан эмас, балки қалбларида истиғфор айтар эдилар. Чунки аврат очик ҳолда ёки ҳожат ўташ асносида Аллоҳни тил билан зикр қилиш жоиз эмас.

Ўн учинчи ҳадис

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ بْنِ الْخَطَّابِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ((رَقِيتُ يَوْمًا عَلَى بَيْتِ حَفْصَةَ فَرَأَيْتُ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَقْضِي - حَاجَتَهُ مُسْتَقْبِلَ الشَّامِ , مُسْتَدِيرَ الْكَعْبَةَ)) (البخاري: 148 ومسلم: 266).
وَفِي رِوَايَةٍ ((مُسْتَقْبِلًا بَيْتَ الْمُقَدِّسِ)) .

Абдуллоҳ ибн Умар ибн Хаттоб розияллоху анхумодан ривоят қилинади. У айтади: “Мен бир куни Ҳафсанинг уйининг томига чиқдим ва Набий соллаллоху алайҳи ва салламни Шом томонга юзланиб, Каъба томонга орқасини ўгириб ҳожат ўтаётганларини кўрдим” [Бухорий: 148 ва Муслим: 266].

Баъзи ривоятда: “...Байтул Макдис томонга юзланиб...”, дейилган.

Шарҳ:

Ибн Умар розияллоху анхумо бир куни опаси ва Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хотини Ҳафса розияллоху анҳо уйининг томига чиқса, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам Шом томонга қараб, қибла томонга орқа ўгириб ҳожат ўтаётганларини кўргангани зикр қилмоқда.

Уламолар ихтилофи:

Ҳожат ўташ асносида қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб ўтириш борасида уламолар ихтилоф қилишган.

1) Абу Айюб Ансорий, Мужоҳид, Нахайй ва Суфён Саврийлар (Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин) қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб — хоҳ очик жойда, хоҳ ўралган бинода бўлсин — ҳожат ўташ ҳаром дейишган. Бу фикрни Ибн Ҳазм роҳимаҳуллоҳ ўзининг “Муҳалло” китобида қўллаб-қувватлаб, бундан бошқа фикрларнинг тўғри эмас эканини айтган. Шунингдек, шайхулислом Ибн Таймия ва Ибн Қаййимлар ҳам ушбу фикрни ёқлаган. Ибн Қаййим роҳимаҳуллоҳ ўзининг “Зодул маод” ва “Таҳзибус сунан” китобларида бошқа фикр эгаларига раддия билдириб, мазкур фикрни қўллаб-қувватлаган. Ушбу фикр эгалари қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб ҳожат чиқаришдан мутлақ қайтарган ҳадисларни далил қилишган. Ўтган Абу Айюб Ансорийнинг ҳадиси ҳам шулар жумласидан.

2) Урва ибн Зубайр, Раба Ар-раъй ва Довуд Зохирийлар (Аллоҳ уларнинг барчасини раҳматига олсин) қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб — хоҳ очик жойда, хоҳ ўралган бинода бўлсин — ҳожат ўташ жоиз, деган фикрни билдиришган. Улар ўз фикрларини қўллаш мақсадида бир канча ҳадисларни, жумладан юқоридаги Ибн Умарнинг ҳадисини далил қилиб келтиришган.

3) Имом Молик, Шофеий, Аҳмад ва Исҳоқ ибн Роҳавайҳ роҳимаҳумуллоҳ бу масалада мутлақ жоиз ҳам ёки аксинча, мутлақ ҳаром ҳам демай, балки ҳолатга қараб ҳукм ҳам турлича бўлади, деган фикрни билдиришган. Саҳро ёки яланглик каби очик жойларда қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб ҳожат ўташ ҳаром. Аммо атрофи ўралган биноларда эса жоиз, дейишган. Бу фикр Ибн Умар ва Шаъбийлардан

хам ривоят қилинган бўлиб, бу борадаги тўғри фикр ҳам шудир.

Дарҳақиқат, бу фикр орқали мазкур бобда келган барча ҳадисларни мувофиқлаштириш мумкин. Зеро, қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб ҳожат ўташ мутлақ харом дейиш, Ибн Умарнинг ҳадиси каби бу ишни жоизлигига далолат қиладиган саҳиҳ ҳадислар мазмунига зиддир. Шунингдек, бунинг акси ўлароқ, мутлақ жоиз дейиш ҳам Абу Айюбнинг ҳадиси каби бу ишдан қайтарувчи саҳиҳ ҳадисларга зид бўлади. Аммо мазкур учинчи фикрга кўра далиллар ўртасидаги зиддият йўқолиб, уларнинг ҳар бирига ўз ўрнида амал қилиш имкони пайдо бўлади.

Албатта, имкон қадар сиртидан бир-бирига зид бўлиб кўринган далиллар ўртасини мувофиқлаштириш вожибдир. Бу масалада далил ва мантиқ жиҳатидан учинчи рожиҳ фикрдан қолишмайдиган тўртинчи фикр ҳам мавжуд бўлиб, унга кўра қибла томонга қараб ёки орқа ўгириб — хоҳ очик жойда, хоҳ ўралган бинода бўлсин — ҳожат ўташ макруҳ саналади.

Санъоний роҳимахуллоҳ айтади: “Дарҳақиқат, бу борада келган ҳадислар ўртасини мувофиқлаштириш учун Ибн Умар розияллоҳу анҳумонинг ҳадисида келган қайтариқ бу ишнинг макруҳ эканини ифода этади дейиш лозим. Бундай дейиш асл қоидага хилоф бўлсада¹⁰, бироқ Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу қайтариққа хилоф иш тутиши унинг жоиз эканига далолат қилади. Бинобарин, бу бобда келган ҳадисларни мазкур тарзда изоҳлаш тўғрироқ. Ушбу фикрни бир гуруҳ уламолар ёқлаган бўлиб, унга кўра бу бобда келган ҳадислар ўртасидаги қарама-қаршилиқ барҳам топади”.

¹⁰ Албатта, шариат томонидан келган қайтариқ аслида харомликни тақазо қилади.

Шайх Оли Бассом айтади: “Хулоса қилиб айтсак, қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб ҳожат ўташдан қайтариб келган ҳадисларга амал қилган ҳолда ҳатто, бинолар ичида ҳам қиблага юзланиб ёки орқа ўгириб ҳожат ўтамаган афзал. Қолаверса, уламоларнинг бу борадаги ихтилофи анча кучли бўлиб, уларнинг ихтилоф доирасидан чиқиш учун ҳам шундай қилиш мақсадга мувофиқдир”.

Ҳадисдан олиндиған фойдалар:

1 – Бинонинг ичида Каъбага орқа ўгириб ҳожат ўташ жоиз.

2 – Байтул Мақдис томонга юзланиб ҳожат ўташ макруҳ деган баъзи уламоларга хилоф ўларок, унга юзланиб ҳожат ўташ жоиз.

Ўн тўртинчи ҳадис

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ - رضي الله عنه - أَنَّهُ قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَدْخُلُ الْخَلَاءَ فَأَحْمِلُ أَنَا وَعُغْلَامٌ تَحْوِي إِدَاوَةً مِنْ مَاءٍ وَعَنْزَةً فَيَسْتَنْبِجِي بِالْمَاءِ» (رواه البخاري: 152 و مسلم: 271)

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади. У шундай дейди: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ҳожатхонага қирадиган бўлсалар, мен ва мен қатори яна бир хизматкор бола кичик мешда сув ва найзани кўтариб борар эдик. У зот сув билан истинжо қилар эдилар” [Бухорий: 152 ва Муслим: 271].

Шарх:

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хизматчиси Анас ибн Молик розияллоху анху хабар беришича, у ўзи тенги яна бир бола билан Расулуллоҳ алайҳиссалом

ҳожатхонага борганларида бир идишда сув ва найзани кўтариб борар эдилар. У зот идишдаги сув билан истинжо қилар ва келтирилган найзадан тўсиқ сифатида фойдаланар эдилар. Яъни, одамлар кўзи тушмаслиги учун найзани ерга санчиб, устига бирон нарса ташлаб қўярдилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Фақат сув билан истинжо қилиш жоиз бўлиб, бу фақат қоғоз ва кесак каби сувдан бошқа нарсалар билан истинжо қилишдан яхшироқ. Бир вақтнинг ўзида ҳам қоғоз, ҳам сув билан истинжо қилиш бундан ҳам афзалроқ. Дарҳақиқат, комил поклик ҳосил бўлиши учун нажосат ўрнини аввал қоғоз билан артиб, сўнг ортидан сув билан ювиш мақсадга мувофиқдир. Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтади: “Кўпчилик салаф ва улардан кейинги уламоларнинг фикрича, шунингдек, турли мусулмон шаҳарлардаги аҳли фатво имомлар ижмо қилишича, ҳожатдан сўнг нажосат ўрнини кесак (ёхуд қоғоз), сўнг сув билан тозалаш афзал. Ҳожатдан кейинги нажосат асоратини озайтириш ва қўлга имкон қадар оз нажосат тегиши учун нажосат ўрнини аввал кесак (ёхуд қоғоз) билан артиб, сўнг сув билан ювиш мақсадга мувофиқдир. Бироқ истинжо қилишда сув ёки кесак (қоғоз)нинг бирига чекланиш ҳам жоиз. Бу ўринда иккисидан бирининг бор ёки йўқлигининг аҳамияти йўқ. Шунга қарамай, ким кесак ёки сувдан бири билан истинжо қилмоқчи бўлса, сув билан истинжо қилгани афзал”.

2 – Мусулмон одам ҳожат ўташдан олдин нажосат асоратини кетказиш учун сув ёки кесак каби покловчи нарсаларни тайёрлаб олиши лозим. Акс ҳолда, ҳожатдан сўнг сув ёки қоғоз олиш учун ўрnidан туришга мажбур бўлади. Бу бадани ёки кийимининг нажосат бўлишига олиб боради.

3 – Инсонлар кўзидан йироқ жойда ҳожат ўташ. Албатта, бировнинг авратига қараш ҳаромдир. Шу боис ким саҳро ёки яланглик каби очиқ ерларда ҳожат ўтамоқчи бўлса, у ҳолда бирон пана жойга ўтиб ёки бирон тўсик кўйиб ҳожат ўташи лозим.

4 – Ёш болаларнинг катталарга хизмат қилиши ва улар хизматидан фойдаланиш жоиз.

Ўн бешинчи ҳадис

عَنْ أَبِي قَتَادَةَ الْحَارِثِ بْنِ رَبِيعٍ الْأَنْصَارِيِّ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ -: أَنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: «لَا يُمَسِّكَنَّ أَحَدُكُمْ ذَكَرَهُ بِيَمِينِهِ وَهُوَ يَبُولُ وَلَا يَتَمَسَّحُ مِنَ الْخَلَاءِ بِيَمِينِهِ وَلَا يَتَنَفَّسُ فِي الْإِنَاءِ».

Абу Қатода Ҳорис ибн Рибъий Ансорий розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Агар биронтангиз сийса, олатини ўнг қўли билан ушламасин ва ўнг қўли билан истинжо қилмасин. Шунингдек, (сув ичаётганда) идиш ичига нафас чиқармасин” [Бухорий: 154 ва Муслим: 267].

Шарҳ:

Ушбу ҳадиси шарифдаги уч жумлада инсонни нажосатлардан четлаштирадиган, зарар ва касалликлардан сақлайдиган бебаҳо уч насихат ва фойда зикр қилинган.

Бу насихат ва фойдаларнинг биринчи ва иккинчиси: бавл қилаётган пайтда олатни ўнг қўл билан ушламаслик, олд ва орқа авратдаги нажосат асоратини ўнг қўл билан тозаламаслик. Чунки ўнг қўл ейиш-ичиш каби яхши ишлар учун яратилган. Албатта, ўнг қўл билан нажосатларни ушлаш уни ифлосланишига олиб боради. Бу эса ўнг қўл билан еб-ичиш, қўл бериб сўрашиш каби яхши ишларни

бажаришдан жирканишга, шунингдек, баъзи ҳолатларда турли касалликлар юқишига сабаб бўлади.

Учинчиси: сув ичиладиган идишга нафас чиқаришдан қайтарилди. Зеро, идиш ичига нафас чиқаришнинг зарарлари кўп. Жумладан, бундай қилиш ўзидан кейинги инсоннинг нафас чиқарилган идишдаги сувни ичишдан жирканишига сабаб бўлади. Шунингдек, идиш ичига нафас чиқарган одамда бирон касаллик бўлса, унинг оғиз-бурнидан юқумли бактериялар сувга тушиб, бошқаларга ҳам юқиши мумкин. Гоҳида эса идиш ичига нафас чиқариш туфайли бурундан айрим зарарли нарсалар сувга тушиб, идишга нафас чиқарган одамнинг ўзига зарар етиши мумкин. Албатта, шариатимиз яхши ва фойдали ишларга буюриб, зарарли ва фасод ишлардан қайтаради.

Уламолар ихтилофи:

Ҳадисдаги қайтариқдан мазкур ишларнинг ҳаромлиги назарда тутилганми ёки макрухлигимиз? Бу борада уламолар ихтилоф қилишган.

Зоҳирий мазҳаби уламолари ҳадиснинг зоҳирига биноан мазкур ишларнинг барчаси ҳаром дейишган. Жумҳур уламолар эса, ҳадисдаги қайтариқ тарбиявий қайтариқ бўлиб, бу ишнинг макрух эканига далолат қилади, дейишган.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Сийиш асносида олатни ўнг қўл билан ушламаслик.

2 – Ўнг қўл билан истинжо қилмаслик.

3 – Идиш ичига нафас чиқармаслик.

4 – Нопок нарсаларни ушлашдан четланиш. Борди-ю нопок нарсани ушлашга мажбур бўлиб қолинса, чап қўл билан ушлаш керак.

5 – Ўнг қўл чап қўлга нисбатан афзал саналади.

6 – Барча ишларда озодаликка эътибор қаратиш лозим. Хоссатан, еб-ичишда тозаликка алоҳида эътибор қаратиш керак. Негаки, бунга беътиборлик ортидан соғлиққа зиён етади.

7 – Шариатимизнинг барча фойдали ишларга буюргани ва барча зарарли нарсалардан қайтаргани унинг нақадар буюк шариат эканини кўрсатади.

Ўн олтинчи ҳадис

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عَبَّاسٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: مَرَّ النَّبِيُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - بِقَبْرَيْنِ فَقَالَ: «إِنَّهُمَا لَيُعَذَّبَانِ وَمَا يُعَذَّبَانِ فِي كَبِيرٍ أَمَّا أَحَدُهُمَا: فَكَانَ لَا يَسْتَتِرُ مِنَ الْبَوْلِ وَأَمَّا الْآخَرُ: فَكَانَ يَمْشِي - بِالتَّمِيمَةِ فَأَخَذَ جَرِيدَةً رَطْبَةً فَشَقَّهَا نِصْفَيْنِ فَعَرَزَ فِي كُلِّ قَبْرٍ وَاحِدَةً» فَقَالُوا: يَا رَسُولَ اللَّهِ لِمَ فَعَلْتَ هَذَا؟ قَالَ: «لَعَلَّهُ يُخَفَّفُ عَنْهُمَا مَا لَمْ يَبْيَسَا».

Абдуллоҳ ибн Аббос розияллоху анхумодан ривоят қилинади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам икки қабр олдидан ўтар эканлар: “Шубҳасиз, бу икки (қабр эга)си азобланмоқда. Улар (сақланиш) қийин бўлган амал туфайли азобланишаётгани йўқ. Уларнинг бири пешобдан сақланмас, бошқа бири эса чакимчилик қилиб юрар эди”, дедилар. Сўнгра ҳўл хурмо новдасини олиб, иккига бўлдилар ва ҳар қабрга биттадан суқиб қўйдилар. Шунда саҳобалар: “Эй Аллоҳнинг Расули, нима учун бундай қилдингиз?”, дейишди. У зот: “Шояд бу икки новда қуригунича улардан азоб енгиллатиб турилса”, деб жавоб бердилар [Бухорий: 216 ва Муслим: 292].

Абу Масъуд айтади: “Пайғамбаримиз новдани қабрнинг бош томониға сукиб қўйганлари саҳиҳ санад билан собит бўлган”.

Шарх:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан бирга икки қабр ёнидан ўтганларида Аллоҳ таоло у зотга ушбу икки қабр эгалари азобланаётганини аён қилди. Пайғамбаримиз умматини огоҳлантириш мақсадида саҳобаларга бу ҳақда хабар бердилар. Дарҳақиқат, бу икки қабр эгаси аслида Аллоҳ муваффақ қилган кишига тарк қилиш ва четланиш осон бўлган гуноҳ сабабли азобланаётган эди.

Уларнинг бири ҳожат ўтаганда пешобидан сақланмас ва шу сабабли бадани ва кийимларига нажосат тегар эди. Иккинчиси эса чақимчилик қилувчи, одамлар, айниқса, яқин қариндош ва дўстлар ўртасида буғзу адоват пайдо қиладиган сўзларни ташувчи шайтон сифат инсон эди. Бунинг сўзини унга, унинг сўзини бунга етказиб, шу билан улар ўртасида уруш-жанжал пайдо қиларди. Албатта, ислом дини одамлар ўртасида меҳр-муҳаббат уйғотиш ҳамда талашиб-тортишиш ва уруш-жанжалларга чек қўйиш учун келган. Меҳрибон Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабрда ётган бу икки кишига раҳми келганидан ҳўл хурмо новдасини олиб, уни иккига бўлдилар ва ҳар қабрга биттадан сукиб қўйдилар. Шунда саҳобалар ҳайрон бўлиб, бу ҳақда Расулуллоҳдан сўрадилар. У зот уларга жавобан: “Шояд, бу икки новда қуригунича улардан азоб енгиллатиб турилса”, дедилар.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар қабрга новда сукиб қўйиш жоиз ёки йўқлиги борасида ихтилоф қилишган. Баъзи уламолар қабр устига

новда суқиш жоиз, дейишган. Уларнинг фикрига кўра, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг мазкур амаллари умумий кўрсатма бўлиб, бу амалдан кўзланган ҳикмат ҳам тушунарлидир. Яъни қабрга суқилган ҳўл новда то қуригунича Аллоҳга тасбеҳ айтади. Шояд, унинг айтган тасбеҳи туфайли қабр эгасига бирон енгиллик етса.

Баъзи уламолар қабр устига новда суқиш жоиз эмас, деган фикрни билдиришган. Уларнинг фикрича, агар бу амални жоиз десак, ибодат қабилидан бўлади. Ҳолбуки, уни ибодат дейиш учун далил керак. Шариатимизда эса буни тасдиқлайдиган бирон далил йўқ. Мазкур ҳадис бўлса, ўша ҳодисагагина хос бўлиб, ундан кўзланган ҳикмат ҳам номаълумдир. Шунинг учун ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу икки қабрдан бошқа бирон қабрга новда суқмаганлар. Шунингдек, Бурайда ибн Ҳасийб розияллоҳу анҳудан бошқа бирон саҳоба бу амални қилмаган. Бурайда розияллоҳу анху вафот этганидан сўнг қабри утсига икки новда кўйишни васият қилган. Қолаверса, новдаларнинг тасбеҳ айтиши фақат ҳўлларига хос эмас. Аллоҳ таоло ҳўл ёки қуруқ бўлишидан қатъий назар борлиқдаги барча нарсалар Унга тасбеҳ айтиши ҳақида хабар бериб шундай марҳамат қилади: **“Мавжуд бўлган барча нарса тасбеҳ — ҳамду сано айтиш билан У зотни поклар. Лекин сизлар (эй инсонлар), уларнинг тасбеҳ айтишларини — поклашларини англамасизлар”** [Исро: 44]. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг бу амалларидан кўзланган ҳикмат ҳўл новданинг тасбеҳ айтиши ва шу сабабли қабр эгасига бирон енгиллик етиши, деб фараз қилганимизда ҳам, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам бу амални у зотга ўша қабрдагилар азобланаётгани аён қилингани боис қилганлар. Қози Иёз роҳимахуллоҳ айтади: “Пайғамбаримиз қабрга новда суқиш ҳикматини “Шубҳасиз, бу икки (қабр эга)си азобланмоқда”, деган ғайбий сабаб ила изоҳладилар.

Бинобарин, бунга бошқа ҳолатларни қиёс қилиб бўлмайди. Зеро, қабрда ётган одамда у зот айтган сабаб бор-йўқлиги (яъни, унинг азобланаётгани) бизларга қоронғу”.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Қабр азобининг ҳақиқат экани. Бу борада кўп ҳадислар келган ва бу аксар уламоларнинг фикридир.

2 – Нажосатлардан сақланмаслик азобга дучор бўлишга сабаб бўлади. Шу боис нажосатлардан покланиш фарздир. Ушбу ҳадис гуноҳлар ичида пешобдан сақланмасликнинг қабр азобига алоҳида таъсири борлигига далолат қилади. Буни Ибн Хузайма ва Ҳоким ривоят қилган қуйидаги ҳадис ҳам қўллаб-қувватлайди: “Қабр азобининг аксари пешоб (дан сақланмаслик)дан бўлади”. Ибн Ҳажар роҳимахуллоҳ: “Ҳадис санади саҳиҳ”, деган.

3 – Одамлар орасида чақимчилик қилиш ҳаром ва у қабр азобига йўлиқиш сабабларидан биридир.

4 – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам саҳобаларга ўта меҳрибон ва улардан ёмонликларни аритишга ҳарис бўлганлар.

5 – Гуноҳ ва хато-камчиликларни яшириш. Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам қабр эгаларининг исмларини айтиб ўтирмадилар.

6 – “Улар (сақланиш) қийин бўлган амал туфайли азобланишаётгани йўқ”, яъни уларнинг қабр азобига йўлиқишлари тарқ қилиш қийин бўлган амал сабабли эмас эди. Негаки, чақимчиликни ташлаш ва пешобдан сақланиш қийин ишлардан эмас. Бироқ бу иккисининг ортидан катта зарарлар келиб чиққани боис азоби қаттиқ бўлди.

Фойда:

Киши жисмоний ёки молиявий ибодатининг савобини майитга бағишласа, унинг савоби майитга етиб бориш-бормаслиги борасида уламолар ихтилоф қилишган. Имом Аҳмад шундай деган: “Бу борада келган далилларга кўра, майитга барча яхши амаллар (савоби) етиб туради”. Ибн Таймиядан бу борада икки хил фикр нақл қилинган. Бир ўринда, “тириклар майитларга бағишлаган яхши амаллар савоби уларга етиб туришига уламолар иттифоқ қилган”, деган бўлса, бошқа бир ўринда, “бирон савобли амал қилиб, унинг савобини оламдан ўтган мусулмонларга бағишлаш салаф-солиҳларимиз одатларидан эмас эди. Албатта, салаф-солиҳларнинг йўлига эргашиш афзалдир”, дейди. Ибн Таймия зикр қилишича, майит дунёдаги аҳли-оиласи ва ёру дўстлари ҳолатидан хабардор бўлиши, уларнинг хурсандчилик хабарларидан хурсанд бўлиши ва ёмон хабарларидан маҳзун бўлиши борасида жуда кўп хабарлар келган.

Мисвок боби

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - عَنِ النَّبِيِّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ:
«لَوْلَا أَنْ أَشَقَّ عَلَى أُمَّتِي لِأَمْرُهُمْ بِالسَّوَاكِ عِنْدَ كُلِّ صَلَاةٍ».

السَّوَاكُ: اسمٌ للعودِ الذي يتسوكُ به، ولفعلِ الاستياكِ نفسه. وخيرُ ما يُستاكُ به عودُ جذورِ شجرِ الأراكِ.

Араб тилида “мисвок” ёки “сивок” деб тиш тозалашда ишлатиладиган дарахт новдасига айтилади. Шунингдек, тишлардаги кир ва сариқликни кетказиш ва савобга эришиш мақсадида тишларни новда ёки шунга ўхшаш нарсалар билан тозалашга ҳам мисвок сўзи ишлатилади.

Бу боб юқорида ўтган таҳорат китобининг бир боби бўлиб, муаллиф уни бу ерда зикр қилишининг сабаби тишларни мисвок билан тозалаш таҳорат суннатларидан ва шариатимиз тарғиб қилган озодалиқдан саналади. Ушбу бобда озодалиқ, соғлиқни сақлаш, оғизни тозалаш ва ундаги ёқимсиз ҳидни кетказиш, савобга эришиш ва Набий соллаллоху алайҳи ва салламга эргашиш каби талай фойдалар бор.

Ўн еттинчи ҳадис

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Агар умматимга машаққат бўлишидан қўрмаганим-да, уларни хар намозда мисвок қилишга буюрган бўлар эдим” [Муттафақун алайх; Бухорий: 887 ва Муслим: 252].

Шарх:

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг умматига бўлган насиҳатгўйлиги, уларга барча яхшиликларни раво кўргани, уларга манфаат келтирадиган барча боблардан баҳраманд бўлиши ва тўлиқ бахт-саодатга эришишларига харис бўлганлари учун уларни мисвок қилишга буюрдилар.

У зот соллаллоху алайҳи ва саллам мисвокнинг фойдалари ва унинг дунё ва охираатдаги манфаатлари кўп эканини билганлари боис умматини ҳар намозда мисвок қилишга буюрмоқчи бўлдилар. Бироқ Аллоҳ таоло уларга бу амални фарз қилиб кўйиши, сўнг улар бу ишни бажара олмай гуноҳкор бўлиб қолмасликлари учун уларга раҳми келиб, бу амалга буюрмадилар. Шундай бўлсада, уларни бу ишга каттик тарғиб қилдилар ва ундадилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Мисвок қилиш мустаҳаб. Мисвок қилишнинг фазилати шу даражадаки, унга фарз амалларга бериладиган савоб берилади.

2 – Ҳар таҳорат ва намозда мисвок қилиш суннати муаккададир. Ибн Дақийқул Ийд роҳимахуллоҳ айтади: “(Мисвок қилишнинг) ҳикмати шундаки, биз ҳар қандай ҳолатда Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилишга буюрилганмиз. Бинобарин, ибодат шарафини зоҳир қилиш учун комил кўринишда ва озода ҳолатда бўлишимиз лозим. Баъзи уламолар: “Бунинг ҳикмати фаришталарга боғлиқ. Зеро, фаришталар ёмон хиддан азият чекадилар”, дейишган”.

Санъоний роҳимахуллоҳ айтади: “(Мисвок қилишдан кўзланган) ҳикмат ҳар иккиси — озода ҳолда Аллоҳ азза ва жаллага ибодат қилиш ва фаришталарга озор бермаслик бўлиши эҳтимолдан йироқ эмас. Чунки имом Муслим Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхумодан ривоят қилган

ҳадисда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам шундай деганлар: “Ким саримсоқ, пиёз ёки кўк пиёз еса, масжидимизга яқинлашмасин. Зеро, фаришталар одам боласи озорланадиган нарсалардан озорланишади” [Муслим: 564].

3 – Мисвок ила олинган таҳорат ва ўқилган намоз мисвоксиз таҳорат ва намоздан афзал.

4 – Ҳар таҳорат ва намоз олдидан мисвок қилиш машаққатли бўлмаганда эди, мисвок қилиш фарз қилинган бўлур эди.

5 – Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг умматига бўлган раҳмдиллиги ва улар учун жон куйдиришлари мукамал эди.

6 – Шариатимиз енгил бўлиб, унда ҳеч қандай қийинчилик ҳам, машаққат ҳам йўқ.

7 – Зиён ва машаққатларни кетказиш фойда ва манфаатларни жалб қилишдан олдин туради.

Ушбу умумий қоида жуда фойдали қоидалардан биридир. Албатта, ҳикматли Пайғамбаримиз мисвок қилишда катта фойдалар бўлишига қарамай, Аллоҳ таоло уни фарз қилиб қўйишдан хавотирга тушиб, унга буюрмадилар. Зеро, Аллоҳ уни фарз қилгудек бўлса, одамлар уни бажара олмай, шаръий фарзларни тарк қилиш сабабли улкан фасод ҳосил бўлиш эҳтимоли бор эди.

Ўн саккизинчи ҳадис

عَنْ حُدَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: «كَانَ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - إِذَا قَامَ مِنَ اللَّيْلِ يَشُورُ فَأَهَّ بِالسَّوَاكِ» .

Ҳузайфа ибн Ямон розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади: “Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тунда

уйқудан турсалар, оғизларини мисвок билан ишқалаб ювар эдилар” [Бухорий: 889 ва Муслим: 1136].

Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам озодаликни яхши кўрганлари ва ёқимсиз ҳидни ёқтирмаганлари учун тунги узун уйқудан турсалар, тишларини мисвок билан ювар эдилар. Чунки одатда тунги уйқудан сўнг оғиз ҳиди ўзгариб, ундан ёқимсиз ҳид келади. Мисвок билан оғизни тозалаш эса ўша ёқимсиз ҳидни кетказади ва уйқуни очишга ёрдам беради. Зеро, мисвокнинг уйқуни очиш ва одамни тетиклаштириш хусусиятлари бор.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Тунги уйқудан кейин оғизни мисвок билан тозалаш янада таъкидлироқдир. Зеро, уйқу оғиз ҳиди ўзгаришига сабаб бўлади. Мисвок эса тозалаш воситасидир. Шунга кўра, ҳар қачон оғиз ҳиди ўзгарса уни мисвок билан тозалаш суннат саналади.

2 – Юқорида зикр қилинган изоҳда айтилганидек, ҳар қачон оғиз ҳиди ўзгарса, оғизни мисвок билан тозалаш суннати муаккада бўлади.

3 – Умуман, озодаликка рияз қилиш лозим. Бу Набий соллalloҳу алайҳи ва салламнинг суннатларидан ва юксак одоблардандир.

Ўн тўққизинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: «دَخَلَ عَبْدُ الرَّحْمَنِ بْنُ أَبِي بَكْرٍ الصَّدِيقِ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - عَلَى النَّبِيِّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - وَأَنَا مُسْنِدَتُهُ إِلَى صَدْرِي وَمَعَ عَبْدِ الرَّحْمَنِ سِوَاكَ رَطْبٌ يَسْتَنْ بِهِ فَأَبَدَهُ رَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - بَصَرَهُ. فَأَخَذْتُ السَّوَاكَ فَقَضَمْتُهُ فَطَيَّبْتُهُ ثُمَّ دَفَعْتُهُ إِلَى النَّبِيِّ

- صلى الله عليه وسلم - فَاسْتَنْتَّ بِهِ فَمَا رَأَيْتُ رَسُولَ اللَّهِ - صلى الله عليه وسلم - اسْتَنْتَّ اسْتِثْنَانًا أَحْسَنَ مِنْهُ. فَمَا عَدَا أَنْ فَرَغَ رَسُولُ اللَّهِ - صلى الله عليه وسلم - رَفَعَ يَدَهُ - أَوْ إِضْبَعَهُ - ثُمَّ قَالَ: «فِي الرَّفِيقِ الْأَعْلَى» - ثَلَاثًا - ثُمَّ قَضَى. وَكَانَتْ تَقُولُ: مَاتَ بَيْنَ حَاقِنَتِي وَذَاقِنَتِي».

وَفِي لَفْظٍ «فَرَأَيْتُهُ يَنْظُرُ إِلَيْهِ وَعَرَفْتُ: أَنَّهُ يُحِبُّ السَّوَاكَ فَقُلْتُ: أَخْذُهُ لَكَ؟ فَأَشَارَ بِرَأْسِهِ: أَنْ نَعَمْ» هَذَا لَفْظُ الْبُخَارِيِّ وَلِمُسْلِمٍ نَحْوَهُ.

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Абдурахмон ибн Абу Бакр розияллоху анҳумо Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ёнларига кирди. Мен у зотни кўксимга суяб ўтирган эдим. Абдурахмоннинг кўлида хўл мисвок бўлиб, у билан оғзини тозалаётган эди. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам унга тикилиб қолдилар. Мен ундан мисвокни олдим, оғзимда юмшатдим, тозалаб Набий соллаллоху алайҳи ва салламга бердим. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам у билан оғизларини тозаладилар. Пайғамбаримизни бу қадар иштиёқ билан мисвок қилганларини ҳеч кўрмаганман. У зот мисвок қилиб бўлишлари биланок, қўлларини — ёки кўрсаткич бармоқларини кўтариб, “Фир-Рафийкил аъло” — олий даргоҳда (яшовчиларни ихтёр қиламан)”, дея уч маротаба айтиб, сўнг ҳаётдан кўз юмдилар”. Ойша розияллоху анҳо (фахрланиб) шундай дер эди: “Пайғамбаримиз бошларини менинг кўксимга қўйган холларида вафот этдилар” [Бухорий: 890 ва 4438].

Имом Бухорий келтирган бошқа бир ривоятда Ойша розияллоху анҳо шундай деган: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламни унга, яъни Абдурахмонга қараганларини кўрдим. У зот мисвокни яхши кўришларини билганим учун: “Ундан мисвокни олиб берайми?”, дедим. Бошлари

билан “Ҳа”, деб ишора қилдилар” [Бухорий: 4449. Муслим ҳам шу маънога яқин кўринишда ривоят қилган].

Шарх:

Ойша розияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг мисвок қилишни нақадар яхши кўришларини баён қилиб берадиган воқеани зикр қилмоқда. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ўлим тўшагида ётган пайтларида Ойшанинг акаси Абдурахмон ибн Абу Бакр кўлида мисвок билан у зотнинг ёнларига кириб келди. Пайғамбаримиз мисвок қилишни жуда яхши кўрар, шу боис унинг кўлидаги мисвокни кўргач, ўзлари ўлим тўшагида ва оғир бетоб бўлишларига қарамай, мисвок қилишни истаётгандек унинг кўлидаги мисвокка қарадилар. Ойша у зотнинг нимани хоҳлаётганларини дарров тушуниб, акасидан мисвокни олди, ишлатилган қисмини кесиб ташлади ва бош қисмини янгилаб, уни юмшатди. Сўнгра Набий соллаллоху алайҳи ва салламга берди. У зот оғизларини ўша мисвок билан тозаладилар. Ойша розияллоху анҳо Пайғамбаримизни бу қадар иштиёқ билан мисвок қилганларини илгари ҳеч кўрмаганларини айтади. Мисвок қилиб бўлганларидан сўнг, Аллоҳ таолони ёлғиз илоҳ эканига ишора қилиб, кўрсаткич бармоқларини кўтардилар ва Раб таолонинг ҳузурига рихлат қилишни танлаганларини айтиб туриб, ҳаётдан кўз юмдилар. Ойша розияллоху анҳо Пайғамбаримиз унинг кўксига жон берганлари билан фахрланар эди. Фахрланишга ҳақли эди ҳам.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

- 1 – Оғизни ҳўл мисвок билан тозалаш.
- 2 – Мисвокни ишлатишдан олдин тозалаб олиш.
- 3 – Бировнинг мисвогини тозалаб, кейин ишлатиш.

4 – Имо-ишора билан тушуниладиган ишлар инобатга олиниши.

5 – “Рафийкул аъло”, деб Нисо сурасида зикр қилинган куйидаги зотлар назарда тутилади: **“Кимда-ким Аллоҳ ва пайғамбарга итоат этса, ана ўшалар шаънлари ва кадрлари юксак бўлган ҳамда Аллоҳ таоло уларга жаннатни инъом қилиб қўйган пайғамбарлар билан, пайғамбарлар келтирган нарсаларни эътиқод, сўз ва амалда тўла-тўкис тасдиқлаган сиддиқлар билан, Аллоҳ йўлида шаҳидликка эришган зотлар билан ва солих мўминлар билан бирга бўладиган кишилардир. Улар эса жаннатдаги энг яхши ҳамроҳлардир”** [Нисо: 69].

Йигирманчи ҳадис

عَنْ أَبِي مُوسَى الْأَشْعَرِيِّ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: «أَتَيْتُ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - وَهُوَ يَسْتَاكُ بِسِوَاكِ رَطْبٍ قَالَ: وَظَرَفُ السِّوَاكِ عَلَى لِسَانِهِ وَهُوَ يَقُولُ: «أُغِغْ» وَالسِّوَاكُ فِي فِيهِ كَأَنَّهُ يَتَهَوَّعُ»

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келдим. У зот ҳўл мисвок билан оғизларини тозалаётган эканлар. Мисвокнинг учи тилларига тегиб турар, қайт қилаётган кишидек “Уъ-уъ”, деган овоз чиқарар эдилар” [Бухорий: 244 ва Муслим: 254].

Шарх:

Абу Мусо Ашъарий розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келганида у зот ҳўл мисвок билан оғизларини тозалаётганларини кўрганини зикр қилмоқда. Чунки ҳўл мисвок оғизда титилиб, озор бермайди ва яхшироқ тозалайди. Расулуллоҳ соллаллоху

алайҳи ва саллам мисвокнинг учини тилларига қўйиб, муболаға билан оғизларини тозалар, ҳатто у зотдан қайт қилаётган кишидек овоз чиқар эди.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Ҳўл новда билан мисвок қилиш афзал бўлиб, мисвок қилиш тоат-ибодатлардан саналади.

2 – Оғизни тозалашда муболаға қилиш. Чунки муболаға қилиш билан оғиз янада тозароқ бўлади.

3 – Баъзи вақтларда тилни ҳам мисвок билан тозалаб туриш.

Маҳсига масҳ тортиш боби

Бу бобда маҳсига масҳ тортиш жоизлиги борасида келган далиллар зикр қилинади. Масҳ тортиш оёқни ювиш ўрнига ўтади. Таҳоратда маҳсига масҳ тортиш жоизлигига барча мўътабар уламолар ижмо қилишган. Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, бу ишнинг жоиз эканини очиқ-ойдин саҳиҳ ва мутавотир далиллар исботлайди.

Маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас деган ва бу борада келган ҳадисларни қабул қилмаган баъзи тоифаларнинг шоз (кўпчилик уламолар фикрига хилоф ўлароқ билдирган) фикри эътиборга олинмайди. Негаки, уларнинг фикри бу ишнинг жоизлигини кўрсатадиган мутавотир, очиқ-ойдин ва саҳиҳ далилларга зид.

Маҳсига масҳ тортиш Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ва бағрикенг шариатимиз томонидан умматга энгиллик мақсадида жорий қилинган амаллардан биридир.

Йигирма биринчи ҳадис

عَنْ الْمُغِيرَةَ بْنِ شُعْبَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: «كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فِي سَفَرٍ فَأَهْوَيْتُ لِأَنْزِعَ حُقَيْبِي فَقَالَ: «دَعُهُمَا فَإِنِّي أَدْخَلْتُهُمَا طَاهِرَتَيْنِ فَمَسَحَ عَلَيْهِمَا»

Муғийра ибн Шўъба розияллоху анҳудан ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва саллам билан сафарда бирга эдим. У зотнинг маҳсиларини ечмоқчи бўлиб, қўлимни узатган эдим: “Кўявер, мен уларни

тахоратли ҳолда кийганман”, деб уларга масҳ тортдилар” [Бухорий: 206 ва Муслим: 274].

Шарҳ:

Муғйра розияллоху анху сафарларнинг бирида Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам билан бирга эди. Пайғамбаримиз таҳорат олишни бошлаб, юзлари ва икки қўлларини ювиб, бошларига масҳ тортгач, Муғйра у зот оёқларини ювишлари учун маҳсиларини ечмоқчи бўлди. Шунда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Ечмай қўявер, мен уларни таҳоратли ҳолда кийганман”, дея оёқларини ювмасдан маҳси устига масҳ тортдилар.

Уламолар ихтилофи:

Шиа тоифаси бу борада келган далилларни инкор қилиб, маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас, деган шоз фикрни айтишган. Бу фикр Имом Молик ва баъзи саҳобалардан ҳам нақл қилинган дейилади. Лекин шайхулислом Ибн Таймия роҳимаҳуллоҳ: “Улар, яъни баъзи саҳоба ва имом Моликнинг маҳсига масҳ тортиш жоиз эмас деганларини билдирувчи ривоятлар заиф”, деган. Қолаверса, имом Моликнинг маҳсига масҳ тортиш жоиз, деган сўзи саҳиҳ ривоятларда собит бўлган. Шу боис унинг издошлари бу амалнинг жоизлигига иттифоқ қилишган.

Шиа тоифаси “Моида” сурасидаги **“ва аржулакум”**, яъни **“ва оёқларингизни ошиқларигача ювингиз!”**, оятининг **“ва аржуликум”**, яъни **“ва оёқларингизга ҳам масҳ тортингиз!”**, деган кироатига таяниб, таҳоратда оёқ ювилмайди, балки унга масҳ тортилади, дея бутун ислом уммати ижмо қилган масалага зид фикрни билдиришган. Улар даъво қилишича, мазкур кироат таҳоратда оёқни ювишга буюрувчи барча ҳадисларни насх (бекор) қилади.

Ислом умматининг барча уламолари маҳсига масх тортиш жоиз деб эътиқод қилиш кераклигини айтишган ва бунга мутаватир ҳадисларни далил қилиб келтиришган.

Шиа тоифаси келтирган далилга икки хил тарзда жавоб бериш мумкин.

Биринчиси: оятни улар айтганидек “أرجلكم”, деб ўқилиши мўътабар саналган тақдирда ҳам, “лом” ҳарфининг касра бўлиши ўзидан олдинги “رؤوسكم”, сўзига мос бўлиши учундир.

Иккинчиси: масх тортиш ҳукмини маҳсига чеклаш. Яъни саҳиҳ ҳадисларда баён қилинганидек, оятда келган “أرجلكم”, қироати **“ва оёқларингиз (даги маҳси)га ҳам масх тортингиз!”**, деган мазмунда бўлиб, маҳсига масх тортиш ҳукмини баён қилиб келган.

Абдуллоҳ ибн Масъуд розияллоҳу анҳунинг шогирдлари Жарир ибн Абдуллоҳнинг маҳсига масх тортиш ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисини ёқтиришарди. Чунки Жарир “Моида” сураси нозил бўлганидан сўнг исломга келган эди.

“Моида” сурасидаги “أرجلكم”, сўзини касра билан “أرجلكم”, деб ўқийдиган қироатга биноан маҳсига масх тортиш жоиз эмас, деган тоифага раддия бор. Негаки, ушбу қироатга кўра оят маъноси қуйидагича бўлади: **“ва оёқларингиздаги маҳсига ҳам масх тортингиз!”**.

Ибн Дақийкул Ийд роҳимаҳуллоҳнинг “маҳсига масх тортиш жоизлиги шу даражада машҳур бўлиб кетганки, ҳатто у аҳли суннат ва жамоатнинг аломат-белгиси, уни инкор қилиш эса аҳли бидъатнинг аломатига айланиб қолган”, деган мазмунда сўзлари бор.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Таҳоратда маҳсига масҳ тортиш жоиз. Саҳобалардан келган ривоятларга кўра, нам қўлни маҳсининг устидан бир бор юргизиш ила масҳ ҳосил бўлади.

2 – Маҳсига масҳ тортиш жоиз бўлиши учун аввал маҳсини таҳоратли ҳолда кийган бўлиш шарт.

3 – Олим ва фозил кишилар хизматида бўлиш мустаҳаб саналади.

4 – Баъзи ривоятларда ушбу воқеа Табук ғазоти бомдод намозида бўлгани айtilган.

Йигирма иккинчи ҳадис

عَنْ حُدَيْفَةَ بْنِ الْيَمَانِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ((كُنْتُ مَعَ النَّبِيِّ - صَلَّى
اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فَبَالَ وَتَوَضَّأَ وَمَسَحَ عَلَى خُفَيْهِ))

Ҳузайфа ибн Ямон розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен Набий соллаллоху алайҳи ва саллам билан сафарда эдим. У зот пешоб қилиб, сўнг таҳорат олдилар ва маҳсиларига масҳ тортдилар” [Бухорий: 203 ва Муслим: 273] (Ҳадис қискартилган ҳолда келтирилди).

Шарҳ:

Ҳузайфа розияллоху анху сафарларнинг бирида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан бирга бўлгани, у зот пешоб қилганлари, сўнг таҳорат олиб, маҳсиларига масҳ тортганларини зикр қилмоқда.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Сафарда маҳсига масҳ тортиш жоиз. Сафарда маҳси ва саллага масҳ тортиш муддати уч кеча ва уч кундуз

бўлиб, муқимликда (киши ўз шаҳрида бўлган пайтда) эса бир кеча-ю, бир кундуз, яъни йигирма тўрт соат. Масҳ тортиш муддатининг бошланиши сафарда ҳам, муқимликда ҳам — бу борадаги тўғрироқ фикрга кўра — масҳ тортган дастлабки вақтдан деб эътибор қилинади.

2 – Пешоб туфайли таҳорати синган киши таҳорат олмоқчи бўлса, маҳсига масҳ тортиши жоиз. Кичик бетаҳоратликдан таҳорат олинганда маҳсига ҳам, саллага ҳам масҳ тортиш жоизлиги саҳиҳ ҳадисларда собит бўлган.

Жанобат каби ғуслни фарз қилувчи катта бетаҳоратликдан покланишда маҳси ёки саллага масҳ тортиш кифоя қилмайди. Балки бундай ҳолатда ювиниш, жумладан оёқ ва бошни ювиш фарз бўлади.

Кичик ва катта бетаҳоратликдан покланишда тахтакач (гипс) ва жароҳат устидан боғланган нарсаларга масҳ тортиш жоиз. Бироқ масҳ тортиш сабабли зарар етса ёки зарар етиш хавфи бўлса, у ҳолда ўша ерига таяммум қилади ва қолган соғлом аъзоларини ювади.

Мазий ва бошқа нажосатлар ҳукми ҳақидаги боб

Мазий — эркак ва аёлнинг жинсий аъзосидан шаҳват қўзғалганда чиқадиган (шаффоф) суюқлик бўлиб, у жинсий аъзодан отилиб ва лаззат билан чиқмайди ҳамда ундан сўнг инсонда бўшашишлик содир бўлмайди. Баъзан одам унинг чиққанини сезмаслиги ҳам мумкин.

Шифокорларнинг айтишича, мазий шаҳват қўзғалган пайтда сийдик йўли безларидан чиқадиган суюқлик.

Бу бобда мазийнинг нажосат экани ва унинг таҳоратни бузиши ҳақида сўз юритилади, шунингдек, таҳоратни бузишга ва нажосатларни кетказишга тааллуқли бир қанча ҳадислар зикр қилинади.

Йигирма учинчи ҳадис

عَنْ عَلِيِّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: كُنْتُ رَجُلًا مَدَّاءً
فَاسْتَحْيَيْتُ أَنْ أَسْأَلَ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - لِمَكَانِ ابْتِنَتِهِ مِنِّي
فَأَمَرْتُ الْمُقَدَّادَ بْنَ الْأَسْوَدِ فَسَأَلَهُ فَقَالَ: ((يَغْسِلُ ذَكَرَهُ وَيَتَوَضَّأُ)).
وَاللُّبْحَارِيُّ ((اغْسِلْ ذَكَرَكَ وَتَوَضَّأْ)). وَلِمُسْلِمٍ ((تَوَضَّأْ وَأَنْصَحْ فَرَجَكَ)).

Али ибн Абу Толиб розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Мен сермазий киши эдим. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг қизлари менинг хотиним бўлгани (яъни, у зот қайнатам бўлгани) учун бу ҳақда Пайғамбаримиздан сўрашга уялдим ва Миқдод ибн Асвадни сўраб

беришга буюрдим. У зот: “Олатини ювиб, таҳорат олади”, дедилар” [Бухорий: 269 ва Муслим: 303].

Бухорий келтирган ривоятда: “Олатингни ювиб, таҳорат ол”, дейилган бўлса, Муслим ривоятида: “Таҳорат ол ва олатингга сув сеп”, дейилган.

Шарх:

Муслим ривоятидаги “олатингга сув сеп”, деган сўздан олатни ювиш назарда тутилган.

Али розияллоху анху айтади: “Сермазий киши эдим. Мен мазий билан манийнинг ҳукми бир, қай бири чиқса ҳам ғусл қилиш фарз деб ўйлар, шу боис ҳар қачон мазий чиқса ғусл қилардим. Ҳатто бора-бора бу менга машаққат туғдирди. Мазий ҳақидаги бу тушунчамни тўғри ёки нотўғри эканини аниқлаштириб олиш учун Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламдан сўрамоқчи бўлдим. Бироқ бу масала уятли масалардан бўлгани ва Пайғамбаримизнинг қизлари менинг хотиним бўлгани учун у зотдан бу ҳақда сўрашга уялдим ва Микдод ибн Асвадни сўраб беришга буюрдим.

Микдод у зотдан бориб сўраганида: “Агар мазий чиқса, шахват ҳарорати туфайли чикувчи суюқлик, яъни мазий камайиши учун олатини ювсин ва у олд авратдан чиққани учун таҳорат қилсин. Зеро, олд ва орқа авратдан бирон нарса чиқиши таҳоратни синдиради”, деган мазмунда жавоб бердилар”.

Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи ва саллам ушбу жавоблари билан ҳам шаръий, ҳам тиббий йўлланма бердилар.

Уламолар ихтилофи:

Ҳанбалӣ мазҳаби ва айрим моликий мазҳаби уламолари мазкур ҳадисни далил қилиб, мазий чиқса олатнинг барча ерини ювиш фарз, дейишган. Негаки, ҳадисда олат сўзи мутлақ келган бўлиб, унинг баъзи қисмини ювиш айтилмаган. Қолаверса, олат деганда олатнинг барчаси назарда тутилади.

Жумхур уламоларнинг фикрича, фақат мазий теккан ерни ювиш фарз. Чунки мазий чиқиши сабабли олатни ювиш фарз бўлди. Демак, у теккан ернинг ўзинигина ювиш кифоя. Аммо биринчи фикр — ҳанбалӣ ва моликий уламоларининг фикри бир қанча далилларга кўра тўғрирок.

Биринчидан, ҳадисда зикр қилинган “олат” сўздан бу сўзнинг асл маъноси, яъни унинг барчаси назарда тутилган. Мажозий маънода олат сўздан унинг баъзи қисми назарда тутилиши мумкин. Бироқ бир сўзнинг асл маъносини ташлаб, унинг мажозий маъносига ўтиш учун кучли далил керак.

Иккинчидан, мазий чиқиш сабаби, ранги ва бошқа жиҳатлардан манийга ўхшайди. Шу боис уни кичик жанобат дейиш мумкин. Бинобарин, катта жанобатда бутун тана ювилганидек, кичик жанобатда ҳам олатнинг барчасини ювиш мақсадга мувофиқ.

Учинчидан, мазий шахват ҳарорати сабабли чиқади. Олатнинг барчасини ювиш мазийнинг чиқишини тўхтатиш ва шахват ҳароратини сўндириш учун муносибдир.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Мазий најосат бўлиб, уни ювиш фарз. Баъзи уламолар айтишича, мазий најосат бўлсада, бироқ машаққат бўлмаслиги учун оз миқдорда чиққан мазийнинг зарари йўқ.

2 – Мазий жинсий аъзодан чиққани боис таҳоратни синдиради.

3 – Мазий чиққандан сўнг жинсий аъзони ювиш фарз. Баъзи ҳадисларда: “Олат ва моякларини ювиб, таҳорат қилсин”, дейилган¹¹.

4 – Мазий чиқиши жанобат каби ғулсни фарз қилмайди. Бунга уламолар ижмо қилишган.

5 – Мазийдан покланишда пешоб каби уни кесак (ёки қоғоз) каби нарсалар билан артиш кифоя қилмайди. Балки уни сув билан ювиш лозим.

Йигирма тўртинчи ҳадис

عَنْ عَبْدِ بْنِ تَمِيمٍ عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ زَيْدِ بْنِ عَاصِمٍ الْمَازِنِيِّ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: ((شُكِّيَ إِلَى النَّبِيِّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - الرَّجُلُ يُحْيِلُ إِلَيْهِ أُمَّهُ يَجِدُ الشَّيْءَ فِي الصَّلَاةِ فَقَالَ: لَا يَنْصَرِفُ حَتَّى يَسْمَعَ صَوْتًا أَوْ يَجِدَ رِيحًا)).

Аббод ибн Тамим Абдуллоҳ ибн Зайд ибн Осим Мозиний розияллоху анхудан ривоят қилади: “Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан намозда ел чиқариб кўйгандек туюлаверадиган киши ҳақида сўралди. Шунда у зот: “То ел товушини эшитиб ёки ҳидини сезмагунича намоздан чиқмасин”, дедилар” [Бухорий: 137 ва Муслим: 361].

Шарҳ:

Имом Нававий роҳимаҳуллоҳ айтганларидек, ушбу ҳадис ислом динидаги умумий қоидалардан бири ва талай муҳим ҳукмлар асоси саналади. У шундай қоидаки, унга

¹¹ Аҳмад: 1009 ва Абу Довуд: 207.

кўра аниқ маълум бўлган нарсалар то бирон ўзгартирувчи келмагунга қадар эски асл ҳукмида қолаверади. Аниқлик даражасига етмаган куруқ шак-шубҳа ва гумонлар нақадар кучли ёки заиф бўлмасин бу асл ҳукмга таъсир ўтказмайди. Шариатимизда бу қоидага мисоллар жуда кўп. Мазкур ҳадис ҳам шулар жумласидан.

Киши таҳорат олганига ишончи комил бўлса, бироқ таҳорати бузилганига шак қилса, бундай ҳолатда таҳорати борлиги аниқ бўлгани, таҳорати бузилгани куруқ шак бўлгани боис, таҳорати бор деб эътибор қилинади. Бунинг акси ўлароқ, ким таҳорат синдирганини аниқ билса-ю, бироқ таҳорат олган ёки олмаганини эслолмаса, аниқ бўлмиш асл ҳолатига биноан таҳорати йўқ деб эътиборга олинади.

Кийим-кечак ва жойлар борасидаги асл ҳукм — то нажосат теккани аниқ бўлмагунга қадар уларнинг пок эканидир.

Юқоридаги қоида намоз ракаатлари мисолида ҳам кўриш мумкин. Масалан, киши уч ракаат намоз ўқиганини аниқ билса-ю, бироқ тўртинчи ракаатни ўқиганлигида шак қилса, уч ракаат ўқидим деб эътибор қилади. Негаки, уч ракаат ўқигани аниқ, тўртинчи ракаатни ўқигани ёки ўқимаганида шак бор.

Шунингдек, киши аёлини талоқ қилган-қилмаганини аниқ билмай қолса, асл, яъни шу пайтгача аниқ бўлган ҳукмга биноан эр-хотин ўртасидаги никоҳ бузилмаган деб эътибор қилинади. Мазкур қоида қўллаш орқали кўпгина масалаларни ҳал қилиш мумкин.

Ҳадисдан олиндиған фойдалар:

1 – Умумий қоида: аниқ маълум бўлган нарсалар то бирон ўзгартирувчи келмагунга қадар эски асл ҳукмида қолаверади.

2 – Таҳорат бузилгани ҳақидаги шак таҳоратга ҳам, намозга ҳам таъсир қилмайди.

3 – Бирон сабабсиз намоздан чиқиш ҳаром.

4 – Орқа авратдан чиққан ел, хоҳ товушли, хоҳ товушсиз бўлсин таҳоратни бузади.

5 – Ҳадисдаги “То ел товушини эшитиб ёки ҳидини сезмагунича” деган сўз ел чиққанини аниқ билмаган кишига тааллуқли. Аммо ким ел товушини эшитмасада ёки хидини сезмасада, бироқ ел чиққанини аниқ билса, таҳорати бузилган саналади.

Йигирма бешинчи ҳадис

عَنْ أُمِّ قَيْسِ بِنْتِ مُحَمَّدِ بْنِ الْأَسَدِيِّ ((أَنَّهَا أَتَتْ بِإِنِّ لَهَا صَغِيرٍ لَمْ يَأْكُلِ
الطَّعَامَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فَأَجْلَسَهُ فِي حِجْرِهِ فَبَالَ عَلَى
تُوبِهِ فَدَعَا بِمَاءٍ فَتَضَحَّهُ عَلَى تُوبِهِ وَلَمْ يَغْسِلْهُ)).

وَعَنْ عَائِشَةَ أُمِّ الْمُؤْمِنِينَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ((أَنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ
وَسَلَّمَ - أَتَى بِصَبِيٍّ فَبَالَ عَلَى تُوبِهِ فَدَعَا بِمَاءٍ فَاتَّبَعَهُ إِيَّاهُ)) وَلِمُسْلِمٍ: ((فَأَتْبَعَهُ
بَوْلُهُ وَلَمْ يَغْسِلْهُ)).

Умму Қайс бинти Меҳсан Асадия розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “У ҳали овқатга ўтмаган (эмизикли) боласини Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларига олиб келди. Пайғамбаримиз ҳалиги болани кўйинларига ўтқизган эдилар, кийимларга сийиб юборди. У зот сув келтиришга буюрдилар ва уни кийимларига сепдилар, уни ювиб ўтирмадилар” [Бухорий: 223 ва Муслим: 287].

Уммулмўминийн Ойша розияллоху анҳо ривоят қилган ҳадисда: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларига бир гўдак келтирилганди, у Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг кийимларига сийиб қўйди. У зот сув келтиришга буюриб, сувни сийдик ортидан куйдилар”, деб айтилган бўлса, Муслим ривоятида: “Сийдик ортидан сув куйдилар ва уни ювиб ўтирмадилар”, дейилган. [Муслим: 286].

Шарх:

Саҳобалар (Аллоҳ уларнинг барчасидан рози бўлсин) Набий соллаллоху алайҳи ва саллам баракотларига эришиш ва муборак дуоларини олиш мақсадида у зотнинг ёнларига ёш болаларини олиб келишарди.

Пайғамбаримиз хушмуомала ва олийжаноб киши бўлиб, саҳобаларни Аллоҳ у зотга ато этган ўзгармас хислатлар, яъни бағрикенглик ва очиқ юз билан кутиб олар эдилар. Кунларнинг бирида Умму Қайс розияллоху анҳо ҳали овқат ейдиган ёшга етмаган эмизикли боласини Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг хузурларига олиб келади. Пайғамбаримиз меҳрибонликларидан гўдакни муборак кучоқларига оладилар. Гўдак у зотнинг кийимларига сийиб қўяди. Шунда Пайғамбаримиз сув чақирадилар ва кийимларининг сийдик теккан жойига сувни сепадилар, уни ювиб ўтирмадилар.

Уламолар ихтилофи:

Бир гуруҳ уламолар ўғил ва қиз боланинг сийдиги бирдек, ҳар иккиси устидан сув сепса кифоя, ювиш шарт эмас, дейишган. Улар қиз бола сийдигининг ҳукмини ҳадисда келган ўғил боланинг сийдигига қиёс қилишган. Бошқа бир гуруҳ уламолар аксинча, ҳар иккисининг

сийдиги теккан жойни ювиш шарт, дейишган. Бироқ ҳар икала гуруҳ бирон мўътабар далилга суянмаганлар.

Саҳиҳ ва очик-ойдин ҳадислар далолат қиладиган тўғри фикр шуки, ҳали овқат ейишга ўтмаган ўғил боланинг сийдиги теккан кийим устидан сув сепиш кифоя. Аммо ҳали овқат ейишга ўтмаган кизалоқнинг сийдиги теккан кийимни эса ювиш лозим. Бу имом Шофеий, имом Аҳмад, Исҳоқ ибн Роҳуя, Авзойи, Ибн Ҳазм, Ибн Таймия, Ибн Қаййим ва шайхимиз Ибн Саъдий, шунингдек, кўпчилик муҳаққиқ уламоларнинг фикри.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Ҳали овқат ейишга ўтмаган ўғил боланинг сийдиги энгил нажосат ҳисобланади.

2 – Ёш боланинг сийдиги теккан кийимни тозалашда устидан сув сепиб қўйиш кифоя, сув оқизиб ўтириш шарт эмас.

3 – Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам гўзал хулқли ва ўта тавозели зот бўлганлар.

Фойда:

Уламолар нима сабабдан ўғил боланинг сийдиги қиз боланикидан фарқли бўлгани борасида ихтилоф қилишган. Уламоларнинг ҳар бири бунинг ҳикматини баён қилишга уринган. Уларнинг орасидаги энг яхши изох қуйидаги иккисидир:

Биринчиси: ўғил боланинг танасида ортиқча табиий ҳарорат бор бўлиб, у ейилган овқатни куйдириб, чиқадаган ахлатни энгиллаштириб беради. Қолаверса, боланинг ейдиган овқати сут бўлиб, у ҳам энгил саналади. Қиз болада эса бундай куйдириб юборадиган ҳарорат йўқ. Юқоридаги ҳадисда боланинг сийдиги устига сув сепиш

билан тоза бўлиши учун у сутдан бошқа овқат емагани шарт қилиниши мазкур изоҳни қувватлайди.

Иккинчиси: одатда ўғил бола қиз болага қараганда инсонларга суюклироқ бўлади ва қўлда кўп кўтариб юрилади. Унинг сийдигидан сақланиш эса машаққат туғдиради. Шу боис унинг сийдиги енгил нажосат деб эътиборга олинди. Шариатимиздаги бағрикенглик ва енгиллик қоидалари ҳам шуни кўрсатади. Бу умумий қоидага қўра, машаққат бор жойда енгиллик бўлади. Шунга қарамай баъзи уламолар бу иш сабаби аниқ бўлмаган ибодат қабилдан бўлиб, ҳикматини ақл билан идрок қилиб бўлмайди, деб санашган, валлоҳу аълам.

Йигирма олтинчи ҳадис

عَنْ أَنَسِ بْنِ مَالِكٍ - رضي الله عنه - قَالَ: ((جَاءَ أَعْرَابِيٌّ فَبَالَ فِي طَائِفَةٍ
الْمَسْجِدِ فَرَجَرَهُ النَّاسُ فَنَهَاهُمْ النَّبِيُّ - صلى الله عليه وسلم - فَلَمَّا قَضَى بَوْلَهُ
أَمَرَ النَّبِيُّ - صلى الله عليه وسلم - بِدَنْوَبٍ مِنْ مَاءٍ فَأَهْرِيَقَ عَلَيْهِ)).

Анас ибн Молик розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Бир аъробий келиб, масжиднинг бир четига пешоб қила бошлади. (Буни кўрган саҳобалар) унга дашном бера бошладилар. Шунда Набий соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобаларни бундан қайтардилар. Ҳалиги аъробий пешоб қилиб бўлгач, Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир челақ сув келтиришга ва уни сийдик устидан куйишга буюрдилар” [Бухорий: 221 ва Муслим: 285].

Шарҳ:

Аъробий деб саҳроларда яшовчи инсонларга айтилади. Аъробийлар Аллоҳнинг дини таълимотидан йироқ бўлганлари боис, одатда жохил ва қўрс-қўпол кишилар бўлишган.

Кунларнинг бирида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам асҳоблари билан масжидларида ўтирган эдилар. Бир аъробий келиб: “масжид ҳам худди саҳро каби оддий бир ер бўлса керак”, деган ўйда масжиднинг бир четига сия бошлади. Саҳобалар масжидлар Аллоҳнинг уйи ва муқаддас жой деб билганлари учун аъробийнинг бу ишидан дарғазаб бўлиб, уни пешоб қилиб турган жойида уриша кетдилар. Гўзал хулқ соҳиби Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам эса аъробийларнинг табиатини яхши билганлари ва у шошганидан қочиб, масжиднинг бошқа жойларига ҳам бавлини сачратмаслиги учун саҳобларни уни уришмасликка, балки пешоб қилган ерига бир челақ сув куйиб юборишга буюрдилар. Зеро, у зот динни осонлаштирувчи ва хушхабар берувчи қилиб юборилганлар. Қолаверса, аъробий пешоб қилаётган пайтида дарҳол пешобини тўхтатса, соғлигига зарар етиши мумкин эди. Албатта, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг тутган бу йўллари насиҳат самаралироқ бўлиши ва аъробий у зотнинг таълимотини сидқидилдан қабул қилишга улкан ҳисса қўшди.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Ерга теккан сийдикни тозалашда бир челақ сув куйиш кифоя қилади. Сийдик теккан ернинг тупроғини олиб ташлаш шарт эмас.

2 – Масжидларни эҳтиром қилиш ва уларни покиза тутиш лозим.

3 – Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кечиримли зот эдилар. Аъробий масжидга сийганига қарамай, унга бу хатосини юмшоқлик ва хушмуомалалик билан тушунтирдилар. Натижада аъробий: “Ё Аллоҳ, мени ва Муҳаммадни раҳм қилгин, қолган бирон кишини раҳм

қилмагин”, деб дуо қилди. [Аъробийнинг ушбу сўзлари “Саҳиҳи Бухорий”да (6010) ривоят қилинган].

4 – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам узоқни кўра биладиган, инсонлар табиати ва хулқ-атворини яхши билувчи зот эдилар.

5 – Бир неча зарарлар қаршисида қолинганда енгилроғи олинади. Зеро, Пайғамбаримиз аъробийнинг пешобини тўхтатиши ортидан соғлигига етадиган зарар масжидга бавл қилиши зараридан каттароқ бўлгани учун унга то пешобини тугатгунича индамасликка буюрдилар.

6 – Одамлар ва шаҳарлардан узоқда яшаш маданият-сизлик ва кўрсликка олиб боради.

7 – Жоҳил одамга юмшоқлик билан таълим бермоқ лозим.

Йигирма еттинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ: سَمِعْتُ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يَقُولُ: ((الْفِطْرَةُ خَمْسٌ: الْحِثَانُ وَالْأَسْتِحْدَادُ وَقَصُّ الشَّارِبِ وَتَقْلِيمُ الْأَظْفَارِ وَنَتْفُ الْإِيطِ)). .

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху айтади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шундай даганларини эшитганман: “Беш нарса фитратдан: хатна қилиш, авратдаги тукларни қириш, мўйловни қисқартириш, тирноқларни калталаш ва қўлтиқ ости тукларини юлиш” [Бухорий: 5889 ва Муслим: 257].

Шарх:

Абу Ҳурайра розияллоҳу анху Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг беш хислат Аллоҳ таоло

инсонлар фитратига жо қилган ислом динидан бўлиб, кимда бу беш хислат бўлса, соф диндаги буюк хислатларга эришган бўлади, деганларини эшитганини зикр қилмоқда. Ҳадисда зикр қилинган ушбу беш хислат ислом дини келтирган озодалик турларидан саналади.

Биринчиси: хатна қилиш. Яъни олат бошидаги ортиқча терини олиб ташлаш. Агар бу тери олинмай ўз ҳолича қолдирилса, нажосат ва кирлар йиғилишига, оқибатда турли касаллик ва жароҳатлар келиб чиқишига сабаб бўлади.

Иккинчиси: олд ва орқа аврат атрофида ўсадиган тукларни қириб олиш. Ушбу туклар вақтида олинмаса, ўша жойларда нажосатлар қолиб кетиши, натижада таҳоратга путур етиши мумкин.

Учинчиси: мўйловни қисқартириш. Узун мўйлов инсоннинг табиий хилқатни бузиб кўрсатади. Шунингдек, узун мўйловли киши бирон идишдан сув ичса, унинг ортидан бошқа биров ўша идишдан сув ичишдан жирканиши мумкин. Қолаверса, узун мўйлов қўйиш мажусийлар одатидир.

Тўртинчиси: тирноқларни қисқартириш. Тирноқлар орасида кир тез йиғилади. Овқат еганда бу кирлар таомга аралашиб, касаллик келтириб чиқаради. Қолаверса, тирноқ узун бўлса таҳоратда ювиш лозим бўлган ерни ёпиб тургани боис, комил таҳорат олишга монелик қилиши мумкин.

Бешинчиси: Қўлтиқ ости тукларини юлиш. Зеро, қўлтиқ остидаги туклар бадбўй ҳид таралишига сабаб бўлади.

Умуман олганда мазкур тозаликларига риоя қилиш ислом динининг фазилатларидан саналади. Ислам дини мусулмон киши энг яхши ҳолатда ва энг гўзал кўринишда

бўлиши учун озодаликка, покликка ва одоб-ахлоққа буюрган. Зеро, озодалик иймондан.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Аллоҳ таолонинг бандаларда яратган соф фитрати барча яхши ишларга чорлайди ва барча ёмон ишлардан узоклаштиради.

2 – Мазкур олий беш хислат Аллоҳ таоло яхши кўрадиган ва унга амал қилишга буюрган фитратлардан саналиб, уларни соғлом фитрат эгалари табиатига жо қилган ва уларнинг зиддидан қайтаргандир.

3 – Ислом дини озодалик, гўзаллик ва баркамолликка чорлайди.

4 – Мазкур ишларни ўз вақтида қилиш лозим бўлиб, унга асло бепарво бўлмаслик керак.

5 – Шариатимиз тарғиб қилган олий хислатлар сони бештага чекланиб қолмаган. Негаки, имом Муслим ривоят қилган саҳиҳ ҳадисларда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳар ўрин учун ўзига муносиб хислат турларини зикр қилишлари айтилган.

6 – Ибн Ҳажар роҳимаҳуллоҳ айтади: “Ушбу беш хислатда диний ва дунёвий фойдалар бор. Жумладан, ташқи кўринишни гўзаллаштириш, баданни тозалаш, таҳорат бекаму-кўст бўлишига эътибор қаратиш, кофирлар кўринишига зид иш тутиш ва шариат буйруғига бўйсуниш”.

7 – Ҳозирги кунимизда ёш йигит ва қизлар тирноқларини, баъзи кишилар эса мўйловларини ўстириб юрадилар. Ҳолбуки, бу шариатимизда таъқиқланган ҳамда ақл ва фитрат нуқтаи назаридан ҳам хунук-қабих иш саналади. Албатта, ислом дини фақат гўзал ишларга буюриб, барча қабих ишлардан қайтаради. Лекин европа-

ликларга кўр-кўрона таклид қилиш ҳақиқат мезонини ўзгартириб юборди. Қабих ишларни гўзал қилиб, фитрат, ақл ва шариат томонидан гўзал саналган ишларни эса қабих қилиб қўйди.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар ушбу ҳадисда зикр қилинган хатнадан бошқа ишларнинг барчаси мустаҳаб эканига иттифоқ қилишган. Бироқ хатна қилдириш фарз ёки мустаҳаб эканида ихтилоф қилишган. Агар вожиб бўлса, неча ёшда вожиб бўлади, шунингдек, хатна қилдириш эркак-аёлга бирдек фарзми ёки фақат эркакларгами? Бу масалалар борасида турли фикрлар билдиришган.

Уламолар фикрларининг тўрироғи, хатна фақат эркакларга фарз бўлиб, фарзлик вақти балоғат ёшидир.

Фойда:

Шариатимизда буюрилган хатна жинсий олатнинг бошини қоплаб турувчи терини кесиб ташлашдир. Баъзи жоҳил ва ваҳший ўлкаларда — Аллоҳ ўзи сақласин — жинсий олат терисининг ҳаммасини шилиб олишар ва шариатимизда буюрилган хатна шу деб даъво қилишар экан. Шубҳасиз, бу инсонни азоблаш ва майиб қилишдан бошқа нарса эмас. Қолаверса, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатларига хилоф ва ҳаром ишдир. Бундай ишга қўл урган одам гуноҳкор бўлади. Аллоҳ таоло барчаларимизни Ўзининг пок шариатига эргашишга муваффақ қилсин.

Жанобатдан ғул қилиш боб

Жанобат сўзи араб тилида узоклик деган маънони билдиради. Жинсий яқинлик қилган ёки маний тўккан кишининг манийси ўз ўрнидан узоклашгани учун уни жунуб деб айтилган.

Бу бобда ғулга тааллуқли бўлган ҳукмлар, ғул сабаблари, одоблари ва ҳоказолар ҳақида сўз юритилади. Ғул жунуб одам намоз олдидан бажариши шарт бўлган ва кўнгиллар рағбат қиладиган озодалиқ жумласидандир. Аллоҳ таолонинг “**Агар жунуб бўлсангиз, чўмилингиз**”, деган сўзи зимнида инсон соғлиғи, айниқса юрак соғлиғи учун жуда кўп фойдалар бор. Маълумки, одам жинсий алоқа қилганда ундан сулоласи (уруғи) ва жавҳари (мағизи) ҳисобланган маний чиқади ва бунинг ортидан ҳолсизланиш, чарчоқ, толиқиш ва эринчоқлик пайдо бўлади. Шунингдек, мия фаолияти ва қон айланиши сусталашади. Ҳикматли ва барча нарсдан хабардор Зот Ўз марҳамати ила жинсий алоқадан сўнг ғул қилишни жорий қилди. Негаки, ғул бадан қувватини асл ҳолига қайтариб, қон айланишини яхшилайти, натижада бадан қайта тетиклашади. Қаранг, Аллоҳнинг шариатида қанча ҳикмат ва сирлар бор-а?! Аллоҳ таоло бизларни уларни англашга ва уларга иймон келтиришга муваффақ қилсин.

Йигирма саккизинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - ((أَنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - لَقِيَهِ فِي بَعْضِ طُرُقِ الْمَدِينَةِ وَهُوَ جُنُبٌ قَالَ: فَأَخْتَسْتُ مِنْهُ فَدَهَبَتْ

فَاغْتَسَلْتُ ثُمَّ جِئْتُ فَقَالَ: أَيَنْ كُنْتَ يَا أَبَا هُرَيْرَةَ؟ قَالَ: كُنْتُ جُنْبًا فَكَرِهْتُ أَنْ أَجَالِسَكَ عَلَى غَيْرِ طَهَارَةٍ فَقَالَ: سُبْحَانَ اللَّهِ! إِنَّ الْمُؤْمِنَ لَا يَنْجُسُ)).

Абу Хурайра розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Бир куни Мадина кўчаларининг бирида Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Абу Хурайрага дуч келиб қолади. Абу Хурайра розияллоху анху айтади: “Мен жунуб бўлганим учун у зотдан беркиниб олдим ва бориб ғусл қилиб келдим. Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам: “Қаерда эдинг, эй Абу Хурайра?”, деб сўрадилар. Мен: “Жунуб эдим. Сизнинг қаршингизда нопок ҳолда ўтиришни хоҳламадим”, деб жавоб бердим. Шунда у зот: “Субҳаналлох, мўмин киши ҳаргиз нажас-нопок бўлмайди”, дедилар” [Бухорий: 283 ва Муслим: 371].

Абу Хурайра розияллоху анху Мадина кўчаларининг бирида тасодифан жунуб ҳолида Набий соллаллоху алайҳи ва салламга рўбарў келиб қолади. Пайғамбар соллаллоху алайҳи ва салламни қаттиқ ҳурмат қилганидан у зотга жунуб ҳолида йўлиқишни хоҳламади. Шу боис Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан яшириниб, билдирмай бориб ғусл қилиб келади.

Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам ундан қаерга кетгани ҳақида сўрайди. У жунуб бўлганини, нопок ҳолда у зотнинг ҳузурларида ўтиришни хоҳламаганини айтади. Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Абу Хурайра жунуб одам нопок бўлади, деган ўйда ювингани кетганидан ажабландилар ва мўмин киши ҳар қандай ҳолатда ҳам нопок бўлмаслиги ҳақида хабар бердилар.

Ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1 – Жанобат бутун баданни эгаллайдиган нажосат эмас.

2 – Инсоннинг ўзи, яъни бадани хоҳ тирик, хоҳ ўлик ҳолда нажас саналмайди. Бу инсон баданига нажосат тегмайди ёки борди-ю тегса ҳам бадани нажас бўлмайди деганини англамайди. Баъзан инсон танасига нажосат тегиши туфайли ўша ер нажас саналиши мумкин.

3 – Жанобат туфайли қилинадиган ғуслни кечиктириш жоиз.

4 – Фазилатли, илмли ва тақводор кишиларни эҳтиром қилиш ва улар ҳузурида энг яхши кўринишда ҳозир бўлиш.

5 – Тобе ва кичик одамлар бирон иш қилишларидан олдин бошлиқ ва катталардан изн сўраши керак. Зеро, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам Абу Ҳурайрага у зотнинг изнисиз кетгани учун танбех бердилар. Бинобарин, изн сўраш гўзал одоблар сирасидандир.

Йигирма тўққизинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: ((كَانَ النَّبِيُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - إِذَا اغْتَسَلَ مِنَ الْجَنَابَةِ غَسَلَ يَدَيْهِ ثُمَّ تَوَضَّأَ وَضُوءَهُ لِلصَّلَاةِ ثُمَّ يُحَلِّلُ بِيَدَيْهِ شَعْرَهُ حَتَّى إِذَا ظَنَّ أَنَّهُ قَدْ أَرَوَى بَشَرَتَهُ أَفَاضَ عَلَيْهِ الْمَاءَ ثَلَاثَ مَرَّاتٍ ثُمَّ غَسَلَ سَائِرَ جَسَدِهِ)).

وَكَانَتْ تَقُولُ: ((كُنْتُ أَغْتَسِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - مِنْ إِنَاءٍ وَاحِدٍ نَعْتَرِفُ مِنْهُ جَمِيعًا)).

Ойша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам жанобат туфайли чўмилсалар, аввал қўлларини ювар, сўнг намозга таҳорат олгандек таҳорат олар, сўнг қўллари билан сочлари орасини ишқалар, сув бош терисигача етиб борганига

кўзлари етса, устидан уч марта сув қуяр, сўнг таналарининг қолган жойларини ювар эдилар” [Бухорий: 272 ва Муслим: 316].

Ойша розияллоху анҳо айтади: “Мен ва Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам бир идишдан, иккаламиз ҳам ундан сув олиб чўмилардик” [Бухорий: 273 ва Муслим: 321].

Шарҳ:

“Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жанобат туфайли чўмилсалар”, яъни чўмилмоқчи бўлсалар.

“Сўнг қўллари билан сочлари орасини ишқалар”, яъни сув сочнинг остигача, бош терисигача етиши учун хўл бармоқлари билан сочларининг орасини ишқалардилар.

“Сув бош терисигача етиб борганига кўзлари етса”, ушбу жумла ғуслда сув тананинг барча қисмига етганини аниқ билиш шарт эмаслиги, балки сув етгани эҳтимоли кўпроқ бўлиши етарли эканига далолат қилади.

“Устидан уч марта сув қуяр”, яъни сочларининг устидан уч марта сув қуярдилар.

Ойша розияллоху анҳо Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг чўмилишларини васфлаб айтадики, у зот жанобатдан покланиш мақсадида чўмилмоқчи бўлсалар, идишга қўл солганларида қўллари тоза бўлиши учун дастлаб қўлларини ювар, сўнг худди намозга таҳорат олгандек таҳорат олардилар. Сочлари қалин бўлгани сабабли хўл қўллари билан улар орасини ишқалар, сув сочнинг илдизигача етиб, бош териси намланганидан сўнг бошларига уч марта сув қуярдилар. Сўнгра қолган жойларини ювардилар.

Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам мазкур комил кўринишда ғусл қилишларига қарамай, у зот ва Ойша

розияллоху анҳога бир идиш сув етарди, иккалалари ҳам бир идишдан сув олиб чўмилар эдилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Жанобатдан покланиш учун чўмилиш лозим. Жинсий алоқада уруғ суви (маний) тўкиш билан тўкмаслик ўртасида фарқ йўқ. Ҳар иккала ҳолатда ҳам одам жунуб саналади ва ундан покланиш учун чўмилиш керак бўлади. Келгусида Абу Хурайра розияллоху анхунинг ҳадисида бу ҳақда батафсил маълумот келади.

2 – Ушбу ҳадисда ғулнинг комил кўриниши зикр қилинган. Унга биноан, аввал икки қўл ювилади, сўнг таҳорат олинади, сўнг қалин сочлар ораси хўл бармоқлар билан ишқалаб, бош терисига сув етказилади, сўнгра тананинг қолган қисми ювилади.

3 – Ойша розияллоху анҳонинг: “Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам жанобат туфайли чўмилсалар”, деган сўзлари Пайғамбаримиз ҳар сафар жанобатдан ғул қилганларида мазкур ишларни қилишларига далолат қилади.

4 – Эр-хотин бир-бирларининг авратларига қарашлари ва бир идишдан чўмилишлари жоиз.

5 – Жанобатдан ғул қилинганда дастлаб таҳорат аъзолари ювилади, фақат оёқлар ғулнинг охирида ювилади. Бу ҳақда келгусида сўз юритилади.

6 – Ҳадисда Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам ғулдан олдин таҳорат олганлари зикр қилинган. Бу эса таҳорат аъзоларини ювиш ўша аъзолардаги катта ва кичик бетаҳоратликни кетказишига далолат қилади. Зеро, ғулни ҳам, таҳоратни ҳам фарз қилган сабаб биттадир.

Ўттизинчи ҳадис

عَنْ مَيْمُونَةَ بِنْتِ الْحَارِثِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا زَوْجِ النَّبِيِّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - أَنَّهَا قَالَتْ: ((وَضَعْتُ لِرَسُولِ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - وَضُوءَ الْجَنَابَةِ فَأَكْفَأُ بِيَمِينِهِ عَلَى يَسَارِهِ مَرَّتَيْنِ - أَوْ ثَلَاثًا - ثُمَّ غَسَلَ فَرْجَهُ ثُمَّ صَرَبَ يَدَهُ بِالْأَرْضِ أَوْ الْحَائِطِ مَرَّتَيْنِ - أَوْ ثَلَاثًا - ثُمَّ تَمَضَّمَصَّ وَاسْتَنْشَقَّ وَغَسَلَ وَجْهَهُ وَذَرَاعَيْهِ ثُمَّ أَفَاضَ عَلَى رَأْسِهِ الْمَاءَ ثُمَّ غَسَلَ جَسَدَهُ ثُمَّ تَنَحَّى فَعَسَلَ رِجْلَيْهِ فَأَتَيْتُهُ بِخِرْقَةٍ فَلَمْ يُرِدْهَا فَجَعَلَ يَنْفُضُ الْمَاءَ بِيَدِهِ)).

Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг жуфтлари Маймуна бинти Ҳорис розияллоху анҳо айтади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам жанобатдан ғусл қилишлари учун олдиларига бир идишда сув қўйдим. У зот идишни ўнг қўллари билан ушлаб, чап қўлларига икки ёки уч марта сув қуйдилар. Сўнг олатларини ювдилар ва қўлларини икки ёки уч марта ер ёки деворга урдилар (ишқаладилар). Сўнг оғиз ва бурунларини чайдилар. Сўнгра юзлари ва қўлларини тирсақларигача ювиб, бошларига сув қуйдилар. Кейин қолган жойларини ювиб бўлганларидан сўнг бир четга ўтиб оёқларини ювдилар. Мен у зотга (артинишлари учун) бир мато келтирган эдим, истамадилар. Қўллари билан баданларидаги сувни сидира бошладилар” [Бухорий: 274 ва Муслим: 317].

Шарҳ:

“Сўнг олатларини ювдилар ва қўлларини икки ёки уч марта ер ёки деворга урдилар”, яъни истинжодан кейин қўлда қолган нопоклик асоратини кетказиш учун қўллари ер ёки деворга ишқаладилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

Ушбу ҳадис ҳам ўтган Ойша розияллоҳу анҳонинг ҳадиси каби Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жанобатдан қай тарзда ғусл қилганларини баён қилиб беради. Бироқ мазкур Маймуна розияллоҳу анҳонинг ҳадисида собиқ ҳадисда зикр қилинмаган бир қанча фойдалар бор. Қуйида уларни қисқача айтиб ўтамыз:

1 – Аввалги ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам ғусл аввалида қўлларини неча марта ювганлари зикр қилинмаган эди. Аммо бу ҳадисда қўлларини икки ё уч марта ювганлари айтилмоқда.

2 – Ушбу ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам дастлаб қўлларини чайиб, кейин олатларини ювганлари, сўнгра қўлларини ерга икки ёки уч марта ишқалаганлари айтилган. Уламолар бу ҳадисга биноан, истинждодан сўнг қўлни ерга ишқалагандан кейин ёки бошқа тозаловчи восита билан ювгандан кейин қўлда бирон хид қолса, унинг зиёни йўқ дейишган.

3 – Ғусл асносида олатни қайта ювмаслик учун ғусл аввалида олатни ювар экан жанобатдан ғусл қилишни бошлаётганини ният қилиши лозим бўлади.

4 – Собиқ ҳадисда Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва саллам намозга таҳорат олгандек таҳорат олгани зикр қилинган эди. Бу оёқларини ҳам ювганликларини тақозо қилади. Маймунанинг ҳадисида эса бутун таналарини ювиб бўлганларидан кейин оёқларини ювганлари очиқ айтилган. Икки ҳадис ўртасини мувофиқлаштириш учун уларни қуйидагича изоҳлаган яхшироқ бўлса керак: Маймунанинг ҳадисида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам тўлиқ таҳорат олганлар, яъни ғусл аввалида оёқларини ювганлар, бироқ чўмиладиган ер тоза бўлмагани боис ювиниб бўлганларидан кейин бошқа тозароқ ерга ўтиб, яна бир бор оёқларини ювганлар.

5 – Ҳадисда Маймуна розияллоху анҳо Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам таналарини артиши учун мато олиб келгани, у зот матони олмай, балки қўллари билан таналаридаги сувни сидириб ташлаганлари зикр қилинган.

6 – Ғуслда баданни ишқалаш фарз бўлмай, балки таҳоратдаги каби суннатдир.

7 – Ғусл бошида таҳорат олгандан кейин ғусл асносида таҳорат аъзолари қайта ювилмайди. Имом Нававий роҳимахуллоҳ ғусл бошидаги таҳоратда ювилган аъзоларни ғуслда қайта ювмаса ҳам бўлаверади, деган фикр тўғрироқ эканини айтган.

8 – Ғуслда бадан бир бор ювилади. Баъзи уламолар таҳоратга таққослаб, ғуслда ҳам бадан уч марта ювилгани афзал дейишган. Лекин далил турганда қиёсга ҳожат йўқ. Бу шайхулислом Ибн Таймия ва шайхимиз Абдурахмон Саъдий ёқлаган фикр, шунингдек, имом Аҳмад мазҳабидаги икки фикрнинг бири.

Ўттиз биринчи ҳадис

عَنْ عَبْدِ اللَّهِ بْنِ عُمَرَ: أَنَّ عُمَرَ بْنَ الْخَطَّابِ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ - قَالَ:
(يَا رَسُولَ اللَّهِ أَيْرُقْدُ أَحَدَنَا وَهُوَ جُنُبٌ؟ قَالَ: نَعَمْ إِذَا تَوَضَّأَ أَحَدُكُمْ
فَلَيْرُقْدُ)).

Абдуллоҳ ибн Умар розияллоху анҳумодан ривоят қилинади. Умар ибн Хаттоб розияллоху анҳу: “Ё Расулуллоҳ, жунуб ҳолимизда ухласак бўладими?”, деб сўради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва саллам: “Ҳа, агар таҳорат олсангиз, ухлайверинглар”, деб жавоб бердилар” [Бухорий: 287 ва Муслим: 306].

Шарх:

Саҳобалар жунублик ҳолатидан ҳазар қилашар ва бу ҳолатдан ноқулайлик ҳис қилишар эди. Шу боис жунуб ҳолда ухласа бўладими, йўқми деган ўй уларни ўйлантириб қўйди. Умар ибн Хаттоб розияллоҳу анҳу Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламдан кечанинг аввалида жунуб бўлган киши ғусл қилмасдан ухласа бўладими, деб сўрайди. У зот таҳорат олиб, ушбу катта бетаҳоратликни енгиллатган ҳолда ухласа бўлади, дея жунуб ҳолда ухлашга рухсат берадилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Жунуб одам агар таҳорат олса, ғусл қилмасдан ухлаши жоиз.

2 – Жунуб одам ғусл қилмагунча ухламагани афзал. Чунки таҳорат олиб ухлаш шариатимизда машаққатни даф қилиш мақсадида рухсат берилган, холос.

3 – Жунуб одам ухлашдан олдин ғусл қилмаса, у ҳолда таҳорат олиб ухлаши лозим.

4 – Жунуб одам ғусл қилмасдан ёки таҳорат олмасдан ухлаши макруҳ саналади.

Ўттиз иккинчи ҳадис

عَنْ أُمِّ سَلَمَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا - زَوْجِ النَّبِيِّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَتْ:
((جَاءَتْ أُمُّ سَلِيمٍ امْرَأَةُ أَبِي طَلْحَةَ إِلَى رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ
فَقَالَتْ: يَا رَسُولَ اللَّهِ إِنَّ اللَّهَ لَا يَسْتَحْيِي مِنْ الْحَقِّ فَهَلْ عَلَى الْمَرْأَةِ مِنْ
غُسْلِ إِذَا هِيَ احْتَلَمَتْ؟ فَقَالَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ: نَعَمْ إِذَا
رَأَتْ الْمَاءَ)).

Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг жуфтлари Умму Салама розияллоҳу анҳо айтади: “Абу Талҳанинг аёли Умму Сулайм Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг ёнларига келиб шундай деб сўради: “Ё Расулуллоҳ, албатта Аллоҳ таоло ҳақдан ҳаё қилмайди. Агар аёл киши эҳтилом бўлса (яъни, тушида жинсий яқинлик қилганини кўрса), ғусл қилиши керакми?”. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, агар сув, яъни маний (асорати)ни кўрса”, деб жавоб бердилар” [Бухорий: 130 ва Муслим: 313].

Шарҳ:

Умму Сулайм Ансория розияллоҳу анҳо Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳузурларига бир савол сўраб келади. Сўрамоқчи бўлган саволи одатда уятли саналадиган масалалардан бўлмиш жинсий алоқага тааллуқли бўлгани учун саволини эшитувчиларга юмшатадиган сўз билан бошлади: “Албатта Аллоҳ жалла ва ало ҳаёли зот, бироқ У зотнинг ҳаёси ҳақни (гарчи уятли масалага тааллуқли бўлсада, модомики, уни зикр қилишдан фойда бўлса) айтишдан ман қилмайди. Умму Сулайм саволини ушбу сўзлар билан бироз бўлсада юмшатганидан сўнг, асл мақсадига ўтиб деди: “Аёл киши тушида жинсий алоқа қилганини кўрса, ғусл қилиши керакми?”. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Ҳа, агар шаҳват суви, яъни маний чиққанини кўрса, ғусл қилиши лозим”, дея жавоб берадилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Аёл киши тушида жинсий алоқа қилгани, сўнг ўнгида маний чаққанини кўрса, ғусл қилиши фарз бўлади.

2 – Аёллардан ҳам эркеклардан чиққани каби уруғ суви чиқади. Шу сабаб бола онасига ўхшайди. Мазкур ҳадиснинг давомида бунга ишора қилиб ўтилган.

3 – Аллоҳ таолонинг ҳаё сифати борлигини тасдиқлаш. У зотнинг ҳаёси махлуқотларнинг ҳаёсидан фаркли ўлароқ, ҳақ сўзни айтишга тўсқинлик қилмайди.

4 – Ҳаё илм олишга, ҳатто бу илм уятли масалаларга оид бўлсада уни ўрганишга тўсқинлик қилмаслиги лозим.

5 – Одоб-ахлоқ коидалари одатда уятли саналган бирон масала ҳақида сўз очишдан олдин ўша ўринга муносиб сўзлар билан гап очишни тақозо қилади. Зеро, бундай йўл тутиш мазкур масала ҳақида сўз очишга замин яратиб, унинг оддий ва юмшоқроқ эшитилиши ва сўзловчининг одобсизлик билан айбланмаслигини таъминлайди.

Ўттиз учинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: ((كُنْتُ أَعْسِلُ الْجَنَابَةَ مِنْ تَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَيَخْرُجُ إِلَى الصَّلَاةِ وَإِنَّ بُقْعَ الْمَاءِ فِي تَوْبِهِ)).
وَفِي لَفْظِ لِمُسْلِمٍ ((لَقَدْ كُنْتُ أَفْرُكُهُ مِنْ تَوْبِ رَسُولِ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَرَكَاً فَيُصَلِّي فِيهِ)).

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг кийимларига теккан маний юқини ювар эдим. Сўнг у зот намозга чиқар эканлар, кийимларининг ювилган жойи ҳўл бўлиб турар эди” [Бухорий: 229].

Муслим ривоятида шундай дейилган: “Мен Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламнинг кийимларига теккан манийни ишқалаб ташлардим. Сўнг у зот шу кийимларида намоз ўқир эдилар” [Муслим: 288].

Шарх:

Ҳадисда Ойша розияллоҳу анҳо айтмоқдики, жанобатдан сўнг Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг кийимларига юкқан маний ҳўл ҳолида бўлса, уни сув билан ювар, сўнг у зот кийимлари куримаса ҳам унда намозга чиқардилар. Аммо кийимга юкқан маний куриб қолган бўлса, у ҳолда уни қўллари билан ишқалаб ташлар эди.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар маний нажас ёки поклиги борасида ихтилоф қилганлар. Ҳанафий ва моликий мазҳаби уламолари фикрига кўра, маний нажосатдир. Бунга улар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг маний теккан кийимларини аёллари ювгани ҳақида келган ҳадисларни далил қилишган. Мазкур Ойша розияллоҳу анҳонинг ҳадиси шулар жумласидан.

Имом Шофейй, имом Аҳмад, Ибн Ҳазм, шайхулислом Ибн Таймия, шунингдек, муҳаддис ва муҳаққиқ уламолар наздида маний пок саналади. Улар бунга талай далилларни зикр қилишган. Қуйида уларнинг баъзиларни зикр қиламиз:

1 – Ойша розияллоҳу анҳо қуриб қолган манийни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам кийимларидан тирноқлари билан ишқалаб тозалагани саҳиҳ ҳадисларда келган. Агар маний нажас бўлганида қолган нажосатлар сингари уни ҳам ювиш фарз бўларди.

2 – Маний инсоннинг асли, негизи ҳисобланади. Инсоннинг асли нопок, ифлос нарса бўлиши мумкин эмас. Зеро, Аллоҳ таоло инсонни мукаррам ва пок қилиб яратган.

3 – Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам манийни сийдикни ювгандек ювишга ва ундан сақланишга буюрмаганлар.

4 – Уммулмўъминин Ойша розияллоху анҳо у зотнинг маний теккан кийимларини ювганлиги ҳақида келган ҳадисларга қуйидагича жавоб бериш мумкин. Мишики, балғам ва тупук каби нопок нарсалар инсон бадани ёки кийимига тегса, уни тозалашга ҳаракат қилади. Ҳолбуки, уларнинг барчаси пок нарсалар ҳисобланади. Бинобарин, маний теккан кийимни ювиш ҳам унинг нажас (нопок)лигига далолат қилмайди. Шариатимиз нажосат ва нопокликларни тозалашга буюрган бўлса, қандай қилиб Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам уни ювишга рози бўлмасинлар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Маний пок бўлиб, уни бадан ёки кийимдан ювиб ташлаш фарз эмас.

2 – Кийим ва баданга теккан манийни тозалаш мустаҳаб. Агар хўл бўлса ювиб, куриқ бўлса ишқалаб тозаланади.

Ўттиз тўртинчи ҳадис

عَنْ أَبِي هُرَيْرَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ أَنَّ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ قَالَ: ((إِذَا جَلَسَ بَيْنَ شُعَيْبِهَا الْأَرْبَعِ ثُمَّ جَهَدَهَا فَقَدْ وَجَبَ الْغُسْلُ)) وَفِي لَفْظٍ لِمُسْلِمٍ ((وَإِنْ لَمْ يُنْزَلْ)).

Абу Ҳурайра розияллоху анҳудан ривоят қилинади. Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам шундай дедилар: “Агар киши у (яъни, чўри ёки аёли)нинг тўрт мучаси орасига ўтириб, унга кўшилса, гусл вожиб бўлади” [Бухорий: 291].

Муслим ривоятида: “Маний тўкмаса ҳам”, деган кўшимча зикр қилинган [Муслим: 348].

Шарх:

“Тўрт мучаси”, яъни икки қўл ва икки оёғи. Бу жинсий яқинликдан киноя тарзида зикр қилинган.

“Унга қўшилса”, киши олатини аёлининг жинсий аъзосига киритса, деган маънодан киноя.

Набий соллаллоху алайхи ва саллам сўзларининг маъноси шуки, эр аёлининг тўрт мучаси бўлган икки қўл ва икки оёқлари орасига ўтириб, сўнг олатини жуфтнинг жинсий аъзосига киритса, гарчи маний чиқармаса ҳам, ҳар иккисига ғул қилиш фарз бўлади. Чунки, жинсий олатни киргазишнинг ўзи ғулни фарз қилувчи амаллардан бири ҳисобланади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Гарчи маний тўкмаса ҳам олатни аёлнинг жинсий аъзосига киртиш билан ғул фарз бўлади.

2 – Ушбу ҳадис Абу Саид розияллоху анху ривоят қилган: “Сув сув билан фарз бўлади”, яъни ғул уруғ суви (маний) чиқиши билан фарз бўлади, деган ҳадисни насх қилади, яъни амалдан қолдиради.

Ўттиз бешинчи ҳадис

عَنْ أَبِي جَعْفَرٍ مُحَمَّدِ بْنِ عَلِيٍّ بْنِ الْحُسَيْنِ بْنِ عَلِيٍّ بْنِ أَبِي طَالِبٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمْ ((أَنَّهُ كَانَ هُوَ وَأَبُوهُ عِنْدَ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ وَعِنْدَهُ قَوْمٌ فَسَأَلُوهُ عَنِ الْغُسْلِ فَقَالَ: صَاعٌ يَكْفِيكَ فَقَالَ رَجُلٌ: مَا يَكْفِينِي فَقَالَ جَابِرٌ: كَانَ يَكْفِينِي مَنْ هُوَ أَوْفَى مِنْكَ شَعْرًا وَخَيْرًا مِنْكَ - يُرِيدُ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - ثُمَّ آمَنَّا فِي ثَوْبٍ)).

وَفِي لَفْظٍ ((كَانَ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - يُفْرِغُ الْمَاءَ عَلَى رَأْسِهِ ثَلَاثًا)).

Абу Жаъфар Муҳаммад ибн Али ибн Хусайн ибн Али ибн Абу Толиб розияллоху анхумдан ривоят қилинади. “У (Абу Жаъфар) ва отаси (Али ибн Хусайн) Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхунинг ҳузурда эди. Унинг ҳузурда одамлар бўлиб, ундан ғул ҳақида сўрашди. Жобир: “Бир соъ¹² сув етади”, деди. Бир киши: “(Бу микдор) менга етмайди”, деган эди, у: “Сендан кўра яхшироқ ва соч-соқоллари кўпроқ зотга — яъни, Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламга — етарди-ку”, деди. Сўнг битта кийим билан бизга имомликка ўтди” [Бухорий: 252].

Бошқа бир ривоятда: “Набий соллalloҳу алайҳи ва саллам (ғулда) бошлари устидан уч марта сув қуярдилар”, дейилган [Бухорий: 255].

Шарх:

Муаллиф айтади: ““(Бу микдор) менга етмайди”, деган киши Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Али ибн Абу Толиб. Унинг отаси Муҳаммад ибн Ҳанафиядир”.

Абу Жаъфар отаси билан биргаликда буюк саҳобий Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоху анхунинг ёнида эди. Унинг ҳузурда одамлар бор эди. Улар ундан жанобат ғулида қанча сув қифоя қилиши ҳақида сўрашди. Жобир: “Бир соъ етади”, деб жавоб берди.

Жобир ҳузурдаги одамлар ичида Ҳасан ибн Муҳаммад ибн Ҳанафия ҳам бор эди. У жанобат ғулида бу микдор-

¹² Бир соъ тўрт ҳовуч бўлиб, тақрибан 2175 грамга тенг келади.

даги сув етмаслигини айтади. Жобир: “(Бу миқдор) соч-соқоллари сеникидан кўпроқ ва қалинроқ ҳамда сендан кўра яхшироқ зотга етарди. Ҳолбуки, у зот сенга қараганда озодаликка ва динга (таквога) ҳарисроқ эдилар”, дейди ва бир соъ сув билан ғусл қилиб, одамларга намозда имомликка ўтади. Бу бир соъ сув билан рисоладагидек ғусл қилиш мумкинлигига далолат қилади.

Ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1 – Жанобатдан ғусл қилиш фарз. Бадан устидан бир сидра сув қуйиш билан ғусл ҳосил бўлади ва зиммадаги фарз соқит бўлади.

2 – Ибн Рушд “Бидоятул мужтаҳид” китобида айтади: “Ушбу ҳадисни ғуслда баданни ишқалаш лозимлигига ҳам, унинг аксига ҳам далил қилиб бўлмайди”.

3 – Бир соъ сув жанобатдан ғусл қилишга кифоя қилади. Бир соъ тўрт ҳовучга тенг. Ибн Дақик Ийд роҳимаҳуллоҳ айтади: “(Ҳадисда зикр қилинган) миқдор чеклаш учун айтилмаган. Чунки бошқа ҳадислар ғуслда турли миқдор сув ишлатилганига далолат қилади. Бу – валлоҳу аълам – сувнинг озлиги ёки кўплиги ёхуд сафарда ёки муқимликда бўлиш каби вақт ва ҳолатларнинг турлича бўлишига боғлиқ бўлса керак.

4 – Ювинишда озроқ сув ишлатиш мустаҳаб.

5 – Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг суннатига ҳилоф иш тутганларга танбех бериш лозим.

Таяммум боби

Араб тилида таяммум сўзи мақсад, ният қилиш деган маъноларни билдиради. Қуйидаги оятда ҳам таяммум сўзи мақсад маъносида қўлланилган: **“Парвардигорларидан фазлу марҳамат ва ризолик тилаб Байтул-Ҳаромни (Каъбани) мақсад қилиб кетаётган кишиларга қарши (жанг қилишни) ҳалол қилиб олмангиз!”** [Моида: 2]. Таяммум қилувчи тупроқ ишлатишни қасд қилгани учун кейинчалик фуқоҳолар истилоҳида таяммум деб юз ва қўлларга тупроқ суртишга ишлатила бошланган. Баъзи уламолар таяммумни: “Сув йўқлигида ёки сув ишлатишга қодир бўлинмаган пайтда юз ва қўлларга тупроқ суртишдан иборат тупроқлик таҳорат”, деб таърифлашган.

Таяммум Муҳаммад соллалоҳу алайҳи ва саллам умматининг хусусиятларидан саналади. Аллоҳ таоло у зотнинг шарофати билан бу уммат ишларини осон ва шариатини енгил қилди, уларга ҳар қандай машаққат ва қийинчиликлардан енгиллик ато қилди, шунингдек, уларни ҳиссий ва маънавий нопокликлардан поклади.

Жумладан, сув топа олмаган одамга покликдан бутунлай маҳрум қолмаслиги учун тирикликнинг икки асидан бири бўлган сув ўрнига иккинчи асл моддаси бўлган тупроқ билан покланишга рухсат берди. Маълумки, сув ҳиссий ва маънавий нопокликлардан тозалайди. Агар ушбу комил поклаш воситаси топилмаса, у ҳолда маънавий поклик воситаси бўлмиш тупроқ билан покланилади.

Албатта, фаҳм-фаросатли ҳар бир инсон бу ишнинг зимнида фойдалар борлигига заррача шубҳа қилмайди. Таяммум ҳукми Қуръони Карим ва ҳадиси шарифларда

айтилган. Шунингдек, бутун уммат унинг жоизлигига ижмоъ қилган. Қолаверса, соғлом ақл шуни тақозо қилади.

Ўттиз олтинчи ҳадис

عَنْ عَمْرَانَ بْنِ حُصَيْنٍ - رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُ -: ((أَنَّ رَسُولَ اللَّهِ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - رَأَى رَجُلًا مُعْتَزِلًا , لَمْ يُصَلِّ فِي الْقَوْمِ؟ فَقَالَ: يَا فُلَانُ , مَا مَنَعَكَ أَنْ تُصَلِّيَ فِي الْقَوْمِ؟ فَقَالَ: يَا رَسُولَ اللَّهِ أَصَابَتْنِي جَنَابَةٌ , وَلَا مَاءَ , فَقَالَ: عَلَيْكَ بِالصَّعِيدِ , فَإِنَّهُ يَكْفِيكَ)).

Имрон ибн Хусойн розияллоху анхудан ривоят қилинади: “Расулulloҳ соллаллоху алайҳи ва саллам одамлар билан бирга намоз ўқимай, бир четда турган кишига кўзлари тушди ва: “Эй фалончи, сени жамоат билан намоз ўқишдан нима ман қилди?”, дедилар. Ҳалиги киши: “Ё Расулulloҳ, жунуб бўлиб қолдим, ювинишга эса сув йўқ”, деди. Шунда у зот: “Тупроқ билан таяммум қил, шу сенга кифоя қилади”, дедилар” [Бухорий: 248].

Шарҳ:

Жамоат билан намоз ўқимаган киши Бадр жангига қатнашаган саҳобалардан бири Халлод ибн Рофеъ розияллоху анху эди.

Кунларнинг бирида Набий соллаллоху алайҳи ва саллам саҳобалар билан бомдод намозини ўқиб бўлгач, улар билан намоз ўқимаган бир кишига кўзлари тушади. У зот соллаллоху алайҳи ва саллам хушмуомала ва Аллоҳ динига гўзал услубда даъват қилар эдилар. Шу боис то ҳалиги киши нима сабабдан жамоат билан намоз ўқимаганини билмагунларича уни маломат қилмадилар. У зот: “Эй фалончи, нега одамларга қўшилиб намоз ўқимадинг?”, деб сўраган эдилар, у — ўз наздида узр деб ҳисоблаган —

узрини, яъни жунуб бўлиб қолгани ва ювинишга сув топа олмаганини, шу боис то сув топиб ювингунча намозни кечиктирмақчи бўлганини Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламга баён қилди. Шунда Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Аллоҳ таоло Ўз марҳамати ила сен учун покланишда сувнинг ўрнини босадиган нарсани — тупроқни яратиб қўйган. Тупроқ билан таяммум қил, шу сенга сувнинг ўрнига кифоя қилади”, деган мазмунда жавоб берадилар.

Ҳадисдан олинadиган фойдалар:

1 – Таяммум жанобатдан покланишда ғуслнинг ўрнига ўтади.

2 – Таяммум қилиш сув топа олмаган ёки сув ишлатиш унга зарар етказадиган одам учун жоиз бўлади. Зеро, ҳадисда зикр қилинган саҳобий ҳам сув йўқлигини узр сифатида баён қилганида Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам унинг бу узрини ўринли санаб, унга таяммум қилишга изн бердилар.

3 – Бирон амалда камчиликка йўл қўйган кишини кўрган заҳоти то сабабини аниқлаштириб олмагунча уни қойиш ва маломат қилишга шошилмаслик керак. Чунки сиз маломат қилаётган кишининг узри бўлиши мумкин.

4 – Саҳобалар Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам тириклик чоғларида ҳам баъзи фикҳий масалаларда ижтиҳод қилишган. Бунга ушбу саҳобийнинг жунуб бўлиб қолган одам то сув топиб ювинмагунча намоз ўқимайди, таяммум ояти эса кичик бетаҳоратликка хос деб ўйлагани далил бўлади.

Ўттиз еттинчи ҳадис

عَنْ عَمَّارِ بْنِ يَاسِرٍ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا قَالَ: ((بَعَثَنِي النَّبِيُّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فِي حَاجَةٍ فَأَجَبْتُ فَلَمْ أَجِدِ الْمَاءَ فَتَمَرَّغْتُ فِي الصَّعِيدِ كَمَا تَمَرَّغُ الدَّابَّةُ ثُمَّ أَتَيْتُ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - فَذَكَرْتُ ذَلِكَ لَهُ فَقَالَ: إِنَّمَا يَكْفِيكَ أَنْ تَقُولَ بِيَدَيْكَ هَكَذَا - ثُمَّ صَرَبَ بِيَدَيْهِ الْأَرْضَ صَرْبَةً وَاحِدَةً ثُمَّ مَسَحَ الشَّمَالَ عَلَى الْيَمِينِ وَظَاهِرَ كَفِّهِ وَوَجْهَهُ)).

Аммор ибн Ёсир розияллоху анху айтади: “Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам мени иш билан бир ерга юбордилар. Мен жунуб бўлиб қолдим. Сув топа олмагач, хайвон тупроққа ағанаганидек, тупроққа ағанадим. Сўнг Расулуллох соллаллоху алайҳи ва салламнинг ҳузурларига келиб, ушбу ишим ҳақида хабар бердим. У зот: “Қўлларинг билан мана бундай қилсанг кифоя қиларди”, дея қўллари билан ерга бир марта урдилар, сўнг чап қўлларини ўнг қўлларига (бир ривоятда икки қўлларини бир-бирига), кафтларининг устига ва юзларига суртдилар” [Бухорий: 347 ва Муслим: 368].

Шарҳ:

Сафарларнинг бирида Набий соллаллоху алайҳи ва саллам Аммор ибн Ёсирни юмуш билан бир ерга жўнатади. Ўшанда у жунуб бўлиб қолади ва ювинишга сув топа олмайди. У кичик бетаҳоратликдан таяммум қилиш мумкинлигини билар, аммо жанобатдан покланиш учун таяммум қилиш жоизлигини билмасди. Шу боис ижтиҳод қилади ва сувга қиёслаб, кичик бетаҳоратликдан покланиш учун таяммум қилинганда баъзи таҳорат аъзоларига тупроқ суртилгани каби, жанобатдан покланиш учун ҳам бутун баданни тупроққа белаш керак, деб ўйлайди ва ерга ағанаб бутун баданини тупроққа белаб, сўнг намоз ўқийди. Бирок

Ўз ижтиҳодига биноан қилган бу амалидан кўнгли хижил бўлиб, Набий соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг хузурларига келгач бу ҳақда у зотга хабар беради. Шунда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам, бутун баданингни тупроққа белашинг ўрнига икки кўлингни бир марта ерга уриб, сўнг чап кўлинг билан ўнг кўлинг устини ва икки кафтинг ҳамда юзингни суртишинг кифоя қиларди, деган мазмунда кўрсатма берадилар.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар таяммумда юз ва икки кафт учун кўлни ерга бир марта уриш кифоями ё икки марта уриш керакми, шунингдек, кўлларни тирсаккача суртиш шартми ёки йўқми, деб ихтилоф қилишган.

Баъзи уламолар, жумаладан, имом Шофеий таяммум қилишда кўлни ерга икки марта уриш лозим: биринчиси юз учун бўлса, иккинчиси кўлларни тирсаккача суртиш учун, деган фикрни билдирган. Улар ўз фикрларига бир қанча ҳадисларни далил қилиб келтиришган. Имом Дорақутний Ибн Умар розияллоҳу анҳумодан ривоят қилган қуйидаги ҳадис шулар жумласидан: “Таяммум икки марта уриш биландир. Бири юзга, иккинчиси кўлларни тирсаккача суртиш учун” [Табароний “Мўъжамул кабир”, (13366)да, Дорақутний: (1/180) ва Байҳақий “Сунан”, (941) да ривоят қилган].

Жумхур уламолар, жумладан, Имом Аҳмад, Авзойй, Исҳоқ (Ибн Роҳуя) ва муҳаддис уламоларнинг фикрича, таяммумда кўл ерга бир марта урилади ва юз билан кафтларгагина масҳ тортилади. Мазкур фикр эгалари ҳам бир қанча саҳиҳ ҳадисларни далил қилиб келтиришган. Ушбу Аммор розияллоҳу анҳунинг ҳадиси ҳам шулар қаторидан.

Ибн Ҳажар роҳимахуллоҳ атади: “Аммор розияллоху анху Набий соллаллоху алайҳи ва салламнинг замонидан кейин шундай (таяммумда қўлни бир марта ерга уриш ва қўлларни кафтларгача суртиш кифоя қилади деб) фатво берар эди. Ҳадиснинг ровийси ҳадисдан кўзланган мақсадни бошқаларга қараганда яхшироқ билади”. Шунингдек, мазкур фикр эгалари, таяммумда қўлни ерга икки марта уруш ва тирсаккача масҳ тортиш кераклиги айтилган барча ҳадисларнинг санади заифликдан холи эмас, деб жавоб беришган. Дарҳақиқат, бундай заиф ҳадисларни очик саҳиҳ ҳадисларга тенглаштириб бўлмайди.

Ибн Абдулбар роҳимахуллоҳ айтади: “Аммор таяммум ҳақида Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи ва салламдан ривоят қилган ҳадисларнинг аксариди қўлни ерга бир марта уриш айтилган. Икки марта уриш айтилган ҳадисларнинг барчаси музтариб, яъни заиф”.

Ибн Дақиқ Ийд роҳимахуллоҳ айтади: “Таяммумда қўлни ерга икки марта уриш ҳақида ҳадис келган. Бири юз учун, иккинчиси икки қўл учун. Бироқ у саҳиҳликда бу ҳадисга тенг келолмайди ”.

Хаттобий роҳимахуллоҳ айтади: “Бир гуруҳ уламолар, таяммумда юз ҳамда кафтлар учун қўлни ерга бир марта урилади, деган фикрни бидиришган. Мазкур фикрга далолат қилувчи ҳадис ривоят жиҳатидан саҳиҳроқдир”.

Ҳадисдан олиндиған фойдалар:

1 – Жанобатдан покланишда ғуслнинг ўрнига таяммум қилиш жоиз.

2 – Таяммум қилишдан олдин сув излаш лозим.

3 – Таяммум қилишнинг кўриниши: қўлни бир марта ерга урилади, сўнг юзга ва икки қўлни тирсакларигача масҳ

тортилади. Ибн Рушд роҳимаҳуллоҳ айтади: “Қўл деганда кафт ва билаклардан кўра, кафтнинг ўзи кўпроқ тушунилади”.

4 – Санъоний роҳимаҳуллоҳ зикр қилишича, ушбу ҳадиснинг баъзи ривоятларида сўз ёки жумлани бир-бирига боғловчи ҳарфлар мутлақ атфни ифода этувчи “вов” ҳарфи билан келган, баъзиларида эса тартибни ифода этувчи “фа” ва “сумма” боғловчи ҳарфлари билан келган. Бу, яъни “фа” ва “сумма” боғловчи ҳарфлари билан келган ривоятда мутлақ атфни ифода этадиган “вов” боғловчиси билан келган ривоятда зикр қилинмаган кўшимча ҳукм бор. Ҳолбуки, “адл” ишончли кишининг кўшимчаси қабул қилинади. Шунга биноан “Саҳиҳайн”да мутлақни ифода этувчи “вов” боғловчиси билан келган ривоятлар тартибни билдирувчи ривоятлар билан изоҳланади. Шунингдек, Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам юзларидан олдин икки қўлларига масҳ тортганлари на сўзларида, на амалларида келган.

5 – Катта бетаҳоратликдан таяммум қилиш кўриниши ва ҳукми кичик бетаҳоратники билан бир хил.

6 – Ибодатга доир масалаларда ижтиҳод қилиш жоиз.

7 – Мужтаҳид олим ижтиҳоди натижасида хато қарорга келса ва шунга биноан бирон ибодатни адо қилса, сўнг қилган ижтиҳоди натижаси нотўғри экани аён бўлса, ўша ибодатни қайта бажармайди.

Ўттиз саккизинчи ҳадис

عَنْ جَابِرِ بْنِ عَبْدِ اللَّهِ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهُمَا: أَنَّ النَّبِيَّ - صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ - قَالَ: ((أَعْطَيْتُ حَمْسًا لَمْ يُعْطُهُنَّ أَحَدٌ مِنَ الْأَنْبِيَاءِ قَبْلِي: نُصِرْتُ بِالرُّعْبِ مَسِيرَةَ شَهْرٍ وَجُعِلَتْ لِي الْأَرْضُ مَسْجِدًا وَظَهْرًا فَأَيُّمَا رَجُلٍ مِنْ أُمَّتِي

أَدْرَكَتُهُ الصَّلَاةُ فَلْيَصَلِّ وَأُجِلَّتْ لِي الْمَعَانِمُ وَلَمْ تَحِلَّ لِأَحَدٍ قَبْلِي وَأُعْطِيتُ
الشَّفَاعَةَ وَكَانَ النَّبِيُّ يُبْعَثُ إِلَى قَوْمِهِ خَاصَّةً وَبُعِثْتُ إِلَى النَّاسِ عَامَّةً)).

Жобир ибн Абдуллоҳ розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади. Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам дедилар: “Менга ўзимдан илгари ҳеч бир пайғамбарга берилмаган беш хислат берилди:

1) Бир ойлик масофадаги душманимнинг кўнглига кўрқув солиниши билан мададлантирилдим;

2) Ер мен учун намозгоҳ ва (тупроғи сув ўрнини босадиган) таҳорат воситаси қилинди. Умматимдан қай бирига намоз вақти қаерда етса, ўша ерда ўқийверади;

3) Менга ўлжалар ҳалол қилинди, ҳолбуки, мендан олдин ҳеч кимга ҳалол қилинмаган эди;

4) Менга шафоат қилиш (хукуки) берилди;

5) Ҳар бир пайғамбар ўз қавмигагина юбориларди, мен эса бутун инсониятга юборилдим” [Бухорий: 335 ва Муслим: 521].

Шарҳ:

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга бошқа пайғамбарларга берилмаган бир қанча фазилатли хислатлар ва мақтовли сифатлар ато этилди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг шарафи билан ислом уммати ҳам айрим шундай фазилатли ва мақтовли хусусиятларга эришди. Ушбу ҳадисда зикр қилинган сифатлар шулар қаторига киради.

Биринчиси: Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло Пайғамбарини кўллаб-қувватлаш ва нусрат бериш ҳамда дин душманларини мағлуб ва хор қилиш учун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга шундай бир хислат бердики, у зот

душманларидан бир ойлик масофада бўлсалар, улар калбига ғулғула тушар, барқарорликларига путур етар, саф ва бирликлари бўлиниб, пароканда бўлар эди. Шубҳасиз, бу каби хислат билан мадад бериш ва қўлаб-қувватлаш Аллоҳ таолонинг улкан кўмагидир.

Иккинчиси: Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло бу улуг пайғамбарга ва унинг раҳматга сазовор умматига енгиллик килиб, ер юзини намозгоҳ килиб қўйди. Қаерда намоз вақти кирса, ўша ерда ўқийверади. Уларнинг ибодат қилиш ўринлари илгариги умматлар ибодатларини черков ва синагогаларда адо қилганлари каби муайян, махсус бир жойга чеклаб қўйилмади. Шу тарзда Аллоҳ таоло ўз фазлу марҳамати ва илтифоти билан бу уммат устидан кийинчилик ва тангликни олиб ташлади. Шунингдек, олдинги умматлар фақат сув билан покланишга буюрилган эдилар. Бу умматга эса сув топа олмаган ёки ишлатишга кодир бўлмаган ҳолатларда тупроқ билан покланишга рухсат берилди.

Учинчиси: Кофир душманлардан олинадиган ўлжалар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва салламга ва умматига ҳалол килинди. Ўлжалар улар ўртасида Аллоҳ таоло баён килиб берган кўрсатмага биноан тақсимланади. Ваҳоланки, ўтган пайғамбарларга ва умматларига ўлжалар ҳаром килинган эди. Улар ўлжаларни жамлаб, бир ерга тўплашар, агар амаллари мақбул бўлса, осмондан олов тушиб ўлжаларни ёндириб юборар эди.

Тўртинчиси: Аллоҳ таоло Пайғамбаримизгагина “Мақоми маҳмуд”, яъни мақтовли ўрин ва буюк шафоат соҳиби бўлишни насиб қилди. Қиёмат куни аросатда барча “улул азм”, яъни сабот-матонат эгалари бўлган пайғамбарлар шафоат қилишга ботина олмай турган бир пайтда, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам: “Мен шафоат сўрайман”, деб Арш остига сажда қиладилар ва Аллоҳ таолога лойиқ мақтов-ҳамдлар айтадилар. Шунда: “Шафоат

сўранг, шафоат қилинади, сўранг берилади”, деб айтилади. Сўнг у зот Аллоҳ таолодан узоқ муддат маҳшарда туриб қолган халойиқни ҳисоб-китоб қилиб, улар ўртасида ажрим қилишини сўрайдилар. Мана шу аввалгилару охиргилар ҳавас қиладиган “Мақоми маҳмуд”, яъни мақтовли ўриндир.

Бешинчиси: Ўтган барча пайғамбарларнинг даъвати фақат ўз қавмларига чекланган эди. Аммо ушбу улуғ пайғамбарнинг рисолатини Аллоҳ таоло кенг қамровли ва то қиёматгача муносиб шариат қилиб қўйди. У зотнинг шариати барча замону маконларга яроқлидир. У барча одамларга — миллат ва элатларидан, макон ва замонларидан қатъий назар то қиёматгача абадий дастур ва қонун сифатида юборилди.

Ушбу шариат шундай улуғ ва барча замону маконга муносиб бўлгани учун ҳам охирги шариат қилинди. Зеро, унда қўшимча ҳукмларга эҳтиёж йўқ ва нуқсондан ҳам холи. У ўз ичига олган боқийлик ва абадийлик унсурлари туфайли ана шундай кенг қамровли қилинди.

Бу буюк ҳадис бўлиб, унда кўп фойдалар бор. Қуйида улардан энг муҳимларини қисқача келтириб ўтамиз.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи ва саллам қолган пайғамбарлардан, у зотнинг уммати қолган умматлардан афзал ҳисобланади.

2 – Банда ўзига Аллоҳ таоло томонидан берилган неъматларни санаши жоиз. Агар банда ўзига ато этилган неъматларни шуқр қилиш ва ёдга олиш ниятида зикр қилса, ибодат ва Аллоҳга шуқр қилиш саналади.

3 – Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва салламга душманлари қалбига қўрқув солиниши билан мадад

берилди, ўлжалар ҳалол қилинди, бутун инсониятга пайғамбар қилиб юборилди, шафоат қилиш ҳуқуқи берилди, унга ва умматига ер намозгоҳ ва покловчи восита қилинди. Булар у зотнинг хислатларидан баъзиларидир. Айрим уламолар у зотнинг хос хислатларини ўн еттита, деб зикр қилишган. Санъоний роҳимаҳуллоҳ эса йигирма битта хислатларини санаганлар.

4 – Намознинг дуруст бўлиши хос бир маконга боғлиқ эмас. Балки ернинг ҳар қандай жойида ўқилган намоз дуруст ва яроқли саналаверади.

5 – Ер аслида намоз ва таяммум учун пок ва яроқли саналади.

6 – Ернинг барча жойидан таяммум қилса бўлади.

7 – Ислом шариати кенг қамровли, буюк шариат бўлиб, яшаб турган диёрлари ва ватанлари қаерда бўлишидан қатъий назар, бутун олам аҳлининг ибодатлари-ю ўзаро муносабатларини тартибга солиш учун юборилган.

8 – Санъоний роҳимаҳуллоҳ айтади: “Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи ва салламнинг доврўқлари бир ойлик масофадаги душманлар қалбига қўрқув солувчи бўлганининг сабаби, бундан кўра узоқроқ масофада у зотга душманлик қилганлар бўлмаган”.

Ҳайз боби

Ҳайз Аллоҳ таоло раҳмати ва ҳикмати ила ҳомилага озуқа бўлсин деб аёлнинг бачадонида яратган қондир. Аёл киши тукқач, ўша қон сутга айланиб, гўдакка озуқа бўлади. Агар ҳомиладор ёки эмизикли бўлмаса, бу қоннинг ортиқчаси маълум вақтларда чиқиб кетади. Шунинг учун ҳомиладор ёки эмизикли аёл ҳайз кўриши кам учрайди. Шариатда ибодат ва бошқа ишларга доир айрим ҳукмлар ушбу қоннинг чиқишига боғлиқ қилинган.

Ўттиз тўққизинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ((أَنَّ فَاطِمَةَ بِنْتَ أَبِي حُبَيْشٍ: سَأَلَتِ النَّبِيَّ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ فَقَالَتْ: إِنِّي أُسْتَحَاضُ فَلَا أَطْهَرُ أَفَادَعُ الصَّلَاةَ؟ قَالَ: لَا إِنَّ ذَلِكَ عِرْقٌ وَلَكِنْ دَعِيَ الصَّلَاةَ قَدَرِ الْأَيَّامِ الَّتِي كُنْتِ تَحِيضِينَ فِيهَا ثُمَّ اغْتَسِلِي وَصَلِّي)).

وَفِي رِوَايَةٍ ((وَلَيْسَتْ بِالْحَيْضَةِ فَإِذَا أَقْبَلْتَ الْحَيْضَةَ: فَاتْرِكِي الصَّلَاةَ فِيهَا فَإِذَا ذَهَبَ قَدْرُهَا فَاغْسِلِي عَنْكَ الدَّمَ وَصَلِّي)).

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Фотима бинт Абу Ҳубайш Набий соллаллоху алайҳи ва салламдан: “Мен истехоза бўламан, ҳеч тоза бўлмайман. Намозни ташлайми?”, деб сўради. У зот шундай жавоб бердилар: “Йўқ, бу (қон) томир (узилиши сабабидан келади). Ҳайз кўрадиган кунларинг миқдорича намозни қўйгин-да, сўнг ғусл қилиб, (қолган кунлари) намоз ўқийвер” [Бухорий: 325 ва Муслим: 333].

Бир ривоятда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Бу ҳайз эмас. Агар ҳайзинг келса намозни ташла, ҳайз кунларинг миқдори ўтса, ўзингдан қонни ювиб ташлаб, намоз ўқийвер”, деганлар [Бухорий: 306].

Шарҳ:

“...бу томир”, яъни сендаги чиқаётган қон ҳайз эмас, балки томир узилиши туфайлидир. Бир ривоятда бу маъно очиқ зикр қилинган. Бу томир араб тилида “Озил” деб номланиб, бачадоннинг оғзи яқинида бўлади. Ҳайз эса бачадоннинг тубидан чиқадиган қондир.

Фотима бинт Абу Ҳубайш розияллоху анҳо ўзидан истехоза қони келиши ва у ҳеч тўхтамаслиги ҳақида Набий соллalloҳу алайҳи ва салламга хабар бериб: “шу сабабли намозни тарк қиламанми?”, деб сўрайди. Шунда у зот соллalloҳу алайҳи ва саллам: “Йўк, намозни тарк қилма, чунки намозни тарк қилишингга сабаб бўладигани ҳайз қонидир. Сендаги келаётган бу қон ҳайз эмас, балки томир ёрилиши оқибатида келаётган қондир. Агар айтганингдек, қон одатдаги ҳайз кунларинг-у бошқа кунларда ҳам тўхтамасдан келаётган бўлса, одатда ҳайз кўрадиган кунларинг намоз ўқима. Агар одатда ҳайз кўрадиган кунларинг ўтса, гарчи истехоза қони келиб турса ҳам ғусл қил ва ўзингдан қонни ювиб ташлаб, сўнг намоз ўқи” деган мазмунда жавоб бердилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Истехоза билан ҳайз қони ўртасида фарқ бор. Истехоза қони узлуксиз келадиган қон бўлса, ҳайз қони маълум вақтларда келадиган қон.

2 – Истехоза қони намоз ва бошқа ибодатларни бажаришга монелик қилмайди.

3 – Ҳайз қони намозни адо қилишга монелик қилади. Ўша кунларнинг қазоси ўталмайди. Ибн Дақиқул Ийд роҳимаҳуллоҳ аёл киши ҳайз кўрган кунларидаги намозининг қазосини ўтамаслигига хавориждан бошқа барча салаф ва халаф уламолар ижмоъ қилишганини зикр қилган.

4 – Истехоза кўрган аёл одатий ҳайз кунлари муддатини аниқ билса, ўша кунларни ҳисоблаб, у тугаганидан сўнг ғусл қилади ва ҳайз ҳолатида ман қилинган ибодатларни бажараверади.

5 – Қон најосат бўлиб, уни ювиб ташлаш фарз.

6 – Истехоза бўлган аёл ҳар намоз вақти кирганида ғусл қилиши фарз эмас.

7 – Ибн Дақиқул Ийд роҳимаҳуллоҳ: “... ўзингдан қонни ювиб ташлаб, намоз ўқийвер”, деган ривоят баъзи тушунмовчиликни келтириб чиқаради. Чунки унда ғусл қилиш зикр қилинмаган. Маълумки, истехоза кўрган аёл ҳайз кунлари тугаганидан сўнг ғусл қилиши фарз бўлади”, дейди. Бунга тўғри жавоб шуки, бу ривоятда ғусл қилиш лозимлиги зикр қилинмаган бўлса-да, бошқа саҳиҳ ривоятларда: “ғусл қилгин”¹³, деган қўшимча борлиги учун шу маънони ўз ичига олади.

Қирқинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا ((أَنَّ أُمَّ حَبِيبَةَ أُسْتُحِيضَتْ سَبْعَ سِنِينَ فَسَأَلَتْ رَسُولَ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ عَنْ ذَلِكَ فَأَمَرَهَا أَنْ تَغْتَسِلَ قَالَتْ: فَكَأَنِّي تَغْتَسِلُ لِكُلِّ صَلَاةٍ)).

¹³ Ибн Можа: 627 ва Аҳмад: 26603 ривояти.

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Умму Ҳабиба розияллоху анҳо етти йил истехоза бўлди. Бу ҳақда Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи ва салламдан сўраганда, ғусл қилишга буюрдилар. У ҳар намозга ғусл қилар эди” [Бухорий: 327 ва Муслим: 334. Мазкур ҳадис Бухорий ривояти].

Шарҳ:

Умму Ҳабиба розияллоху анҳо етти йил истехоза кўради. Набий соллalloҳу алайҳи ва салламдан қай тарзда покланиш ҳақида сўрайди ва у зот ғусл қилишга буюрадилар. Шундан сўнг Умму Ҳабиба ҳар намозга ғусл қила бошлайди.

Уламолар ихтилофи:

Уламолар истехоза кўрган аёл ҳар намозга ғусл қилиш-қилмаслиги борасида ихтилоф қилишган. Айрим уламолар бу борада баъзи “Сунан” китобларида келган ҳадисларга таяниб, ҳар намозга ғусл қилиши фарз, деган фикрни билдиришган.

Аксар салаф уламолар, жумладан, Али, Ибн Аббос ва Ойша ҳамда кейинги уламолардан имом Абу Ҳанифа, имом Молик ва имом Аҳмад роҳимаҳумуллоҳнинг фикрларига кўра, истехоза кўрган аёл ҳар намозга ғусл қилиши фарз эмас. Улар ўз фикрларига “ал-бароатул аслийя”, яъни “аслида инсон зиммаси ҳар қандай мажбуриятлардан холи” деган қоидани далил қилишган. Унга кўра, инсон зиммаси аслида ғусл фарз бўлишидан холи эканидир, яъни ғусл фарз бўлиши учун далил лозим. Истехоза кўрган аёл ҳар намозга ғусл қилишга буюрилгани ҳақида келган ҳадисларга эса қуйидагича жавоб беришган: “Бу ҳукмга далолат қиладиган бирон саҳиҳ ҳадис келмаган. Умму Ҳабибанинг ҳар намозга ғусл қилгани эса унинг шахсий тушунчасидир.

Ваҳоланки, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам уни ҳар намозга ғул қилишга буюрмаганлар. Балки саҳиҳ собит ҳадисларда айтилганидек, фақатгина ғул қилишга буюрганлар”. Ибн Дақикул Ийд зикр қилишича, на “Саҳиҳайн” (Бухорий ва Муслим)да ва на уларнинг бирида Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам Умму Ҳабибани ҳар намозга ғул қилишга буюрганлари келмаган.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

Истехоза бўлган аёл одатда ҳайз кўрадиган кунлари битганидан сўнг ғул қилиши фарз.

Қирқ биринчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: ((كُنْتُ أَعْتَبِلُ أَنَا وَرَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ مِنْ إِتَاءِ وَاحِدٍ كِلَانَا جُنْبًا)).
((وَكَانَ يَأْمُرُنِي فَأَتَزِرُ، فَيُبَايِئُنِي وَأَنَا حَائِضٌ)).
((وَكَانَ يُخْرِجُ رَأْسَهُ إِلَيَّ، وَهُوَ مُعْتَكِفٌ، فَأَغْسِلُهُ وَأَنَا حَائِضٌ)).

Ойша розияллоху анҳодан ривоят қилинади: “Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам билан иккимиз ҳам жунуб ҳолимизда бир идишдан чўмилардик” [Бухорий: 299 ва Муслим: 321].

“Ҳайзлик ҳолатимда Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам лозим кийиб олишимга буюрар, сўнг мени қучар эдилар” [Бухорий: 300 ва Муслим: 293].

“Расулulloх соллаллоху алайҳи ва саллам эътиқофдалик чоғларида (масжиддан) бошларини менга чиқарар ва ҳайз ҳолимда у зотнинг бошларини ювиб қўяр эдим” [Бухорий: 301 ва Муслим: 297].

Шарх:

Мазкур ҳадис уч масалани ўз ичига олган:

Биринчиси: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ва аёллари жанобатдан покланишда бир идишдан чўмилар эдилар. Зеро, жунуб одам дастлаб кўлини ювган бўлса, уни идишга ботириши сувнинг поклигига таъсир қилмайди.

Иккинчиси: Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам ҳайз ҳолатидаги аёлнинг лозими устидан тегиниш жоизлигини билдириш мақсадида шундай қилдилар. Негаки, яхудлар ҳайз кўрган аёл билан бирга овқатланмас ва ётмас эдилар.

Учинчиси: Аёл киши ҳайз ҳолатида масжидга кирмайди. Чунки ҳайз қони тушиб, масжидни ифлос қилиш эҳтимоли бор. Шу сабабдан Набий соллаллоҳу алайҳи ва саллам масжидда туриб, Ойша розияллоҳу анҳонинг уйига бошларини тутар, у эса бошларини ювиб қўяр эди. У зотнинг бу амаллари ҳайз кўрган аёлга тегинишнинг зиёни йўқ эканига далолат қилади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Эр-хотин жанобатдан покланишда бир идишдан ювиниши жоиз.

2 – Ҳайз кўрган аёлнинг жинсий аъзосидан бошқа ерига тегиниш жоиз. Аёлнинг бадани пок бўлиб, у ҳайз туфайли нажосат бўлиб қолмайди.

3 – Ҳайз кўрган аёл эри билан кучоқлашган пайтда лозим кийиб олиши мустаҳаб.

4 – Ҳаром амалга қўл уришга тўсқинлик қиладиган чоратадбирларни олиш лозим.

5 – Ҳайз ҳолатидаги аёл масжидга кириши тақиқланади.

6 – Ҳайз кўрган аёл ҳўл ёки курук нарсаларни ушлаши жоиз. Шу жумладан, бировнинг бошини ювиши ва сочларини тараб кўйиши мумкин.

7 – Эътикофда ўтирган киши масжиддан бошини чиқарса, масжиддан чиққан саналмайди. Бунга бошқа аъзоларни ҳам таққослаш мумкин. Фақат бутун бадани масжиддан чиқмаслиги шарт.

Қирк иккинчи ҳадис

عَنْ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا قَالَتْ: ((كَانَ رَسُولُ اللَّهِ صَلَّى اللَّهُ عَلَيْهِ وَسَلَّمَ يَتَّكِي فِي حِجْرِي فَيَقْرَأُ الْقُرْآنَ وَأَنَا حَائِضٌ)).

Ойша розияллоху анҳо айтади: “Набий соллаллоху алайҳи ва саллам ҳайз ҳолатимда менинг бағримга суянган (бир ривоятда: бошларини кўйган) ҳолларида Қуръон ўқир эдилар” [Бухорий: 297 ва Муслим: 301].

Шарҳ:

Ойша розияллоху анҳо ҳайз бўла туриб, Набий соллаллоху алайҳи ва саллам унинг бағрига бошларини кўйганларича Қуръон ўқишларини зикр қилмоқда. Бу ҳайз кўрган аёлнинг бадани пок бўлиб, ҳайз сабабли најосатга айланиб қолмаслигига далолат қилади.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Ҳайз пайтидаги аёлнинг бадани ва кийими пок санланади. Бинобарин, унинг бағрида Қуръон ўқиш жоиз.

2 – Аёл ҳайз ҳолатида Қуръон ўқиши ҳаром. Ибн Дакилул Ийд роҳимахуллоҳ айтади: “Ойша розияллоху анҳо “ҳайз ҳолатимда”, деган қайдни “бу ҳолатда аёл кишининг бағрида Қуръон ўқиш жоизмас”, деган тушунчани даф

қилиш учун зикр қилган. Бундан аёл киши ҳайз ҳолатида Қуръон ўқиши жоизмаслиги тушунилади”.

Қирк учинчи ҳадис

عَنْ مُعَاذَةَ قَالَتْ: ((سَأَلْتُ عَائِشَةَ رَضِيَ اللَّهُ عَنْهَا فَقُلْتُ: مَا بَالُ الْحَائِضِ تَقْضِي الصَّوْمَ وَلَا تَقْضِي الصَّلَاةَ فَقَالَتْ: أَحْرُورِيَّةٌ أَنْتِ؟ فَقُلْتُ: لَسْتُ بِحُرُورِيَّةٍ وَلَكِنِّي أَسْأَلُ. فَقَالَتْ: كَانَ يُصِيبُنَا ذَلِكَ فَنُؤَمَّرُ بِقِضَاءِ الصَّوْمِ وَلَا نُؤَمَّرُ بِقِضَاءِ الصَّلَاةِ)).

Муоза айтади: “Мен Ойша розияллоху анҳодан: “Нега ҳайз кўрган аёл рўзанинг қазосини тутади-ю, намознинг қазосини ўқимади?”, деб сўрадим. У: “Нима, сен ҳарурийларданмисан?!”, деди. Мен: “Ҳарурийлардан эмасман, шунчаки сўраяпман”, дедим. Шунда Ойша: “Биз аёллар (Расулulloх соллалллоху алайҳи ва саллам давларида) ҳайз кўрар, рўзанинг қазосини тутишга буюрилар, бироқ намознинг қазосини ўқишга буюрилмас эдик”, деди” [Бухорий: 321 ва Муслим: 335].

Шарҳ:

“Ҳарурийларданмисан?!”, ҳарурий деб Кўфа яқинида жойлашган Ҳаруро шаҳрида яшайдиган одамларга айтилади. Али ибн Абу Толибга қарши чиққан дастлабки хавориж фирқаси ўша ердан чиққани боис улар ҳарурийлар деб номланишган.

Муоза Ойша розияллоху анҳодан: “Нима сабабдан шариатда ҳайз кўрган аёл рўза тутмаган кунларининг қазосини тутишга буюрилган-у, намозларнинг қазосини ўқишга буюрилмаган, ҳолбуки, иккиси ҳам фарз ибодат бўлса, ҳатто намоз рўзадан буюкроқ ва устунроқ саналса”, деган мазмунда савол сўрайди. Дарҳақиқат, хаворижлар

хайз кўрган аёл рўзанинг ҳам, намознинг ҳам қазосини ўтайди, иккиси ўртасида фарқ йўқ, деб ишонишарди. Зеро, хаворижларнинг мазҳаби қаттиққўллик ва қийинлаштириш устига қурилган эди. Ойша розияллоху анҳо Муозага: “Нима, сен ҳарурийларданмисан, уларнинг эътиқодидамисан, улар каби динни қаттиқ оляпсанми?!”, деб эътироз билдиради. Муоза ўзини оқлаб: “Ҳарурийлардан эмасман, балки билиш ва амал қилиш мақсадида сўраяпман”, дейди. Шунда Ойша розияллоху анҳо айтади: “Биз Расулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам даврларида ҳайз кўрсак, намоз ва рўзани ташлар эдик. У зот бизларни рўзанинг қазосини тутишга буюрар, бироқ намознинг қазосини ўқишга буюрмас эдилар. Агар намознинг қазосини ўқиш фарз бўлганда, у зот албатта бунга буюрган бўлар, индамай қўймас эдилар”.

Гўё Ойша розияллоху анҳо бу сўзлари билан шариат буйруқларига бўйсунуш ва ҳад-худудларига риоя қилиш ҳикмат ва тўғрилиқ эканини айтмоқчи бўлдилар.

Ҳадисдан олинадиган фойдалар:

1 – Ҳайз кўрган аёл рўзанинг қазосини тутари, бироқ намознинг қазосини ўқимади. Чунки намоз ҳар куни беш маҳал такрорланадиган мунтазам ибодат. Унинг қазосини ўқиш эса машшақат туғдиради.

2 – Набий соллаллоху алайҳи ва саллам бирон амалга эътироз билдирмасликлари ҳам у зотнинг суннатларидан ҳисобланади.

3 – Ўжарлик билан талашиб-тортишиш мақсадида сўраган ҳар қандай одамга танбеҳ бериш лозим.

4 – Ўрганиш ва амал қилиш ниятида сўраган одамга илм ўргатиш.

5 – Ҳайз кўрган аёл намознинг қазосини ундаги машаққат туфайли ўтамаслиги айтиб ўтилди. Бу эса исломдаги “қийинчилик енгилликни жалб қилади”, деган умумий қоидани қўллаб-қувватлайдиган далиллардан биридир.

Манба: Ихлос веб саҳифаси